

Барот Бойқобиллов

СОНЕТЛАР





Барот Бойқобилов

СОНЕТЛАР



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти
1982

Китобни Ўзбекистон ССР халқ рассоми
Қутлуғ Башаров
ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати
Медат Назаров беаган.

Б $\frac{70403-100}{M 351 (04)-282}$ 50-82 4702570200

ШОИРОНА ИЗЛАНИШЛАР. ИЗЧИЛЛИК

Бу сонетлар китоби анча йиллардан бери яратилмоқда. Биринчи сонетлар китоби чиққанига ўн йилдан ошди. Лекин Барот Бойқобиловнинг сонетга ошиқ бўлиб қолганига хийла замонлар бўлди. Шоир илк сонетларини улар китоб бўлиб чиққандан кейиноқ яна қайтадан кўра бошлаган, ҳатто ўша 1971 йилда нашр этилган китобча нусхаси менга жуда кўч ўзгартирилган, таҳрирлар киритилган ҳолда тақдим этилганди.

Дарҳақиқат, ўшанда шоирнинг сонетлар китоби ҳақида сўзбошида шундай деб ёзиб ўтган эдим: кейинги йилларда адабиётимизда шеъриятнинг маълум бир турлари билан алоҳида қизиқиб, ўша турнинг бутун имкониётлари доирасида ижод қилиш, унинг мукамал намуналарини яратишга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Барот Бойқобилов сонетни севади. Сонет машқ қилишдан зерикмайди. Шунинг оқибатида «Сонетлар» китоби вужудга келди.

Сонет ўзи нима?

Азалдан мавжуд маълумотлар бизни Италияга олиб боради. Сонет худминан ўн учинчи асрларда шу мамлакатда туғилган. Петрарка, Данте, Микеланжело сингари даҳолари бўлган. Сўнг сонет Европага, унда бутун жаҳонга тарқалган. Ронсар, Шекспир, Мицкевич, Пушкин сонетнинг олий намуналарини яратганлар. Сонет мактаби уларга тегишли. Сонет ўн тўрт қаторли кичик бир шеър шакли бўлса-да, лекин унинг ўз қатъий ва изчил қонуниятлари бор. Айтайлик, сонетнинг барча қофиялари ўта жарангдор, тархи тоза, порлоқ бўлиши шарт. Қофиялаш русумида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Сонетда мазмун бандлар аро маълум бир изчиллик билан баён этилади. Яъни биринчи тўртликда масала кўтарилиб, иккинчида у ривожлантирилиб, чўққига олиб чиқилади. Қолган икки сўнгги бандда эса қиёмига етган фикр ёрқин ечимга боради. Яқунловчи бандни сонетнинг қобиги дейилса бўлади. Сонетнинг бутун шираси унинг энг охириги сатрига йиғилади. Шунинг учун уни сонет қулфи деб юрити-

шади. Шу билан бирга сонетнинг барча мисралари алоҳида ўткирликка, нафосатга тўлиқ бўлиши назарда тутилади. Хуллас, айтаверса, сонетнинг хили, қондаси кўп.

Барот Бойқобилов сонет билан жиддий қизиқаркан, буларни назардан қочирмаган, албатта. Ўзбек шеъриятида сонет намуналари у қадар кўп яратилмаган эди. Барот унинг миқдориغا талай ўзгаришлар киритди.

Баротнинг сонетлари содда услубда, яъни образларни қуюқлаштирмасдан, осуда оҳангларда ёзилган бўлса-да, лекин уларда жуда катта мавзулар ўзлаштирилади. Ватанга муҳаббат, совет кишисининг маънавий дунёси, бурч, севги, виждон — мана шоирни тўқинлантирган мавзулар.

Барот ўз сонетларида фикрни мунтазам ва тадрижий такомилда баён қилишга аҳамият беради. Баён этаётган масаласидан катта ёмби, умумга аҳамиятли хулосалар чиқаришга интилади. Бунда у баъзан кўпроқ дидактикага мойилроқ бўлиб кўринса-да, бироқ ҳар қалай ҳар бир шеърда каттароқ гап айтишга уриниши таҳсинга сазовордир.

Шоир бир сонетида «етти оғайни чинор» тагида булоқ кўриб, ундан тўйиб баҳра олганлигини, сўнг ўзини қалдирғочдай енгил сезиб, эзгу хаёлларга берилиб кетганлигини ёзади. Шоир сеҳрланиб булоқ олди-да ётса, бир моҳи рухсор пайдо бўлиб, «ҳой, ака, бу ерда ётманг, бу азиз жой», дейди. Шоир:

Ўз она-Ерим-ку, қўрқма, сулув қиз,
Мен учун ҳамма ер муқаддас, азиз,—

деб жавоб беради. Она-Ерини шу қадар азиз тутиб бошига кўтарган шоирга шеърят дунёси ҳам шу қадар азиз ва муқаддас бўлиб қолсин деган тилак дилимизда бор. Шундай бўлажагига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки Барот юртга садоқатни, муҳаббатда собитликни, дўстликда барқарорликни, оилада покизаликни, инсонлар ўртасида инсонийликни куйлайди. У ўз шеърларида китобхонни олижанобликка, олижаноб ғоялар билан яшашга чақиради.

Албатта, дostonда Хомер, ғазалда Навоий, рубойда Хайём, шеърда Пушкин, сочмада Маяковский шуҳрати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Лекин ҳар бир санъаткор ўзи севган, талантининг даражаси кўтарган шаклда ижод қилишга ҳақли.

Барот Бойқобилов сонетга қизиқиб, сонет билан шеъриятимиз бойлигини оширишга хизмат қилаётган экан, ўзбек шеъриятида биринчилардан бўлиб сонет гулчамбари яратган экан, унинг бу меҳнатларини таъриклаш керак.

Бу сўзлар ёзилганига ҳам анча паллалар бўлиб қолди. Ҳамонки орадан шунча пайт ўтган экан ва шоир ўз интилишларида жуда мунтазам изчиллик намунасини кўрсатган экан, эндиликда яна шу сўзларни уларга қўшиб қўйиш аини муддаодир.

Шоир бу орада ўзини аҳд одами сифатида кўрсатди.

Галинг очиги, умуман, «аҳд одами» деган тушунчани илгари учратмаган эдим. Лекин яхшилик йўлида, одамларнинг манфаатлари йўлида, эл-юртнинг келажаги йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ва умрини шунга сарфлаган ва сарфлаётган одамларни аҳд одами дейиш мумкин-ку!

Юртни улуғлаш, унинг шаънига шаън, шавкатига шавкат қўшиш нияти билан яшайдиган кишиларга бу ернинг ҳар бир гиеҳи, ҳар бир яшил дарахти азиз. Уларга инсон қўли билан бино қилинаётган қудратли электростанциялар, янги сув ҳавзалари, янги саноат ва ишлаб чиқариш гигантлари, янги қишлоқ ва шаҳарлар, янги саройларгина эмас, тикланаётган ва таъмир бўлаётган буюк ўтмиш обидалари, инсон ақл-заковатидан, ижодий қувваларнинг зўрлигидан дарак берувчи мапоқиблар, гўзал девонлар, тарих китоблари ҳам азиз. Шуларни азиз қилиб юрагига жойлаган одам улардан умр бўйи илҳомланиб ўтади. Умрни шу илҳомнинг самаралари билан безайди.

Муҳаббати теран одамлардагина аҳд кучли бўлади. Аҳд бунда ҳаракатга ва зўр энергияга айланади. Аҳд энергиянинг — шеърый энергиянинг намоиши. Улмас шеърлар ва барча ўлмас асарлар аҳднинг юксаклигидан яралган десак хато бўлмайди. Навоий, Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Пушкин, Маяковский шундай аҳд одами эдилар. Улар ўз аҳдларининг мунтазам қудрати билан шеър яратганлар. Халқ олдида, Ватан олдида, жонажон партия олдида аҳдсиз бир қатор ҳам шеър яратиб бўлмайди. Бугун тер тўкиб ижодий меҳнат билан ўз эрталарини бино қилаётган кишилар олдида, севганинг, дўстинг, қардошинг олдида аҳдсиз бир қатор ҳам шеър яратиб бўлмайди.

Мен аҳд одами деганда шуларни назарда тутаман

ва гапнинг ростини айтганда, бу тушунча менга жуда ёқади.

Барот Бойқобилов сонетларидан бирида ёзади:

Меҳрингу сеҳринга қопмасман,
Ишқингдан яратиб бир қуёш,
Узга бир ўтда ҳеч ёнмасман.

Кечинмаларини ва ўз аҳдларини баён қилаётган қаҳрамон бизнинг кўз ўнгимизда аҳди қаттиқ ва аҳди олижаноб киши сифатида намоён бўлмоқда. Уни ёрнинг меҳри ўз кўнга олган ва бир умрга мубтало қилган. У ёрнинг меҳри ҳаётбахш эканлигига қомил ишонч ҳосил қилган. Шу ишончдан аҳд туғилган.

Лекин эътибор беринки, бу ошиқни ҳатто меҳрдек жуда эзгу туйғу ҳам қондиrolмайди. Фақат меҳр ва сеҳр билан яшамоқлик унга оз кўринади. У ўз талаб ва хоҳишларида кўз илғамас юксакликларни кўзлайди. Оддий одамлар кўзи билан қараганда, зўр муболаға билан фикр юритади. У фақат ишқни тан олади. Ишқдан қуёш яратади. Шу қуёшнинг ўтида ёниб ўтишга қарор қилади. Шу қарор унинг қанчалар аҳд одами эканлигини яхши ифодалайди.

Сонетлар ошиқ қалбининг эътирофларини акс эттиради. Бу эътирофларда ишқ берадиган барча лаззатлар, барча гўзалликлар, шайдолик ва мубталоликлар, орзулар ва ушалмаган армонлар, севикли ёрнинг бағри тошлигидан, поз-истигноларидан, араз ва аччиқларидан туғилган кайфиятларининг турфа даражатлари — азоблар, ўртапишлар, аҳд-паймонлар акс этади. Бу ошиқ ўз аҳдининг қаттиқлигида классик адабиётимизда яратилган ошиққа яқинлашиб боради. Сонетларнинг яқин мисралари ҳам шу аҳдининг кескинлигини акс эттиради: «Ишқинг менга эзгу қасамдир», «қалбингдир топилган менинг меҳробим», «мен ёниб ўтурман Қайсдек ўртапиб», «сени деб, сен билан ўтиб кетардим, ғанимлар қошида эгмасдан бошни!» ва ҳ. к.

Бу қаҳрамон — албатта, у шоир қалби, шахсияти, қарашларининг асосий хусусиятларини акс эттиради, аҳд одами бўлгани учун ҳам кўп нарсалардан қаноатланмайди. У ҳаётнинг мазмуни, умрнинг қиммати ҳақида мушоҳада юритишга мойил. Ўз ҳаётидан, қилаётган иши, меҳнатидан фахрланади. Самаралар уни ифтихорга тўлдирди. У яхши билан қаноатлашиб қолмайди, аъло бўлишини истайди, аъло билан ҳам

қаноатланмайди, аъло узра аъло бўлишини хоҳлайди.

Совет қаҳрамонининг Ватан, она тупроқ ҳақидаги ўйларида ҳам ифтихор туйғуси бўртиб туради. У ўз тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас ҳолда ҳис қилади ва шеърларда буни таъкидлаб боради:

Улғайиб дунёни тапиганда мен
Англадим тупроққа жоп экан эғбз.

Бу шаклланиб етган, эътиқод даражасига кўтарилган қараш. Унинг тупроққа боғланиши реал чизиқларга эга.

Шоирнинг «Самарқанд», «Олтин тўй», «Самарқанд уншоғи», «Мен кашф этган Ўзбекистон» деб аталган гулчамбарлари ва сонетлардан қурилган достонлари бошдан-оёқ ифтихор туйғуси билан тўла. Ифтихор бу тизмаларда ҳар бир сўз, ҳар бир қатор, ҳар бир фикр ва ҳар бир тасвирда, тавсифларда бош мавқеини эгаллаб туради. Сўзлар ҳаммаси, образлар ҳаммаси ифтихордан туғилган.

Ифтихор ва олижаноб аҳд унинг туйғуларида етакчи ўринга чиқади, гражданлик кайфиятларининг мағзини ташкил этади.

Барот Бойқобилов меҳнаткаш шоир. Меҳнат уни шеърятнинг ичига тобора чуқур олиб кирмоқда. Барот Бойқобилов буни юракдан ҳис қилиб турибди. У халқ тақдирига йўлдош бўлишни истайди. Мана шу ҳиссиётдан унинг шеъри рангдорлик ва оҳангдорлик касб этади. Она диёрни, бунёдкор халқни, партия даҳосини, янги баркамол инсонни улуғлаган шоирона сўзнинг қадрин доимо баланддир.

Иброҳим Рафуров

*Умримни сонетга бахи этдим
Ва унга бердим мен боримни.
Сонетда янграгдим торимни,
Қалбимга куйини нақш этдим.*

*Умримни сонетга бахи этдим
Ва унга айтдим мен зоримни.
Ҳижронда ёндирмай ёримни,
Қалбимга ишқини нақш этдим.*

*Ишқаро мен сонет мулкига
Илк қадам қўйган бир ўзбекман,
Калитин топганман қулфига.*

*Ўзбекман, ўзимга мен бекман,
Кирсам-да Петрарка мулкига,
Петрарка эмасман, ўзликман!*

СОҒИНЧЛИ ТУНЛАРДА ҲАМРОЗИМ СЕНСАН

*Бу маскан фарзанд деб ўнмиш пешонанг,
Сен ташвиш солмагин бошига зинҳор.
Бош эгиб, бир умр бўлгин хизматкор,
У сенинг отангдир, у — сенинг онанг.*





Бу тупроқни кўплар қилишди Ватан,
Тиз чўкди олдида назм худоси.
Она сутидай пок ва бўлсин деб шан,
Қасамдай янграган бобом дуоси.

Бобомнинг бобоси унга сизгилган,
Шу тупроқ деб ўтган етти пуштимиз...
Улгайиб, дунёни таниганда ман
Англадим, тупроққа жон экан эгиз.

Шу тупроқ шуҳратин кўрдиму баҳам,
Ғурурини бердим ҳар бир шеъримга.
Васфидан бир умр нурланиб қалам,
Сизгилиб ўтурман она еримга.

Кўкка етса бошинг, унутма зинҳор,
Оёгинг тагида она еринг бор.

Мен башар боғига ташласам назар,
Офтоб гардишини чулгамиш шафақ.
Аждодлар қалбидай чўгланмиш шафақ,
Бағримга туташди келиб бу манзар.

Мен башар боғига ташласам назар,
Лолазор гулхандек тўлгонмиш шафақ.
Эркпарвар нидодан уйгонмиш шафақ,
Бағримга туташди келиб бу манзар.

Кун ботди... Сўнди лек оловли шафақ,
Истиқбол кўзида қолди шуъласи,
Авлодлар орзуси кўриниб барҳақ.

Тонг отди... Кун билан ҳаёт тухфаси —
Тоғ бошига чиқди яловли шафақ,
Янгради башарнинг Эрк ашуласи!

Гербим бошидаги беш қирра юлдуз —
Қон-қардош халқимнинг толе юлдузи.
Унинг нурларида бахтим бор тенгсиз,
Шу қизил юлдузда дунёнинг кўзи.

Олтин бошоқлари — мепинг насибам,
Совет юрти берган ризқу рўз рамзи.
Гербим кўксидаги Уроқ ва Болғам,
Ишчи билан деҳқон дўстлигин шамси.

Уни қучиб турган ўн беш байрогим
Ленин шууридан олгандир ёғду.
Ҳар бири жонга тенг, кўзу қароғим,
Шувинг-чун қалбимга қўнмагай қайғу.

Мангу тушмасин деб Гербимга соя,
Жон билан этурман уни ҳимоя!

Дунё ишларини қилиб саркитоб,
Отланмоқ бўлгандай янги буйруққа,
Оталар олдида бергандай ҳисоб,
Мангуга содиқдай Қизил байроққа

Бир муддат оёққа турар одамлар,
Қалбларга сукунат қилар ҳокимлик.
Қўргошипдек вазмин оқар оҳанглар,
Етти иқлимга ҳам чўккандай жимлик.

Оталар руҳини қилмоқ учун ёд,
Байроққа қасамёд этар ўгиллар.
Оталар руҳини қилмоқ учун шод,
Жангда эгилмаган бошлар эгилар.

Одамлар гимндан турар оёққа,
Қасамёд этгандай она тупроққа.

Оролниг пойига қўймоқ учун бош,
Аму ошиб келмиш миш тошлик йўлдан.
Қиргоқни емириб, уриб тошга тош,
Бир томчи сувни ҳам бермаган қўлдан.

Шунча олис йўлни босиб ўтса ҳам
Отидан тушмаган бу тошқин дарё.
Ҳар томчи сувида беркиниб кўклам,
Огушида ётган янги бир дунё

Ва лекин қўлини тутмаган ҳеч ким,
Ҳеч ким олмагандир ҳолидан хабар.
Бу олтин тупроққа бош қўйиб, балким
Дунё ишларидан ўксиган ночор.

Бахтини топгунча менинг халқим ҳам
Амудай йўл босди, Амудай ўктам.

Ун беш ога-ини — ўн беш ўлкадан,
 Ленин ҳузурида турар таъзимда.
 Тенг ҳуқуқли ўн беш республикадан
 Меҳмондир ўн беш дўст шаҳри азимда.

Миллионлаб халқ меҳрин жойлаб юракка,
 Мавзолейга қўймиш ўн беш гулчамбар.
 Ленин орденини тақиб кўкракка,
 Ун беш дўст кўкси ҳам ўсмиш тоғ қадар.

Меҳнат зафарини айлаб саркитоб,
 Нури чехраларда акс этиб офтоб,
 Доҳийга ҳисобот бермиш қардошлар.

Ҳаяжондан қалблар мисли бир симоб,
 Сўзлар оҳангида оташни хитоб,
 Лениндан қуёшга етгандек бошлар.



Севгингни дарёга айласам таққос,
Дарё ҳам ирмоқдек кўринур менга.
Севгингни денгизга этсам гар қиёс,
Денгиз ҳам булоқдек кўринур менга.

Энг баланд тоғ билан қўйсам ёнма-ён,
Севгинг қаршисида тоғ ҳам бир зарра.
Юлдузга ўхшатсам севгингни, Ватан,
Юлдуз ҳам шам янглиг нурсиз минг карра.

Қуёш ҳарорати тенг келар десам,
Қуёш ҳам эрийди севгинг олдида.
Севгинг ер юзига сигдирмоқ бўлсам,
Ер юзи кафтимдай бўлиб қолди-я.

Юртим, севгинг қанча улкан бўлса ҳам
Уни сигдираркан қалбига одам.

Қаро этмай дея эл олдида юзингни,
Гуноҳли йўлларга қўймадим асло қадам.
Пок ҳаёт боғида ичганим эзгу қасам,
Ерга қаратмади эл олдида кўзингни.

Садоқат боғида оқладим ҳар сўзингни,
Энг мушкул кунларда дардинга бўлдим ҳамдам.
Энг бахтли кунларда шодлигинг кўрдим баҳам,
Иемингни пок сақлаб, оқладим нон-тузингни.

Виждон амри билан айтганинг этдим адо,
Эътиқод шамини порлатдинг қилиб машъал.
Ҳақиқат тоғида имоним берди садо.

Бир содиқ ўғлингдай берарман сенга сайқал,
Кўз юммай, боқурман ҳуснинга бўлиб шайдо.
Шеърларим, эй Ватан, қасринга бўлур зар ҳал.

Бу буюк тупроқни она дер ҳар ким,
Она деб эзгулик излайди ундан.
Инеонга ёгдудай саодат ёрким,
Қуёндай безавол умри ҳам чиндан.

Антей севганидан шу ерни ортиқ,
Қуч-қудрат олгандир уни қучоқлаб.
Прометей оловни этгали тортиқ,
Қуёни денгизида сузган қулочлаб.

Эзгуликка чанқоқ тугилиб мен ҳам,
Энтикиб боқаман нур оламига.
Муқаддас тупроққа ҳамдарду ҳамдам,
Жавоҳир сочамаи ҳар қадамига.

Ўғлим деб, мени шу муборак тупроқ,
Бошида кўтариб юради ҳар чоқ.

Ер ҳам коинотда оддий мавжудот,
Мулки олам аро кулади ер ҳам.
Ернинг кулгусидан зебо одамзод,
Мулки одам аро кулади ер ҳам.

Мезон тоши бордир нисбат қонунни:
Эл кулса ер кулар, ер кулса-чи, эл.
Излаб толмагандан ер ҳам мафтунни,
Одамзод васлига етишган бир йўл.

Инсон оёғига бош қўйиб шундан,
Унга тортиқ этар ризқу насиба.
Кўнглини узолмай инсон ҳам ундан,
Қадамлаб ўпармиш ерни осуда.

Одамзод қадамин ердан узган кун,
Ер юзини кулги тарк этар бутун.

Қуёш ҳам Она деб атармиш Ерни,
Хуснига боқармиш бир умр уйгоқ.
Бошидан сочса ҳам бир олам нурни,
Она меҳри билан кезармиш чанқоқ.

Соғинч алангаси ёниб қалбида,
Тонг билан пойнига бошини қўярмиш.
Табассум жилосини кўриб лабида,
Нурли қўллар билан қучиб, суярмиш.

Осмонда ёғдудан қуриб кошона,
Интизор кутармиш буюк Одамни.
Онаси қошида бўлиб парвона,
Одам билан кўрмак кўрмиш оламни.

Мўътабар Онага парвона Одам,
Одам боласига ўхшар Қуёш ҳам.

Одамзод келганда ёруг оламга,
Табассум армугои этганмиш қуёш.
Ҳаётни безаган азиз одамга
Табассум гулини тутганмиш қуёш.

Юзингда чақнаса қувноқ табассум,
Табассум завқидан соғаяр бемор.
Инсонда табассум бўлмаса, дўстим,
Сўнган ой сингари кўринар руҳсор.

Табассум — юракка бир ёрқин ойна,
Табассумсиз чехра чехрамас, ошна.
Инсонлик зийнати экан табассум.

Улкан ҳаёт сари қўяркан қадам,
Қуёшдан табассум олмаган одам,
Одам қуёшга ҳам берган табассум.



Инсон изи бормиш Сомон йўлида,
Ҳар изи бир юлдуз бўлиб қолганмиш.
Қуёш таъзим этиб инсон йўлида
Инсон масканяга қараб олганмиш.

Дерлар, афсонавий қахрамон у зот!
Ва лекин одамлар билмас кимлигини.
Тарих ҳам қилса-да, унинг номин ёд,
Билмади, ким бузган космос жимлигини.

Юлдузлар йўлига тикса ҳам жопини,
Фазогир номини кўрмади раво,
Жаҳолат тахтида ҳукмрон дунё.

Биринчи фазогир ўзи эканини,
Узи ҳам билмасди осуда ва жим —
«Зичи Кўрагоний» тузган Мунажжим!

Субҳидам варақлаб само дафтарин,
Қуёш билан чекди уч лочин имзо.
Олмадай қизартиб само рафторин,
Зухродай малакни қилишди ризо.

Боболар қадимдан кўкка юз тутган,
Бир сиқим тупроқдан юлдузлар ясаб.
Эрта бир чаноқни юлдузга элтган,
Ўзбекнинг фарзанди бўлса не ажаб.

Еру осмон аро бўлгандай кўприк,
Уч лочин поёндоз солди қуёшга.
Бир кечаю кундуз юммасдан киприк,
Одамлар уларни кўтарди бошга.

Нигирманчи асрда муқаддас Одам,
Ер билан осмонни қилди бир қадам.

* * *

Уч космонавт ҳалок бўлди дафъатан,
Дафъатан юзлардан кулги йўқолди.
Яраланган филдай тўлгонди Ватан,
Олимлар сочларини чангаллаб қолди.

Уч уйнинг бошига тушган кулфатни
Ўз гами деб билди барча хонадон.
Даврадан йўқотиб учта улфатни
Бошини қуйи солди дўсту қадрдон.

Бу мангу айрилиқ ханжари гўё
Волидалар қалбини тиглаб юборди.
Хотинлари сочин юлиб, шу асно
Оламни титратиб йиғлаб юборди.

Фарзандлар кўзидан милт-милт томиб ёш,
Космосга қарашар... мунглидай қуёш...

Икки юз қирқ зина элтар Ҳамзага,
Ҳар зина — умрга битта кўприкдай.
Ҳар зина одими тенгдир лаҳзага,
Ҳар зина ёнма-ён кўзу киприкдай.

Одамлар дарёси зиналар оша
Мавжланиб оқади қояга сокин.
Бу диёр кўркни қилиб томоша
Қоядаги мардлар¹ кўзида ёлқин.

Юксакда Ҳамзанинг муқаддас қабри,
Жанговар ашъори — қабр тошида,
Барча сукут сақлар шоир қошида.

Бир лаҳза тинмайди одамлар наҳри,
Ҳамзанинг руҳини қилмоқ учун шод,
Қояга оқмоқда бахтиёр авлод.

¹ Ҳамзаободда босмачиларга қарши курашган Қизил аскарлар шаънига қўйилган ҳайкалга ишора.

Ялт этиб бир юлдуз чақнади кўкда,
Парпираб сочилди унинг жилоси.
Само дафтариди бўлиб бир нуқта,
Чекилди янги бир юлдуз имзоси.

Бу қутлуг воқеа дейишиб зотан,
Якқалам этдилар аҳли донишлар.
Баъзилар энтикди уни олмай тап,
Ҳақиқат олдида бўлди тонишлар.

Янги бир юлдузнинг чақнаши учун
Дастуриламал этди вақту замонни.
Митти юлдуз бўлса, порлаб кунма-кун
Кўксин беаб турар тилсиз осмонни.

Мен сени ўйлайман узун тунлар жим,
Сен ҳам шу юлдузга ўхшайсан, дўстим!..

Сир ва Аму учрашмас асло,
Бир уммонга қуйилар лекин.
Уммон ичра уларни, аммо
Бир-бирдан ажратиш қийин.

Тоғ-тоғ билан учрашмас асло,
Гар осмонга бўлса-да, устун.
Яшаса-да заминда, аммо
Ундан оёқ узиши қийин.

Ой ва қуёш учрашса аммо,
Қуёш юзг қораяр бирдан.
Зулумотга чўккандай дунё
Мунгли садо чиқади ердан.

Одам билан учрашса одам,
Табассумдан ёришар олам!



Андижон кўксига Навоий боғи,
Шоир орзусидай гўзал ва кўркам.
Қадрдон дўстларнинг висол чорбоғи,
Саҳнида табиат нафосати жам.

Мармар сарҳовузнинг сўлим қиргоғи,
Бургут масканидан узилмас қадам.
Боғ аро порлаган ҳаёт чироғи,
Ҳофизлар навоси жонингга малҳам.

Боғнинг мезбонидай шоир аъзам,
Азиз меҳмонини қилгали эъзоз,
Дарвоза олдида турибди пешвоз.

Навоийга таъзим айлаб ҳар одам,
Пойига солгандек гулдан поёндоз,
Боғ саҳнига қадам қўяр қишу ёз!

Андижондан изладим Бобир изини не бор,
Кўзларимга тўтиё қилмоқ бўлдим хокини.
Аерларнинг қаъридан тинглаб чеккан оҳини,
Игна санчилган каби кўнглим бўлди ярадор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,
Бир қисм тууроқ эди — умидларим ҳокими.
Эҳсон этолмади лек ҳатто луқмон ҳакими,
Яна кезиб кўча-кўй эл аро бўлдим афгор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,
Ҳар изига тонг чоғи экиб висол гулидан
Шоирнинг ҳижрон дардин қилмоқчи эдим ашъор.

Андижондан изладим Бобир изини не бор,
Изин топмаган билан лекин халқни дилидан
Шоёр ғазалин топиб, кўнглим бўлди бахтиёр.

Устодлар хотирасига.

Чинорлар қулади кетма-кет, афсус!
Ернимас, ларзага солди қалбларни.
Бош эгиб, қошида мунгайдик маънос,
Улим олиб кетди али адибларни.

Бўм-бўш бўлиб қолди кўнгил гўшаси,
Кўзлардан тирқираб ёш оқди аччиқ.
Қалбларни тилкалаб гафлат кечаси,
Улим милтигидан яна узди ўқ.

Кўксини ушлади бирдан халойиқ,
Икки ўқ қадалди миллион юракка.
Бўронда эгилмас ниҳоллар — эгик,
Чинорларга кифтин тутишди тикка.

Ниҳоллар елкаси метинмас, лекни
Кўтариб турмоқда чинорлар юкин.

Яшин тегди ногоҳ азим чинорга,
Айни ёз қарсиллаб синди шохлари.
Гурс этиб, танаси теккач деворга,
Заминни титратди чинор оҳлари.

Сўкилди тоғларнинг метин чоклари,
Қоялар қулади сўлим гулзорга.
Мунгли садо берди ишқ булоқлари,
Ошиқлар сўйлади дардин дуторга.

Алвидо айтишиб улкан Чинорга.
Қалбини поралаб ғам жарроҳлари,
Қаламга суянди сухан шохлари.

Ниҳоллар дош бериб дилдаги зорга.
Чинордек кифтини тутиб дўст-ёрга,
Қуёшни қамради ўт нигоҳлари.



Уруш қурбонлари тирикдай ҳамон
Тириклар қалбида дард бўлиб яшар.
Бу дардга ворислар жони туташар
Асрлар занжирини ҳалқасисимон.

Қурбонлар руҳига келтириб имон
Қабрига эътиқод шамин ёқишар.
Мармар лавҳаларга маҳзун боқишар
Чақмоқлар бағрида қолгандай осмон.

Остин-устун бўлар гўё самовот,
Қуёш юзини тўсар қора булутлар,
Гўё жанг қилади: «Ҳаёт ё мамот!»

Қуёш салют бериб борлиқни қутлар,
Семург қуш жонидай ўлмас хотирот,
Юксак чўққисига қўнар бургутлар!

Ҳайкаллар сўзлайди, дўстлар, осуда,
Улар қотиб қолган жонсиз тош эмас.
Жанглар изи бордир ўт сиймосида,
Улар қотиб қолган шонсиз бош эмас.

Ҳайкаллар кўзига боқингиз дадил,
Кўксизда юраги уриб турмоқда.
Қонли жанг кунлари қурол тутган қўл
Қадоқ қўлингизни қисиб кўрмоқда.

Юракка теккан ўқ ҳамон кўксизда,
Кипригида жангнинг қора гардлари.
Ҳаёт қони кезиб ҳамон жисмида,
Вазмин боқар сизга юртим мардлари.

Мени деб, сизни деб, жангда беомон,
Ҳайкал бўлиб қолди миллионлаб инсон.

Музей ойналари тагида ноёб,—
Учбурчак мактублар — жангчилар қалби.
Мен қалблар қошида бир қатра симоб —
Она-ер кафтида турганим каби.

Ўқлардан кўкраги пора мактублар
Бетига сачраган сўнгги томчи қон.
Чангаллаб олганча уни маҳбублар,
Ҳар қарич ер учун фидо этган жон.

Қўйилмасдан қолган кўпида адрес,
Ҳатто тугамаган ёрга саломи.
«Онажон, омонман» дегану ёлғиз
Тил учида қолган хатнинг давоми.

Мактуб битиларкан, дўстлар, ҳеч қачон,
Қалам тутган қўлдан сачрамасин қон.

Номаълум солдатнинг қабри қошида,
Қалбларга сукунат бўлур ҳукмрон.
Дунёнинг савдоси бордай бошида,
Тупроққа кўмилиб ётар қаҳрамон.

Ўглини йўқотган минглаб оналар,
Тошдай қотиб қолар унинг олдида.
Кўзига ёш олиб куйиб-ёнарлар,
Отанмас, ғам музи улар қалбида.

Мангу олов ёнар солдат қабрида,
Оловмас, бечора оналар меҳри!
Номаълум йўқолган ўгли жабрида,
Кун борми, очилса оналар баҳри!

Борлиқ жим. Қабр жим. Мангу оташ жим!
Мен ҳам жим. Сиз ҳам жим. Еру қуёш жим!

Чегара. Застава. Уқ еган биво —
Прут ёқасида чипордай магрур.
Фашизм номига бўлиб айбнома,
Минг йиллар тиз чўкмай туришга қодир.

Қирқ йигитга қалқон бўлди бу биво,
Қирқ кеча тинмади жанги муаззам.
Ҳар қарич ер учун жон бўлди фидо,
Ҳеч ким чекинмади ҳатто бир қадам.

Бариси шу ерда бўлишди қурбон,
Душман ҳам тил тишлаб қолди қирғоқда.
Чорак аср ўтди ўшандан буён,
Қирқ йигит ётибди қутлуғ тупроқда.

Қирқ йигит қабрига бўлгандек посбон,
Ул менга ўқийди сирли бир достон.



Сарҳадда сервиқор бир туп оқ қайин,
Қурбонлар бошида толмас соябон.
Япроқлари мен-ла сирлашган сайин,
Секин варақланар гамли бир дoston.

Қайин ҳам ўқ еган бир кунни жангда,
Кўкрагидан оққан лаҳта-лаҳта қон:
«Она!» деган ерга мунгли оҳангда,
«Бу ҳаётдан қачон топурман омон!»

Чорак аср бўлди бу қутлуг сўзга,
Қайин жароҳати битиб ҳам кетди.
Жангни кўрмагандай тикилар бизга,
У энди фараҳли кунларга етди.

Инсон қалбидаги жароҳат аммо,
Тош бўлиб қолдию битмади асло.

Чорак аср!.. Айтишга жуда ҳам осон,
Кўз очиб юмгунча ўтган бир фасл.
Лекин панжасида типирлар бир жон,
Кечалар қон, зардоб ютиб муттасил.

Алидай икки ўгил ўстирган она
Айрилиқ дардидан чўп бўлиб қолди.
Фарзандлари жангда ўлди мардона,
Бресть қалъасидан «қорахат» олди.

Қора либос она эгнида ҳамон,
Қўзлари мунгайган, сочлари оппоқ.
Қўлида асою, юраги чок-чок.

Фақат икки сурат — икки кемтик нон,
Осиб қўйилгандир уйнинг тўрига,
Едгордай ўгиллар боқий умрига.

Пиёда аскарнинг вазмин қадами
Волгадан Одерга бориб туташди.
Заминга тиз чўкиб ичган қасами
Қалбига қасос деб солди оташни.

Жанг аро йўқолган қора қалами
Окопда бир лаҳза хам қилди бошни
Ва лекин муждадек ёрнинг саломи
Эритиб юборди қалбдаги тошни.

Хат билан бағрига солиб қуёшни,
Яна у отилди жанг майдонига,
Қалбига жо қилиб тоғдай бардонни.

Ғаним қасд қилса ҳам унинг жонига,
Зафар билан баланд кўтариб бошни,
Отлиқ қайтиб келди ёри ёнига.



Қардошлик мозори. Минглаб қаҳрамон
Тупроққа кўмилиб ётар беозор.
Танларин тарк этиб кетган пессик жон —
Ҳануз бошларида кезар ярадор.

Саргардон руҳлари излаб ошиён,
Мажруҳ оққушлардай учар бемадор.
Оқ туман қўйнига сингиб бенишон,
Одамлар изига мўлтирар бедор.

Қабристон саҳнига ким қўйса қадам,
Елкасидан тоғдай босар сукунат,
Ўликлар руҳига қилма деб миннат.

Сукунат тилидан янграган қасам,
Ҳар кимни ўйлатиб қўяр бир муддат
Ва қабр бошида тиз чўкар Одам!

Кремль куранти вазмин урар бонг,
Бир лаҳза оламга чўкар сукунат.
Қалбларга дардини тўкар сукунат,
Дунёни забт этар вазмин бир оҳанг.

Поездлар тўхтайдн йўлда дафъатан,
Кемалар садоси тинар уммонда.
Қушлар ҳам чурқ этмас тоғу ўрмонда,
дарелар оқишдан тўхтаса не тонг!

Шамол ҳам ҳавода тўхтар беозор,
Бургут ҳам учмасдан тошга урар чанг,
Сув сепгандай тишчир ҳаттоки бозор.

Қуёш ҳам бир лаҳза қотар лола ранг..
Ва лекли одамзод қалби бир умр
Қурбонлар руҳини эслаб урар занг!

Дарахтлар гурсиллаб йиқилди жангда,
Қарсиллаб ўт ичра синди шохлари.
Тутундай ўрлади кўкка оҳлари,
Улим билан ҳаёт жон талашганда.

Сўнгги томчи қони қолгунча танда,
Ҳаёт деб курашди, тиз чўкмади лек.
Кўксига қадалди қанча-қанча ўқ,
Булутлар йиглади зор қақшаганда.

Бомбаю снаряд ҳар портлаганда
Зир титраб қулашди тупроқ чангаллаб,
Қоп-қора доғ қолди чўрт учган танда.

Қонталаш лаблари тупроқни ялаб,
Ҳаёт ишқи тугён кўтариб жонда,
Етим ниҳолларга боқишди йиглаб.

Сталинград жангин буюк садоси
Замин юрагида уриб турар бонг.
Гулдурёс оҳангда Волга дарёси,
Мамаев — қўрғонда уйғонади тонг.

Ҳамон зирқиратар қалбни садоси,
Тоғларда портлаган бир вулқонсимон.
Павлов уйидаги гўдак нидоси
Қулогинг остида янграйди ҳамон.

Қиличи ялангоч она сиймоси
Музаффар қирғоқда рамзи интиқом
Ва ғаним қуёши ботгандан нишон!

Сокин оқиб ётар Волга дарёси
Ва башар бахтига бор экан жаҳон,
Хотирдан ўчмагай бу жанг садоси!

Аёллар махсимас, этик кийишди,
Аёллар кавушмас, кийишди чорик,
Кўнглидан дардлари бўлмасди фориғ,
Ғазаби ўт бўлиб, муштин тугишди.

Омочга зогорасин боглаб қўйишди,
Қирларга сепишди арпа ва тарик.
Хўкизи ўзидай хўп эди ориқ,
Ҳориса, тошларга бошин қўйишди.

Кечқурун келида талқон туйишди,
Ямашди болалар усти-бошини,
Тиқ этса, эшикка қараб қўйишди.

Кўзларидан артиб аччиқ ёшини,
Жангчилар хатини ўниб, суйишди,
Қўш ҳайдаб, эгмади вале бошини!

Урушга хат ёзди ургутлик оқсоқол:
«Азиз фарзандларим — менинг оққушларим,
Қаро тунда кўрган менинг оқ тушларим,
Баланд парвоз қилинг, кўрманг сира завол!»

Булутлар туманин ёришиб бемалол,
Оққушлар самога уришди тўшларин,
Интиқом қаҳри-ла тугишиб муштларин,
Фашистлар бошига ёгдиришди ажал.

Оққушлар учишди Берлинни кўзлашиб,
Ғалаба кунига етишолмай лек,
Туманлар бағрига шўнгишди бўзлашиб.

Оққушлар сасидан титради еру кўк
Ва кетди она-Ер бағрини музлатиб,
Ургутлик оқсоқол кўксига теккан ўқ.

«Ғалаба» богининг остонасида
Нилуфар чамани очилар ҳар кеч.
Бу гулзор ҳуснига боқиб осуда,
Ўхшашини излаб тополмайман ҳеч.

Қалбимда кўзгалар сўнгсиз бир ўкинч,
Сиёҳ томгандай дил варақасига.
Нилуфар юзини кўролмай, нотинч
Қуёш ботар ҳар кун тоғ орқасига.

Ғолиб жангчилар ҳам ўша қуёшдай,
Нилуфар кулгусин кўролмай кетди,
Шундан буён чорак аср ҳам ўтди.

Жангчилар бевасин кўзин ёшидай,
Нилуфар кулади тун қўйнида маст,
Бу кулгу менинг ҳам жонимга пайваст.

Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,
Бу орзу — инсонга тенгдир жон билан.
Ҳимоя қилинган қутлуг қон билан.
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,
Бу орзу — пайвастдир қалб, имон билан.
Тоабад ҳамдастдир шараф-шон билан.
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Бу орзу туташдир Ватан жонига,
Ватан юрагига мангу пайванддир.
Сут билан киргандир инсон қонига.

Чин инсон Ватанга содиқ фарзанддир,
Қисмати туташдир хонумонига.
Бу — Москва, бу — Тошкент, бу Самарқанддир!

**Зар сочувчи дарё дерлар Зарафшонни,
Зарли ҳикмат тилеимлари бу дарёдадир.
Бахт бергувчи дунё дерлар Зарафшонни,
Бахтли давлат хазинаси бу дунёдадир.**

**Шарафларга буркаб юрти жовидонни
Қумдан сийму зар топганлар бу маъводадир.
Бунёд этиб чўлда шаҳри Зарафшонни
Дунёга жар солмаганлар бу дунёдадир.**

**Бу дилбар юрт жамолидан — дилда ҳайрат,
Мен тугилган гўзал чаман бу маъводадир.
Жўмард элим камолидан — тилда ҳайрат.**

**Илҳомимнинг булоқлари бу диёрдадир,
Менга нон-туз берган буюк элда ҳайрат.
Жаннат асли Самарқанду Бухородадир.**

Самарқандга наврўз келса — яшарса олам,
Келинчакдай безанса шод Кўҳак домони,
Отам пойин ўпар эди расад остони,
Улугбекнинг руҳин тутиб азиз, муқаррам.

Отам билан зипаларга мен қўйсам қадам,
Руҳим маънос этар эди олим армони.
Кўк тоқига тутун янглиг чиқмиш фигони
Гўё титроқ солган эди юлдузларга ҳам.

Биллур шамлар сўнмиш абад расадхонада,
Мунажжимнинг изларига қўнмиш чанг, тўзон.
Руҳи гўё учиб юрмиш бу вайронада.

Хиёбонда ўйга толмиш олими даврон,
Қалби — ернинг йўлдошидай учар фазода,
Заминдан нур сочар унга «Зичи Кўрагон».

Куйларимга куйдош Зарафшон,
Хаёт йўлим сендай долғали.
Долғаларда дарга бўлиб жон,
Умрим ўтса, сендай фойдали.

Сендай узоқ умр кўргали,
Қуёш умрин олмасдим қарзга.
Ҳатто Лутфий ёшин сўргали
Қиргогинга бормасдим арзга.

Завқим тошиб сени кўрган дам,
Мавжланса ҳам куйим қалбимда,
Қарздорман ҳали олдингда.

Сендай узоқ яшамасам ҳам,
Юрт ишқида ёнарман сендай,
Ўз йўлимни тошарман сендай.



Ўзбек тупроғида азиздир Кўҳак,
Маърифат қуёши порлаган маскан.
Самарқанд жисмига бу — ўтли юрак,
Менинг ҳам қалбимга жондек ўрнашган.

Осмонни ер билан айлаган яқин,
Бошидан юлдузлар дурдай тўкилган.
Қалбидан чақнаган асрлик чақин,
Улугбек кўзи-ла кўкка тикилган.

Жаҳонга зеб бўлмиш расадхонаси,
Ҳатто Навоийни ҳайратга солди.
Нур билан йўғрилди шонр хомаси,
Қалбида ўт бўлиб шуҳрати қолди.

«Садди Искандарий» дostonида у,
Ўзбек юрти бўлиб янгради мангу.

Отам боғбон эди — қўли гул боғбон,
Едгор бўлиб қолди Ургут боғлари.
Боғларга пайваста Ургут тоғлари
Отам қабри узра энди соябон.

Отам покдил эди, эди покдомон,
Умрига кўрк эди Ургут боғлари.
Отамдек али қомат Ургут тоғлари,
Едгор боғларига энди соябон.

Отамнинг кўп эди дўст, ўртоқлари,
Ешлик чоғларидан эди қадрдон,
Бир-бир сўнди аммо қалб чироқлари.

Устун бўлмас экан дунёга инсон!
Дунё қадар боқий Ургут тоғлари,
Отамдек бошимда энди соябон!

Регистондай умри узоқ чол
Гул сотади унинг қошида.
Кўзларида ажиб бир хаёл,
Гул савдоси борми бошида.

Қачон кўрмай, сақлаб эҳтиром
Ошиқ аҳли унга парвона.
Товус боғда этгандай хиром,
Гулдан мастдир не-не жонона.

Бир гул олса кимки қўлидан,
Қўнган бўлур бошига иқбол.
Кимки сархуш бўлса гулидан
Минорадай юксалади чол.

Ошиқ аҳли кўпайсин деб ул,
Регистонда улашади гул.

Зарафшон бўйида бугун зўр айём,
Карнайлар садоси қучар самони.
Сабухий шабнамдай покизадир жом,
Эфирда сержаранг дўстлик саломи.

Дехқонлар васфига йўнилган қалам
Зафар варагига чекмишдир имзо.
Юрт олдида юзи ёруғ ҳар одам
Она тупроғидан бўлмишдир ризо.

Пахтамиздай қадим, меҳнаткаш диёр
Қутлуғ манзилига етди карвони.
Олти ойлик йўлни босиб ул девкор,
Пахтакор ўлкалар бўлмиш сарбони.

Ҳатто пахтакорни шоир қилган эл,
«Оқ олтин» мулкида боши осмон бўл!

Юр, чиқайлик сайрга, дўстим,
Соғинганман Сиёб бўйини.
Тарк этайлик шаҳарни бир зум
Кўрмоқ учун кўклам тўйини.

Капалакдай айлаб сайри гул,
Боглар аро кезайлик ҳуррам.
Сендан фақат илтимосим шул,
Биздан ризо бўлсин бу кўклам.

Қўлингдаги чинни пиёла,
Майли, менга тутмасин шароб.
Юр, азизим, тезроқ Сиёбга,
Май ўрнида ичайлик гулоб.

Ешлигимиз ўтган гул боғлар
Ҳар баҳорда бизни сўроқлар.

Самарқанд турғунича менинг номим бор бўлур,
Феруза гумбазларда порлагай кўз нурларим.
Регистон нидосидай янграб турар шеърларим,
Руҳобод дуторига кичрикларим тор бўлур.

Мен тупроққа айлансам, қабрим долазор бўлур,
Улугбек расадидай йўқолмас сўз-дурларим.
Шоҳизинда устида кезиб юрар руҳларим,
Менга тош отган жонга миноралар дор бўлур.

Бутун умрим бахш этдим мен Самарқанд васфига.
Афросиёб қалбидай тупрогида яшарман
Е Муқанна руҳидай шодон боқиб наслига.

Келажак авлодларнинг қарогида яшарман.
Кўнгил уйин ёритиб, насим бўлиб наҳрига,
То бор экан Зарафшон, чарогида яшарман!

Ургут чиноридан менинг қаламим,
Қалбимнинг софлиги — булоқларидан.
Одамларин меҳри — ўтли каломим,
Қаддим расолиги — алп тоғларидан.

Кўклам хандасидан — табассум, кулгим,
Шеър битган қоғозим — сахий даласи.
Кимё тупроғидан тўлган илигим,
Нафасим — шифобахш субҳи сабоси.

Бедор сойларида — умрим кемаси,
Чарх урган каптари — ўй-орзуларим.
Тилидаги ғазал — севгим шеваси,
Чўққига кетган йўл — менинг изларим.

Таржиман ҳолим — Ургут қиссаси,
Шеърим — ургутликлар олтин бўсаси.

Ургутим, сен билан тақдирим туташ,
Шеър бўлиб янграган овозим сенсан,
Эл аро бургутдек парвозим сенсан,
Нечукким номинг ҳам бургутга уйқаш.

Менга зўр саодат сени олқишлаш,
Оламга бергусиз шўх созим сенсан,
Халқимга сўйлаган дилрозим сенсан,
Сен бахтим кўкида балқиган қуёш.

Толеим безаган бир юлдузсимон
Севинчим, дард-гамим, қиш-ёзим сенсан,
Эй қутлуғ меҳробим, эй ота макон!

Согинчли тунларда ҳамрозим сенсан,
Бир содиқ ўглингдек келтирсам имон,
Шифобахш Қриму Кавказим сенсан!

Қадаҳдаги шароб эмас, гулобдир,
Тоғ гулларин сувларидан қилинган.
Гулоб эса майлар ичра ноёбдир,
Ҳадеганда топилмайдн элимдан.

Бу ичимлик Ургутда ҳам камёбдир.
Бир пиёла ёлгин, дўстим, қўлимдан.
Бу илҳомрез сонияга хитобдир,
Мушки кетмас бир умрга тилинган.

Чорчинорда қуриб олиб чордона,
Даврамизнинг гули бўлиб, эй соқий,
Шароб эмас, гулобдан сун, мардона.

Ургутни деб келмиш бугун ал Шоший¹,
Тоғлар бизнинг теграмизда парвона,
Умримиз ҳам тоғдай бўлсин тик, боқий!

¹ Фафур Фулом Ургутни севар эди.

Эй, менинг бўтакўз, биллур булогим,
Қанча кунлар ўтди сенсиз ҳижронда.
Қошингга ёзай деб келдим чанқогим,
Сени қўмсаб дунё кездим армонда.

Сени ҳам эздими ҳижрон тоши ё,
Мунгайиб, милтиллаб, жилмаясан жим.
Соғиниш ўтида бўлдингми адо,
Бошингга бир савдо тушдимми ёким?

Мунчалар қарашинг майини, бсозор,
Гўдакка ўхшайди одатинг, эркам.
Беишқлар қошингда қурдимми бозор,
Дардингни мен билан кўра қол баҳам.

Булогим, эркалан, қани бир кулгин,
Сувингдан бир ҳовуч ичай деб келдим.

Улим юлиб кетди сени бағримиздан,
Қалбимиз қон бўлиб эзилиб қолди.
Кўзларда ёшимиз тизилиб қолди,
Бир сарв ёниб кетди ногоҳ боғимиздан.

Ургут тоғи ларзаланди доғимиздан,
Уйимиз дарз кетиб, бузилиб қолди.
Жонимиз риштаси узилиб қолди.
Баҳор қон йиғлади ғам, фироқимиздан.

Фарёд чекди сочин юлиб, онам шўрлик,
Отамнинг тоғ қадди букилди чўнг ғамдан.
Ҳаётда, сингилжон, бу қандай кўргилик?

Фарзандларинг ўқиб, бўзлашди аламдан,
Яқосини йиртди уларнинг етимлик,
Сен эса армонли кетдинг бу оламдан.



Эй, Ургутнинг юксак тоглари,
Сиз ҳамиша ўйларимдасиз,
Менинг қўшиқ, куйларимдасиз,
Сиз — шеъримнинг шўх булоқлари!

Болаликнинг олтин чоғлари
Юрагимда бўлиб бир армон,
Қолиб кетди Сизда бегумон,
Эй, Ургутнинг юксак тоглари!

Ешлигимга сирдош боғлари,
Қучоғимга қайтар, деб, бир кун
Йўлларимга термулар маҳзун,
Яқинмикан висол чоғлари?

Сизда қолди шеър ирмоқлари,
Эй, Ургутнинг юксак тоглари!

Бу маскан фарзанд деб ўпмиш пешонанг,
Сен ташвиш солмагин бошига зинҳор.
Бош эгиб, бир умр бўлгин хизматкор,
У сенинг отангдир, у — сенинг онанг.

У — дунёга қадам қўйган остонанг,
Тиз чўкиб, пойини ўлгин миннатдор,
Кўзига зиё бўл, қўндирма губор,
У — сенинг кулбангу олтин кошонанг.

Сен унга ҳамдард бўл: тўй, азасида.
У, ахир, яратмиш саодатингни.
Ва яшар танингнинг ҳужайрасида.

Ғам туни машъал эт садоқатингни,
Туз ҳаққи, таъзим қил ҳар нафасида.
Ўзбексан, ҳурмат қил урф-одатингни.



Ер шарига ўхшайди юрак,
Юракда дард кўпдир, дўстларим.
Унга қалқон бўлади кўкрак,
Улгайтгани туйғу-ҳисларини.

Динамитга ўхшайди юрак,
Портлаб кетар ёмон сўзлардан.
Зинҳор уни қилмангиз эрмак,
Асрапг, дўстлар, ёмон кўзлардан.

Анорга ҳам ўхшайди юрак,
Доғи кетмас ювса ҳам зинҳор.
Қон томади юракдан чак-чак,
Анордаини эзилса агар.

Юрт бошида ёв кеса кўкрак,
Бомбага ҳам ўхшайди юрак.





Асримни асабий дейди одамлар,
Унинг сўзларида чақмоқ чақини.
Бир буюк қудрат-ла асрим одимлар,
Кўзларида ёнар қуёш ёлқини.

Асрлар гамига қўйгандек нуқта,
Эрк гимнин чалди у, исёнкор қўл-ла.
Тожу тахтни яксон қилди бир йўла,
Асрлар гамига қўйгандек нуқта.

Қўрғошин парчаси қалбларда қолди,
Бўса оташидан ёнмади лаблар.
Маҳбублар мактуби ўтда йўқолди,
Мармарга айланди миллионлаб алшлар.

Йигирма биринчи асрнинг дарди
Асримни асабий қилиб юборди.

Доҳийнинг қошига келгунча она
Дасталаб гул терди чаман боғлардан.
Шаҳри Самарқанду Урганч, Фаргона,
Чотқолу Қурама, Боботоғлардан.

Сир билан Амудай йўл босиб ўктам,
Эл меҳрин қалбига жо этди она.
Қайси бир даргоҳга қўймасин қадам,
Шодлик чирогига бўлди парвона.

Гулшан водийларда чарх уриб наҳор,
Дарёдай ошиқди она — пойтахтга.
Субҳидам доҳий-ла кўришиб дийдор,
Мушарраф бўлди ул энг буюк бахтга!

Шу бахтдан кўнглида йўқ бугун армон.
Бу, ахир, сенмасми, азиз Онажон!

Лениннинг пойига қўйиб гулларин
Бир лаҳза сукутга чўмади она.
Кўксига босганча қадоқ қўлларин
Қалбини чулгайди ўтли пўртана.

Вужудин қоплайди бирдан ҳаяжон,
Қон тугён қилади аортасида.
Гўёки ўзидан энг бахтли инсон
Иўқдайин шу замин орбитасида.

Ўз юраги билан сўзлашар унсиз,
Бир лаҳза эрк берар хаёл қушига.
Орзуси чўг бўлиб ёнар тутунсиз,
Бу кунлар кирмаган ухлаб тушига.

Доҳий ҳузурда онакзор шод,
Пойида кул бўлиб ётар истибдод.



Сиздан йироқ кетсам, соғиниб тунлар,
Кўзларимга уйқу келмас, онажон!
Чаманлар саҳнида анвои гуллар,
Сизсиз бир сония кулмас, онажон!

Тонг чоғи Сизни шод кўрмасам агар
Покиза кўнглим ҳам тўлмас, онажон!
Сизга содиқ ўғил бўлмасам агар
Севгим ҳам вафони билмас, онажон!

Меҳрингиз қалбимда сўнмас аланга,
Ҳаётим гулшани сўлмас, онажон!
Қўшигим бир умр ўлмас, онажон!

Яхшилик қилмасам азиз одамга,
Юрагим оромни билмас, онажон!
Ҳаётдан кўнглим ҳам тўлмас, онажон!

Ота-она қалбида бордир меҳр қуёши,
Уғил-қизи қошида шу қуёш парвонадир.
Фарзанд билан бошланур, дейди, ҳаётнинг боши,
Шу ҳаётнинг ишқида қалб қуёшдай ёнадир.

Фарзанд келгач дунёга, унутиб оромингни,
Кеча-кундуз тилайсан иқболу камолини.
«Ада» деган сўзига бағишлайсан борингни,
Бир кун ҳам туролмайсан кўрмасанг жамолини.

Еринг билан доимо жонингни этиб фидо,
Жажжигина гўдакнинг айтганини қилурсан.
Ҳаётингда гул ёзар янги сеҳрли дунё,
Йягла деса йиглайсан, кул деганда кулурсан.

Ота-она қалбида бордир меҳр қуёши,
Дўстлар, асло сўнмасин шу қуёшнинг оташи!



Ўглига сеп йингди она неча йил,
Келин орзусида билмади гамни.
Чинордек гуркираб улгайган ўгил,
Гўзалроқ кўрсатди унга оламни.

Ўглининг қалбига назар солгач ул
Зиёсин кўролди ишқ ёққан шамни.
Она ташвишларин унутиб буткул
Кўргани отланди ўша санамни.

Бошига бахт қуши қўнгандай ўгил
Номозином қаршилаб олди онани.
«Қўл етмас юлдузни тахлабсан» деб ул
Совчиликка тахлаб қолди одамни.

Она қувончидан деярди фақат:
— Келин олиб келар уйга фазилат.

Қалдиргочдай учиб кетди болалар,
Чолу кампир қолди ҳовлида ёлғиз.
Улар кеча-кундуз ўқиб дуолар,
Фарзандлар умрини тилайди ҳануз.

Ўқсин нима билмас, умридан мамнун,
Дастурхонни ёзса, бордир илинжи.
Ўғил-қизларини кўргали ҳар кун
Шаҳарга тушмаса йўқолар тинчи.

Дам олиш кунлари — уйида бозор:
Невара-чевара — улар тизида.
Фарзандлар хизматга этар жон нисор,
Келинлар ош дамлар йўқдай ўзида.

Чол-кампир қишлоқда яшайди мамнун,
Уйи бозор бўлар ҳафтада бир кун.

Гўдак кулгусидан гунча очар лаб,
Гул атрин сочади боғларда сабо.
Бошидан юлдузин тўкади само,
Булбул қўшиқ тўқир унга азонлаб.

Васлига ошиқар қуёш субҳидам,
Тоғлардан сув олиб келар дарёлар.
Шаънига чалинар дилбар наволар,
Лолазор гиламин тўшайди кўклам.

Гўдак кулгусидан кулади қуёш,
Оламни ёритар гўдак кулгуси.
Унинг бахти ила кулар келгуси,
Гўдак ҳузурида борлиқ эгар бош.

Гўдак кулгусидан, дўстларим, бир дам
Дунёда камайган бўлур қайғу-гам.

Фарзандингга бўлиб парвона,
Еқиб меҳр чирогини, ёр,
Сен ҳам бўлдинг табаррук она,
Безаб башар гулбогини, ёр.

Кўзларига боқиб беармон
Унутасан дунёни гўё.
Сени кўриб бошида хандон,
Шодлигингга чулганар дунё.

Қиқир-қиқир кулганида у
Қўшилишиб куласан бирга.
Юрагингда энг олий туйғу
Орзу бўлиб йўғрилар нурга.

Эркам, яна Шаҳлодан зиёд,
Ҳаёт сенга не қилсин бунёд!

Осмон деган сирли бир дунё
Жамолига тушди меҳримиз.
Ойга қўнган чоғда гербимиз,
Сенга бир бог айладим бино.

Кезар бўлсанг ушбу бог аро
Қалбин очур сенга одамлар.
Хотирингга келур бу дамлар,
Бог кўркига бахш этсанг оро.

Одамларнинг изидан унда
Юлдузларни териб олурсан.
Самоватга сен йўл олурсан,
Кафтинг узра қуёш кулганда.

Унутмагин, ўшанда зинҳор,
Она еринг сенга интизор...

Доктор укол қилди сени, қизгинам,
Сенгамас, санчилди менга бу игна.
Бирдан лат егандай бўлдию сийнам,
Кўзимга ёш келди меним, Игина.

Менга келса эди сенга келган дард,
Жоп-жоп деб тутардим кўксимни унга.
Кўнмасин дер эдим кииригингга гард,
На қилай, ноилж қолдим, Игина.

Бир кун ҳароратинг пасаймади ҳеч,
Доктор жонин фидо айлади сенга.
Ойинг ҳам парвона бўлди эрта-кеч
Кўргунча ҳаётбахш кулгинг, Игина.

Сен кулдингу бирдан ёришди дунё,
Дунёга кулгини сен бердинг гўё!

Онасин кўксига бош қўйиб аста,
Мириқиб, беозор ухлайди қизим.
Оташин меҳрини этиб пайваста,
Қошида парвона севган юлдузим.

Йиглаб қолса борми ярим кечада,
Ҳатто йигисидан ҳаловат топар,
Ўз бахтини кўриб мурғак гунчада,
Бошидан сочмоқчи бўлар сийму зар.

Юзу кўзларидан ўпади тўйиб,
Сочларин бўйидан сархуш бўлади.
Ўзининг уйқусин бир ёққа қўйиб,
Фарзанди бошида тонгдек кулади.

Она учун фарзанд — энг буюк бахтдир,
Фарзанд учун она — энг буюк тахтдир.

Уч азиз фарзандим мендан йироқда,
Қалбимдан сирқийди соғиниш қони.
Ҳижрон ўқи пора этган юракда
Яраланган қушдай отанинг жони.

Тунлар термуламан суратларига,
Авайлаб, тонггача кўзга суртаман.
Урганиб қолгандим одатларига,
Энди ёлғизликда, нетай, ўтда ман.

Тушларимда кўриб, ёдлаб исмини,
Қуёш чиқишини кутаман бедор.
Соғиниш азоби ўртар жисмиمنى,
Биргина сўзига қалб шўрлик хумор.

Ҳижрон дарёсида оқиб серармон,
Умид соҳилига сузаман ҳамон.

Парвоз учун ёзаркан қанот,
Бургут кўзлар чўққини доим.
Самода чарх ургани заҳот,
Тутмоқ бўлар булутлар пойин.

Толиб қолса қаноти агар,
Чўққи узра қўнади бирпас.
Учмоқ бўлиб юлдузга қадар,
Ҳаловатни қилмайди ҳавас.

Темирқанот боласига ҳам
Ушбу даредан беради сабоқ.
Палапонлар камол тонган дам
Онасидай бўлар довиюрак.

Чўққини тарк этса боласи,
Рози бўлур ундан онаси.

Ун минг чақиримдир икки укам ораси,
Иккиси ҳам азиз юртга содиқ бир аскар.
Қалбин машъал этган йиғитларнинг сараси,
Бахтимизни қўриқлар мижжа қоқмай шом-саҳар.

Бирини жасур танкчи Улугбек тупроғида,
Ломоносов Ватанида бирини чегарачи.
Волидаси интизор Сирдарё қирғоғида,
Фарзандлар соғинчин йўқ асло чегараси.

Каптардай чарх уриб хатлар учса ҳавода,
Уйимнинг қошида — икки қалбнинг қуёши.
Онажоним нигоҳи бир дам кезар самода,
Кўзларидан тирқирар ҳижрону севинч ёши!

Шимол билан жануб учрашганда бир лаҳза,
Яна соғинч дарди солар қалбимга ларза.



Қорлар эриб, тоғ бошидан дарёлар оқаётир,
Дараларда гувлаётир шаршаралар садоси.
Чўққилар ҳам чаккасига лолалар тақаётир,
Тоғлар ошиб келаётир турналарнинг подаси.

Юзга тортиб ҳарир парда олмазор боқаётир,
Боларилар мастонадир, бошда асал савдоси.
Бободехқон она ерга чигитни қадаётир,
Яшил сирга тақаётир ишкомда ток новдаси.

Булутларнинг ёшин тўкиб, кўк чақмоқ чақаётир,
Қиргоғидан тошаётир Сир ва Аму дарёси.
Камалакнинг жилосидан ерга ранг оқаётир,
Табиатнинг фусунидан лолдир одам боласи.

Тоғдан ажиб шамол билан соф ҳаво келаётир,
Юртим бўйлаб бугун фасли келинчак елаётир.

Булутлар пода-пода, бўйнида маржон шода,
Базми жамшид самода — келибди фасли наврўз.
Хушбўй анқир ҳавода, қушлар тили навода,
Тўй бўлгандек маъвода — келибди фасли наврўз.

Ариқ бўйида ялпиз, қулогини чўзиб ёлғиз,
Кимгадир муштоқ ҳаргиз — келибди фасли наврўз,
Йигитни тинглаб сўзсиз, юзлари бўлиб қирмиз,
Севги дарсин тинглар қиз — келибди фасли наврўз.

Куртак отиб нав-ниҳол, бошига қўниб иқбол,
Пиёлада тутиб бол — келибди фасли наврўз.
Тонгни кутиб не аёл, қозон бошида хаёл,
Сумалақдан татиб қол — келибди фасли наврўз.

Қиргоқдан тошиб тўлқин, дарёдан эсиб эпкини,
Наврўз келибди дуркун — менинг қалбимга бугун.

Уфқларга тикиламан, рангларнинг мавжларида
Чексизлик дарёсига оқиб кетар кўзларим.
Сукунат куйлаётган қўшиқнинг авжларида
Чинни кабутар янглиг чарх уради ҳисларим.

Она ернинг қўлига сув қуйиб турди само,
Табиат ҳам ювиниб, келиндай бўлди кўркем.
Найкамалак балқиди, кўк бағрида шу асно,
Субҳидам бешигидан қуёш ҳам турди ўктам.

Ошноқ нур ўйнида ўт-ўланга кирди жон,
Чумолилар яйрашиб, излаб қолишди увоқ.
Пода-пода булутлар чоғиб қолишди ҳарён,
Тонг нафасин уфуриб жилмайди она тупроқ.

Табиатни поклантирар қуёш ва само,
Мени эса ювиб-тарар халқ деган дарё.

Пахтазорим сўнгисизлиги — бағрим кенглигидандир,
Ҳар толасин кумушлиги — кўнглимнинг поклигидан.
Пўлат отни ўйнатишим — ишим ўнглигидандир,
Эгатларин ойдинлиги — йўлимнинг оқлигидан.

Юлдуз мисол чаманлиги — бахтим кулганидандир,
Осмонўшар хирмонлари — кўксимнинг тоғлигидан.
Пахтазордай уйғоқлигим — аҳдим бўлганидандир,
Чаноқлардай жидмайишим — кўнглимнинг чоғлигидан.

Қуёш бўлиб нур сочишим — қалбим оташлигидандир,
Оби ҳаёт бахш этишим — меҳрим дарёлигидан.
Миллион-миллион тонналарим — элим
қардошлигидандир,
Олтиндан тахт қурганлигим — меҳрим гиёлигидан.

Ризқу рўзим бутунлиги — эрким тенглигидандир,
Хирмонимнинг юксақлиги — халқим чўнглигидандир.



Бобо деққон саждада, холос.
Томган тери бўлди «оқ олтин».
Тонгдан ерга қилди у сажда,
Кун ботганда фақат олди тин.

Кечаси ҳам пахтани ўйлаб,
Пахта каби оқарди боши.
Кумуш тоққа аста қўйиб лаб,
Қарши олди тонгда қуёши.

Шундай ўтган бобокалони,
Отасидан шу қолган мерос.
Бузолмасдан бу анъанани,
Бободехқон сождада, халос.

Бунга қарши ким қилса исён,
Унга ётдир ўзбек деган ном.

Пахтазор қўйнига чўкмиш фараҳли бир тун,
Эгатлар оралаб эсар сарин шаббода.
Чаноқлар жилмайиб унга лаб очар беун,
Лабида инжудек шабнам гўёки бода.

Чаноқлар лабига боқиб, япроқлар секин
Шивирлаб сирлашар терим завқини гўё.
Қуёшдан қарз олган нурын ой сочар мамнун,
Пахтазор огушин айлаб кундуздай рўшно.

Юлдузлар суқ билан боқар Арши Аълодан,
Чаноқлар жилвасин кўриб, тинар кўзлари.
Пахтазор бир инъом кутар субҳи сабодан,
Қуёшни кутгандай интиқ деҳқон қизлари.

Чаноқлар чғреиллаб бир-бир очилар хандон,
Субҳидам этгали ўзин инсонга эҳсон.

Ерга таъзим этар бугун ўзбегим,
Ўзбегим кафтида ерининг инъоми.
Пахта билан таниб халқим ўзлигин,
«Олтин» деб аталди пахтанинг номи.

Пахта меҳри билан нафас олди у,
Толе китобини безадди пахта.
Пахта деб, тўрт фасл билмади уйқу,
Пахтага — бор умри бўлди омухта.

Миллион эгатларга сочиб ризқ-рўзини,
Миллиард чаноқларда кўрди бахтини.
Ҳар гўза мулкига бахш этиб ўзини,
Пахта билан қурди ўзбек тахтини.

Шу пахта тахтида туриб миллатим,
Дунё китобига ёзмоқда отин.

Ўзбекистон бўйлаб кезар куз бобо,
Дехқонлар белига тол хивич боғлаб.
Олтин саватида ҳосил бир дунё,
У кезар, энг сўнгги бурчини оқлаб.

Кечаги гавжум боғ қолган ҳувиллаб,
Боғбонлар кўймоқда тоқлар зангини.
Пахтазорда зангор кема гувиллаб,
Куну тун қизитар терим жангини.

Сариншталаб барча ишни куз бобо,
Очиқ чеҳра билан жилмаяр қишга.
Қиш ҳам қучоқ очиб дейди: «марҳабо!»
Нуқта қўйилгандай бўлар ташвишга.

Одамзод умрига куз тушса агар,
Афсуски, бор иши тугамай қолар.



Оқ отга миниб мен чиқдим сафарга,
Сомон йўли каби йироқдир йўлим.
Қамчи босган сайин асов тулпорга,
Чўғ бўлган уфққа ўхшайди кўнглим.

Тошлоқ йўлда ёлғиз кишнайти отим,
Чағир тош оқизар туёғидан қон.
Ҳансираб олади ярим йўлда тин,
Ул озор топганга ўхшар бегумон.

Кўзлари ёнади машъала монанд,
Уфқдан нарида қолар нигоҳи.
Туёғи урилса тошга беомон,
Бечора отимнинг недур гуноҳи?!

Отим туёғидан оққан лахта қон,
Менинг юрагимга томар бегумон.



О, менинг орзуларим — қалбимнинг қанотлари,
Елқинли туйғуларим, оташнафас ҳисларим.
Самарқанд ушшоғидай дардим муножотлари,
Уйқусиз кечаларда менинг сирдош дўстларим.

О, менинг орзуларим — шеъримдаги каломим,
Садоқатим гулшани, меҳримнинг пиёласи,
Субҳидам огушида одамларга саломим,
Оқ қоғоз бешигида талпинган дил боласи.

О, менинг орзуларим — уфқларга парвозим,
Ўғил-қизим камоли, юздаги қулғулари.
Деҳқон боласи янглиғ ерга берган пардозим,
Ёр васлига ошиққан муҳаббат туйғулари.

О, менинг орзуларим — ҳеч синмас кўзгуларим,
Сиз билан мен тирикман, о, менинг орзуларим!

Шеърят — бу сирли копнот;
Башарий орзулар макони,
Оташли армонлар ғигони
Чақмоқдек чақнаган хаёлот.

Шеърят — бу сўнгсиз самовот:
Шуълалани юлдузлар осмони,
Ой билан қуёшнинг бўстони,
Табаррук тупроққа муножот.

Шеърят — бу замон ямони:
Инсофга чорловчи диёнат.
Бу жасур юраклар исёни.

Шеърят — бу зафар, талофот.
Фикрату туйгулар уммони,
Бу — шоир излаган саодат.

Туйгуларим — менниг бойлигим,
Қалбимдаги оташ хазина.
Баҳордаги тошқин сойлигим,
Ҳисларимдан бунёд дафина.

Туйгуларим — менниг парвозим,
Соф қалбларга қўнган кабутар.
Дараларни янгратаган созим,
Шеър чамани очилган дафтар.

Туйгуларим — менниг борлигим,
Уфқдаги тоғим шафағи.
Дўстларимга эзгу ёрлигим,
Ҳаётимнинг гуллаган боғи.

Туйгуларим — пок муҳаббатим
Ва душманга ўтли нафратим.

Юлдузларга тушиб қолди меҳримиз,
Фалсафа илмининг давоми янглиг.
Ойга ҳам босилди бизнинг муҳримиз,
Одамнинг одамга саломи янглиг.

Қайта кашф этилди юлдуз мавзуси,
Шеър устига юлдуз қўйди дўстларим.
Янги маъно топди «ой», «юлдуз» сўзи,
Юлдузлар йўлида қолди изларим.

Юлдузлар жадвалини Улуғбек бобо
Ишонч билан тутди бизнинг қўлларга.
Тарих янгиланди, ул қадим дунё —
Тақдирин топширди мард ўғилларга.

Бугун олтин бўлиб, кўксимиз безаб,
Боболар юлдузи кулса, не ажаб!



Субҳидам ювиниб олди табиат,
Баргларда ўйнади биллурий шабнам,
Инжулар мавжида яшнади кўклам,
Ғубордан пок бўлиб қолди табиат.

Дилларга завқу шавқ солди табиат,
Қувончли кўзларда нурланди олам.
Қатрада намоён бўлди қуёш ҳам
Раиғлар оҳангини чалди табиат.

Шаффоф табиатга бермасдан озор,
Кўм-кўк водийларга қўяман қадам,
Пойимда ястаниб ётур лолазор.

Тоғларда оҳудек кезади илҳом,
Мен унинг бир қиё боқишига зор,
Кўнглимга ҳамроҳ бўл, эй азиз қалам!



Шеърят ҳам катта майдондир,
Бу майдоннинг йўқ чегараси.
Шоирларга мангу макондир,
Бунда бордир заргар, чегачи.

Биров отлиқ, биров яёвдир,
Биров эса чапдаст чавандоз.
Бировининг қалби оловдир,
Бировида эса синган соз.

Бири олиб кетар улоқни,
Бири эса қайтар қуп-қуруқ.
Бири пуфлар чўгсиз ўчоқни,
Бири кутар шудгорда қуйруқ.

Бири умрин яшаса бугун,
Бири яшар келажак учун.

Юлдуз санаб, юлдузлар аро
Қолиб кетди қора кўзларим.
Юлдузлардай чақноқ, пурзиё
Кўнгил билан қўшиқ изладим.

Ўйга толиб, узун тунлар жим,
Ўзбекистон, сени ўйладим.
Бир ўй бўлиб қалбимга ҳоким,
Уни ёлғиз сенга сўйладим.

Гул ундирмоқ керакдир тошда,
Ҳаёт йўлим оғир нечоғлиқ.
Қутлуғ юмуш — шу азиз бошда,
Тақдирим ҳам шу гулга боғлиқ.

Шу гулни деб, сени деб ўлкам,
Бир умрга ҳаловат билмам.

Устозларни эъзозлаб, толедан бўлиб шод,
 Айтган доно ўғитин шаксиз келтириб бажо,
 Баъзи ножўя ишин ўзига кўрмай раво,
 Устозлар соясида юрар бугун бир авлод.

Устозларга айлашиб ҳурмат қасрини бунёд,
 Шогирдлик чизигидан бир қадам чиқмай асло,
 Одоб бирла бош эгиб, бўлишар деб раҳнамо,
 Устозлар соясида юрар бугун бир авлод.

Бу — менинг авлодимдир, қирқдан ошмиш
 ёшлари,
 Тоғни талқон қилгудек кучи бор билагида.
 Шеър захматин чекиб лек эгилгандир бошлари.

Сояпарвар бўлмайлик аргувонлар тагида,
 Кўксимизга тегсин, деб, офтобнинг оташлари,
 Дунёнинг дарди ёнар ўт бўлиб юрагида!

Эй навқирон шоирлар, биздан бўлинг жасурроқ,
Узини намоён этинг, даврон келган чоғида.
Қолиб кетманг бир умр сиз шогирдлик боғида,
Вақтни ўтказиб зое надомат чекманг бироқ. ۛ

Қалби ўтли шоирлар чироғи ёнар порлоқ,
Мангу яшар халқимиз кўзию қароғида.
Майли мангулик истаб, бу ҳаётнинг боғида
Машъалдек ёнсангиз бўлур яна яхшироқ.

Ёнмай туриб, ўзгани ёндираман, демангиз,
Бир умр тутаб ёнмай, бир бор ёнинг лов этиб.
Ҳамид Олимжон бўлиб, майли барқдек сўнсангиз.

Устозлардан ўтингиз юрагингиз дов этиб,
Бир қутлуғ тонгда агар чўққиларга қўнсангиз,
Бошда тутар авлодлар қалбингиз ялов этиб!

Бир пиёла май беринг, дўстлар,
Сипқорайин тўлдириб бу дам.
Қалбимдаги оташин ҳислар
Бермаяпти руҳимга ором.

Ер остига кўмилган хумда
Қиёмига етгандир шароб.
Очмасангиз уни, чамамда,
Тарс ёрилиб кетгуси шу тоб.

Юртда кезар бир нурли айём,
Ичмай яна қолманг армонда.
Қўлингизда жилвалансин жом,
Байрам завқи жўш урсин қонда.

Сун, эй соқий, дўстларим учун
Бир пиёла май ичай бу кун!

Ўзбекни паловнинг устаси дерлар,
Уликни тирилтар унинг палови.
Калкирни қўлида ўйнатган эрлар
Қалбида ёнади ҳаёт олови.

Тўрт фасл бу элда ейилар палов,
Ажиб давраларда унинг ҳикмати.
Чинни лаганларда қўйилар палов,
Бу — асли, меҳмонга мезбон ҳурмати.

Бу элда ҳар кимса палов устаси,
Паловсиз тугамас бирор зиёфат.
Паловга ҳамоҳанг пайров устаси,
Паловсиз бўлмаган юртда зироат.

Бу юртнинг доимо баланд ялови,
Дастурхонин безар ўзбек палови!

Тоғларни дейишар дунёнинг томи,
Ернинг кўз ёшимини қайнар булоқлар.
Лолалар — қирмизи май тўла жоми,
Юрак қон томири — сирли сўқмоқлар.

Осмонни кифтида тутган қоялар —
Юлдузлар кўшиқига қўйилган устун.
Тошларни тешгудай тик шаршаралар,
Аждодлар қалбидан отилган тўлқин.

Сирли қўшиқ айтган асрий чинорлар,
Кўҳистонлик мардлар умрига ҳайкал.
Дарада ҳайқирган тошқин анҳорлар,
Қўли гул инсонлар ҳукмига маҳтал.

Адашиб қолмасанг сўқмоқда агар,
Тоғлар ҳади этар сенга сийму зар.

Тоғдан бошланади аслида дарё,
 Дарё билан гўзал кўринар тоғлар.
 Гўзаллик мулкига асирманми ё,
 Нечун улар доим ақлимни боғлар?

Тоғлар ва дарёлар бўлмасайди бор,
 Ер чатнаб ётарди қуёш ўтида.
 Ҳаёт деб аталмиш ажиб шаҳсувор,
 Даврон сурмас эди ер муҳитида.

Тоғлар она мисол собит, заҳматкаш,
 Сафарга йўллайди дарё — ўғинни.
 Қайтиб бормаса-да қошига яккаш,
 Ҳижрон парчаламас унинг қалбини.

Фарзанди қайтмаса агар қошига,
 Дунёни кўтарар она бошига!

Ун қадам нарида ўзга бир диёр,
Қовжироқ лаблари бўртиб турибди.
Балолар домидан кўзида губор,
Юзини қуёшга тутиб турибди.

Ҳарбий полигонлар зарбидан беҳол,
Танклар занжиридан кўксига яра.
Кишанлаб ташланган арслон мисол
Заххоклар зулмидан жисми садпора.

Ун қадам нарида Кова диёри
Алпомиш юртини кўриб турибди.
Лочиндай талпиниб саодат сари
Кўксига бир юрак уриб турибди.

Уни машғал этса гар янги авлод,
Ун қадам нарида бўлмагай сарҳад!

Хьюстонда¹ юзма-юз икки манзара,
Бир ёнда қашшоқлик, бир ёнда зафар.
Очликдан фуқаро юраги яра,
Бойларнинг белида олтидан камар.

Ой саҳнига қадам қўйдию инсон,
Ҳайратда қолдирди бутун оламни.
Космос деб пул сочди улар беомон,
Лекин юволмади дилдаги гамни.

Америка чиққан сарп юксакка,
Уруш деб кетмоқда шунча юз тубан.
Прқий тенгензликдан ботиб ботқоққа,
Фалакка тошнар бугун Хьюстон.

Ернинг дард-гамига тополмай чора,
Ойни ўйлар, Америка — бечора!

¹ Америка космодроми Хьюстонда жойлашган.



Чарақлаб бир юлдуз учди самода,
Ва бир лаҳза ўтмай милт этиб сўнди.
Бир одам камайди чоғи дунёда,
Қайдадир бир булбул хониши тинди.

Қайдадир косада совуб қолди ош,
Узилмасдан қолди гул бутоғидан.
Қайдадир кўзлардан оқди аччиқ ёш,
Кимдир хазон бўлди ёр фироқидан.

Қайдадир дуторнинг узилди тори,
Чироқ ўчиб қолди ёлғиз хонада.
Қайдадир музлади тоғларнинг қори,
Қора либос қолди шўрлик онада.

Қайдадир юз берди бу ҳол бир лаҳза,
Лекин ҳануз менинг қалбимда ларза.

Ишонган одамнинг тортди оёқдан,
Деворга ногаҳон урилди бошинг.
Кўзларинг мош каби очилган чоқдан,
Кимлигини англадинг дўст-қариндошинг.

Уйингга қайтдинг маъюс, паришон,
Болишга бурканиб инградинг беҳол.
Бошингга огир кун тушганда, ишон,
Бегоналар келди сўргали аҳвол.

Ишонган дўстларинг бўлишди «қуён»,
Сени кўрса, йўлни ўтдилар четлаб,
Бугун-чи, ўшалар қутлашар чунон,
Янги мансабингдан бир нима чўтлаб.

Бошингга ногаҳон тушганда кулфат,
Ким дўсту ким душман билинар фақат.

Сен деса, бол томди тиллардан бир вақт,
Узингни ердас, билднг осмонда.
Ишқдай кулиб сенга қараганда бахт,
Баридан туюлмай қолднг армонда.

Сенсиз ўтмас эди, дўстгннам, суҳбат,
Бўлар бола бошдан, дер эди ҳамма.
Куилар бахш этарди сенга шон-шуҳрат,
Туллар шухратингга этарди ҳамла.

Узингдан ўзгани олмай қўйднг тан,
Улуглар ҳикмати бўлди афеона.
Оёгинг тегдими ерга дафъатан,
Бугун дўстларингни излайсан яна.

Кўзингга чумчуқдай кўринган дўстлар,
Бугун сенга бургут янглиг туюлар.

Юлдузга чанг солган чўққида бугун
Кибуру ҳаво билан турибсан танҳо.
Сололмаедан сенинг қалбингга тўлқин
Дарада шовуллаб оқмоқда дарё.

Дарё садосига боқмайин илҳақ,
Мендая ўрган, дейсан, мағрурлик дарсин.
Еру осмон аро бўлиб муаллақ,
Узолмай турибсан ҳаётнинг қарзин.

Мендай оқ, дер, дарё минг газ пастликдан,
Сен бўлсанг, чўққидай қотиб турибсан.
Мағрурлик кўкида авжи мастликдан
Таъна тошларини отиб турибсан.

Юлдуздан паст, ердан баланд бўлгунча,
Одамлар сафида бўлгин бир кунча!..

Узоқдан таралар мунгли мусиқа,
Шодон кўнгилларни тилка-тилкалаб.
Ҳеч ким демас унга: «Бас қилгин, ука,
Мусиқанг юракин кетди нимталаб!»

Ҳамма тинглар маъюс, чиқиб айвонга,
Наво бешигида тебранар бошлар.
Асрлар гамидан диллар вайрона,
Кўзлардан мўлтираб тўкилар ёшлар.

Авжига чиққанда узилдию тор,
Қайдандир янгради гарбча гата-гут,
Бир куйчи қалбига солгандай човут.

Торингни улагин тезроқ, бастакор!
Гата-гутдан батамг бўлмаени қулоқ,
Чалгин бўлса ҳам майли мунглироқ.

УМРИНГИЗ ҚАДРИНИ СЎРАНГ ЗАМОНДАН

*Бизнинг умримизнинг вориси бўлиб,
Қолган умримизни фарзандлар яшар,
Биз ошмаган тоғдан фарзандлар ошар,
Юрар, кўчаларни биздек тўлдириб.*





Дунё боқий... Дунё соҳиби инсон —
 Умри бебаҳодир, оний лаҳзадир,
 Шафақдай ловуллаб ёнган лавҳадир,
 Сақлаб қолсам дейди дунёни омон.

То тирик, бошида эрур соябон,
 Қалбида ҳаётнинг ўти лаҳчадир,
 Дунёда гарчанд у нурли заррадир,
 Кифтини тутади қуласа осмон.

Гарчанд дунё боқий, умри бебаҳо —
 Инсоннинг қўлига у эрур муҳтож.
 Инсонсиз — хароба, мулкдир бенаво.

Дунё инсон билан топар бахт, ривож,
 Инсон ҳам дунёнинг бахтидан ризо,
 Дунё гар тахт бўлса, инсон эрур тож!



Дунёнинг тагига етмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам етмасмиз,
Лек дунёни ташлаб кетмасмиз,
Ўз хоҳиши билан кетмаган ҳеч ким.

Ғанимга қилич тутмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам тутмасмиз.
Таъзим-ла қошидан ўтмасмиз,
Ғанимга бош эгиб ўтмаган ҳеч ким.

Май пстаб, огуни ичмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам ичмасмиз.
Огу деб, майдан лек кечмаган ҳеч ким.

Юртни ташлаб, ўзга юртга кўчмасмиз,
Кеч деса, жондан ҳам кечамиз, дўстим
Ва лекин Ватандан кечмасмиз.

Ҳисобли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Бугун бериб, эрта қайтиб олади
Ё кеча берганин эсга солади,
Ҳисобдан адашманг сиз асло, дўстлар!

Инсофли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Биз кетиб, бир кунн ўзи қолади.
Урнимиз навқирон насл олади.
Сизлар ҳам инсофли бўлинг, о дўстлар!

Имонли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Улим олдида ҳам тонманг имондан,
Тониб ё бўлмангиз юз қаро, дўстлар!

Умрингиз қадрини сўранг замондан,
Виждонли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Виждонсиз ўтмангиз ушбу даврондан!

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:
Кимни болаликдан қисмат эрқалар,
Кимни болаликдан қисмат зор қилар,
Лекин бир хил тугар умр яқуни.

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:
Кимни қариганда қисмат қўдрлар,
Кимни қариганда қисмат хор қилар,
Лекин бир хил тугар умр яқуни.

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:
Кимдир отда юрар, кимдир иёда,
Ким шуҳрат, ким эса бойлик мафтун.

Ким соғлом, ким ночор — дарди эпёда,
Ким шодлик боғида, ким ғам тутқуни...
Ўйимга етолмай доғман дунёда!

Бу дунёдан биз ҳам бир кун кетамиз,
Кетимиздан йиглаб қолар Шеърият,
Қаламимиз қўлга олар Шеърият,
Биз эса армон-ла беун кетамиз.

Қайтиб келмас бўлиб бир тун кетамиз,
Қалбимизни олиб қолар Шеърият,
Руҳимиздан мадад олар Шеърият,
Энг сўнгги манзилга бутун кетамиз.

Бизлардан шеър билан ёдгор қолажак
Элу юртга сўнмас муҳаббатимиз,
Авлодлар қалбига машъал бўлажак.

Тиллардан қўшиқдек тушмас отимиз,
Бизларни унутмас порлоқ келажак,
Унутмас жанговар Шеъриятимиз!

Кун билан тун икки қутбга ўхшар,
Бирида ёруғлик, бирида зулмат.
Ҳаёт боғин безар бу икки манзар
Бирида ҳаловат, бирида қудрат.

Одамзод қўлини қадоқ айлар кун,
Тун эса жисмига бағишлар ором.
Кун агар қуёшдай жилмайса мамнун,
Ойни коса қилиб тун тутадн жом.

Кун юзин қопласа бемаврид булут,
Қалбинг ёритолмас тун ёқиб чироқ.
Кун агар қалбингга сололмаса ўт,
Тун айлар оромни жисмингдан йироқ.

Кун билан тун қадрин англамоқ зарур,
Шу икки қутбдан иборат умр!



Туғилмоқ тенг эрур кун чиқишига,
Бу инсон умрининг тонг отишидир,
Мурғак жон кўзини илк очишидир,
Ҳаёт ҳайрон боқар дунё ишига.

Дунё парво қилмас ўз қилмишига:
Ҳаётдан кўз юммоқ кун ботишидир,
Дунёнинг заррадек йўқотишидир,
Бу фоже арзимас ғам чекишига.

Кун чиқар, кун ботар — кори дунё бу.
Бу ҳолат мангуга этади давом,
Гоҳ шодлик, гоҳ голиб чиқади қайғу.

Кун ботса, тонг яна беради салом,
Лек башар қуёши ботса, қайтиб у
Чиқмайди, умрга чўкар мангу шом.

Бир бор келар экан дунёга одам,
Умр дарахти ҳам гулларкан бир бор.
Бу ҳаёт боғини қилгали кўркам,
Меҳнат ва курашни этаркан шиор.

Ватан деса сира аямаскан жон,
Адо этар экан халқи не деса.
Ҳақ иш учун кўксин этаркан қалқон,
Музга ҳам кираркан қалби буюрса.

Фарзанди бошида бўлиб соябон,
Ҳатто кипригига қўндирмаскан гард.
Оқ ювиб, оқ тараб, фидо қилиб жон,
Бўлсин деяр экан ботир ва жўмард.

Ватан деб, халқин деб, фарзанд деб инсон,
Бу ҳаёт боғини этар гулистон.

Одам умри ўшаб кетар йилнинг фаслига,
У ҳам гуллар, мева тугар ва бўлар хазон.
Бир ёдгорлик қолдиради инсон наслига,
Мени ёдга олсин дея ҳар субҳи азон.

Не авлодни кўриб сочи оқарган дунё,
Янги инсон билан бўлур яна навқирон.
Меҳнат билан қадоқ қўли қабарган дунё,
Ҳаёт деган дарё ичра бошлайди сурон.

Уша дарё оқимида оқар одамлар,
Бобомерос шу дунёнинг бўлиб ҳокими.
Ўз умрига ҳайкал қўяр қалби хотамлар,
Жаҳон аро дoston айлаб менинг халқимни.

Дарахтлардан тўкилмоқда барги хазонлар,
Яна қачон баҳор келар, азиз инсонлар?!



Умрда ҳар нафас азиз, бебаҳо,
Мангулик тожига даъвогар онлар.
Томирда яшиндек югурар қонлар,
Бағримиз гўёки чақмоқли само.

Қалбимиз — қуёшдек ҳаётбахш, танҳо,
Қуёшдек унга ёт осуда онлар.
Баҳра топар қалбдан ҳужайра-жонлар,
Қуёшдан кулгандек Ер билан Само.

Шукуфта айласа ҳаёт зилоли
Умр гулшанига қўнмас хазонлар,
Масъум балқиб тургай кўкда ҳилоли.

Инжу сочиб кезгай абри найсонлар,
Эмасин гулшанда гусса шамоли,
Яшаш саодатин англавг, инсонлар!

Умрни қадрлаб яшамоқ керак,
Жавҳарин тариқдек сочмангиз бекор.
Ҳар олтин лаҳзаси ўтсин мазмундор,
Бўлмасин гуручдан терилган курмак.

Яшамоқ ишқида ёнсин ҳар юрак,
Ғанимат фурсатни бой берманг зинҳор.
Муяссар бўлмагай тугилмоқ такрор,
Ғанимат умрни қилмангиз эрмак.

Ёшликда жиловин олмасдан қўлга,
Кеҳсайиб қолганда чекманг надомат.
Узр оти қайтмас босилган йўлга.

Умрда ўлчовли ҳар кун, ҳар соат.
Ҳар лаҳза қадрини сочмайин елга,
Яшамоқ ўзидир буюк саодат!

Инсон умри — гаройиб ҳикмат:
Ешликда куч сизмас биллакка,
Имкон торлик қилар тилакка,
Жумбоқ бўлиб кўринар ҳаёт.

Инсон умри — гаройиб ҳикмат:
Кексайса, куч етмас биллакка.
Имкон кенгдир орзу-тилакка.
Жаннат бўлиб кўринар ҳаёт.

Инсон умри — гаройиб ҳикмат:
Ешликда қалб сизмас кўкракка.
Дунё мағзин чақолмас фикрат.

Кексайса, қалб жўшмас кўкракда,
Дунё бўлар гўё бир хилқат,
Фикрат ҳам куч бермас биллакка!

Икки зот қисмати руҳимни эзар:
Бири — тиригида топмади қадр,
Бири — ўлигида бўлди беқадр,
Бу — ҳаёт дарсида қанақа ҳунар?

Бири урди шуҳрат отига эгар,
Ёшлиқдан тожни у кутди бесабр.
Бири бу ҳаётда кўп кўрди жабр,
Сабрдан боғлади белига камар.

Бу ҳаёт қанчалик одил, бешафқат,
Бирисин дард билан кўзи юмилди.
Бирини қабрга кузатди шуҳрат.

Бири тортган жабр лек унутилди,
Эъозлаб, номини ёд этди ҳаёт.
Бири шуҳрат билан бирга кўмилди.

Қўлларим — бу менинг қанотларим,
То тирикман шай эрур парвозга.
Дор устида лангардир дорбозга,
Қўлларим — бу менинг саботларим.

Қўлларим — бу қалб муножотларим,
Қалам билан роз айтар қогозга.
Бармоқлари чертади шўх созга,
Қўлларим — бу субҳидам баётларим.

Қўлларим — бу менинг ҳаётларим,
Бир дарёдан таралган ирмоқлар.
Толеи ҳур қондош музофотларим.

Қўлларим — бу меҳнаткаш бармоқлар,
Она ерга фарзандлик нажотларим
Ва унда дон бўлиб ўсган бошоқлар!



Умр қадрин билмадим қирқ ёшимгача,
Кеч англадим балки мен ҳаёт қадрини.
Балки зое кеткиздим умр зарини,
Қарзга ботдим элимдан кўз-қошимгача.

Танбеҳ берса ҳақли дўст, қардошимгача:
Гоҳ адо этолмадим юрак амрини.
Гоҳ элга тутолмадим шеър гавҳарини,
Илҳом ёлқин сочса-да ич-тошимгача.

Умр китобини безаб шеър, дoston,
Эларо янгради қирқ ёшимгача.
Гоҳ мамнун, гоҳ ўксук боқди китобхон.

Зар ёғду сочгунча тонг бошимгача
Тарки хоб этгум яна умримдан ҳар он
Шеър бўлиб етсин токи қуёшимгача!



Умр ўтиб борар шамолдай беиз,
Мен унинг баридан тутолмай догман,
Бебаҳо қадрига столмай догман,
Умр ўтиб борар шамолдай беиз.

Умр ўтиб борар шамолдай беиз,
Шоҳона бир асар битолмай догман,
Юрак амрин бажо этолмай догман,
Умр ўтиб борар шамолдай беиз.

Умр — шамол эмас, мангулик қудрат,
Мангулик саодат эканин билсам,
Ҳар лаҳза умримни яшардим шиддат.

Нетай, кеч англадим, дил тўла алам,
Олтин ёшлик энди қайтмас бир муддат,
Надомат чекмасам қариганда ҳам!





**Бу нурли дувёдан куйлаб ўтурман,
Ургут ё Самарқанд садоларида,
Сиеб ё Зарафшон саболарида
Куй бўлиб, мангуга қолиб кетурман.**

**Мен куйлар қалбига чулганган нурман,
«Чоргоҳ» ё «Муножот» наволарида,
«Гиря» ё «Дилхирож» ҳаволарида
Келажак авлодга бориб етурман.**

**Долгали кунларда бўлиб елкадош,
Замонларнинг тошқин дарёларида
Ғаввосдек сузурман — эл билан жойдош.**

**Ҳаётнинг оловли жабҳаларида
Номард кимсаларга бўлмадим йўлдош,
Яшарман Регистон видоларида!**



Хотирамиз мангу олови —
Қоғозларда ёнган шеърят.
Қоғозларда қолган шеърят —
Хотирамиз мангу олови.

Хотирамиз мангу олови —
Шеърятдек қутлуғ ҳуррият.
Ҳурриятга туғ голибият —
Хотирамиз мангу олови.

Наслимизга етар барқ бўлиб,
Хотирамиз мангу олови.
Кундай ёнар нурга гарқ бўлиб,

Хотирамиз мангу олови.
Қизаради озод Шарқ бўлиб,
Хотирамиз мангу олови!

Зарафшон заридек завқ, шукуҳимни
Ҳазарга сочдиму Кавказга ўтдим.
Дилафрўз сайрда шеърни унутдим,
Беором этса-да илҳом руҳимни.

Казбек нигоҳида кўрдим тилсимни,
Дарялга ёлвориб кўмак ўтиндим,
Эльбрус, Маъшукқа кўзимни тутдим,
Ўт бўлиб ёндирди бир шеър кўксимни.

Бештов доманида кезганда мафтун
«Ҳалқа-тоғ» мозийдан сўйлади ашъор,
Гоҳ шароб айлади кўнглимни мажнун.

Бу сайри дилкушо қолмас бесамар,
Кавказ йўлларида кечган неча кун —
Умрим шодасидан тўкилган гавҳар!

Сеҳргар тор чертар созанда шамол
Ва Эол арфаси янграр дилнавоз,
Чўққидан чўққига куй қилар парвоз,
Издан термулар армонда шамол.

Машқини этмагай ҳеч қанда шамол,
Насими тегсами ўйнар олтин соз,
Куну тун беором кимга сўйлар роз,
Саргашта бу чархи кўҳанда шамол.

Арфага парвона арзапта шамол,
Куй билан Маъшуқни айлаб сарафроз,
Кўнгил қулфин очар чаманда шамол.

Эол навоси дилларга ҳамроз,
Шунча сирлими бу масканда шамол,
Турфа оҳангларга жўровоз Кавказ!



Кавказ кўрки — икки бошли Эльбрус
Салтанатнинг мангулик тулпориди.
Бир буюклик рамзи бор виқорида,
Казбекка тенг миллион ёшли Эльбрус.

Маггур боқар ўт қарашли Эльбрус,
Нигоҳ тинар чўққилар муз-қорида.
Хаёл сўнар булутлар губорида,
Кун тигидан кўзи ёшли Эльбрус.

Яшил олам мавжланар канорида,
Юксакларда чақмоқ тошли Эльбрус
Савлат тўкар самоват диёрида.

Багри абад чўғ-оташли Эльбрус,
Дорилон Кавказнинг анворида
Довруқ солар икки бошли Эльбрус.



Лермонтов уйдан аримас қадам,
Бу ерда учрашар турли тақдирлар.
Шоирни ёд этар нурли тақдирлар,
Шаънига ёгилар лутф ила карам.

Бу уйга талпинар бутун бир олам,
Ерга ошиққандай офтобдан нурлар,
Қалбга интилгандай китобдан шеърлар,
Бу уйда роз айтар юрак ва қалам.

Шеърпараст инсонга шоир мукаррам,
Ул берар қалбига шеър билан сайқал,
Шуурии нурлатар шоир ёққан шам.

Ой кўкдан сочаркан оламга зар ҳал,
Авлодлар қалбида яшайди кўркем,
Лермонтов сўз билан яратган ҳайкал!

Шифобахш сувлардан дардига нажот
Излаган кимсалар меҳроби — Кавказ.
Беором юраклар меҳвари — Кавказ.
Кавказдан одамлар излар фароғат.

Бу тоғли диёрдан завқ олар ҳаёт.
Юлдузли тунларнинг моҳтоби — Кавказ.
Фараҳли кунларнинг офтоби — Кавказ.
Кавказдан мусиқа тинглар кoinот.

Кавказ ҳавосини қўмсар — тирик жон,
Дилафрўз чашмалар суҳроби — Кавказ.
Кавказдан саодат топар чин инсон.

Илҳомбахш давроннинг хитоби — Кавказ!
Кавказдан қон олар қалбига дoston,
Шеърятнинг мангу китоби — Кавказ!

Жануб диёрининг бўлиб шайдоси
 Казбек чўққисидан боқди йироққа.
 Кавказни уйготиб жўшқин индоси
 Терекдай талпинди эркесиз тупроққа.

Арагдадай оқди тоғлар оралаб,
 Эрк излаб, қувғунга учраган юрак.
 Россия ҳажрида кўкени поралаб,
 Унинг қисматидан ўртанган юрак.

Ўғлидан айрилган бир она каби,
 Эркалай олмади Россия уни.
 Эриб ҳам кетмади тошдаини қалби,
 Шафқатни билмади азиз Ватани.

Кўрмасанг ҳам унга ҳурликни раво,
 Дунёга тапитди сени, Россия!



Жонгинам, Кавказнинг тоғлари баланд,
Баланд тоғда учар бургут ҳам юксак.
Казбек ё Эльбрусга биз қадам қўйсак,
Кўзларга кўринар балки Самарқанд.

Она шаҳримизга бўлиб орзуманд
Соғинч гулшанида сайр этар юрак.
Юрт васлидан ўзга бизга не керак,
Кавказ ҳам чиройда Ургутга монанд.

Ургут бургутин ҳам парвози баланд,
Ул ўзга тоғларда сайрини қўйсин,
Ўз элига бўлсин содиқ бир фарзанд.

Кавказнинг бургути — Расул ва Қайсин
Казбек, Эльбрусга жон этмиш пайванд.
Ҳар тоғнинг ўзининг бургути бўлсин!



Қора денгиз қиргогидан боқаман танҳо,
Сарҳади йўқ уфқларда учар нигоҳим.
Денгиз билан ўлишгандай кўринар само,
Маъсумгина юрагимга ҳаяжон ҳоким.

Уқилмаган бир китобга ўхшайди денгиз,
Унинг ҳассос муаллифи табиат балки.
Сув тагида чўкиб ётган миллионлаб юдуз
Улуг жангда ҳалок бўлган жангчилар қалби.

Менга денгиз ўз тилида сўйлар дардини,
Туйгуларим бўлар унга моҳир таржимон:
«Мен севаман одамларнинг фақат мардини,
Мардлар мени ўлимлардан асраган омон».

Мард одамлар пок сақлаган шеъриятни ҳам,
Қўрқоқларга муҳтож эмас, дўстим бу олам.



Денгиз қиргогида бир шахри жонов,
Ҳавоси қирқ йиллик дардга ҳам даво.
Бошида мусаффо, чарогон осмон,
Қўшиқдан яралган гўзал бир дунё. . .

Фашистлар қамалини кечирган бошдан,
Ўзни қўлга олиб ваҳмга тушмай,
Омон-эсон чиққан жангу оташдан,
Қадим эртақдаги самандар қушдай.

Онадек аллалар ўглини денгиз,
Кечалар кўзига қўнмайди уйқу.
Одесса, кўксингда олтиндан юлдуз,
Қаҳрамон фарзандга элдан ҳадя у.

Она олқишини олган ҳар ўғлон,
Ўту сувдан сендай чиқажак омон.

Бизнинг умримизнинг вориси бўлиб,
Қолган умримизни фарзандлар яшар,
Биз олмаган тоғдан фарзандлар ошар,
Юрар, кўчаларни биздек тўлдириб.

Юртимиз бошида қуёшдек кулиб,
Бизлар ҳавас қилган боғдан гул узар.
Оталик номимиз шон билан безар,
Чехрасидан турар ёғду тўкилиб.

Дўстимиз фарзанди билан дўстлашар,
Душманлар фарзанди дўст бўлмас асло.
Бизнингмас, ўзининг ақли-ла яшар.

Кўзида ёш билан, йўқ, кулмас асло,
Ғоямизга содиқ қолур фарзандлар,
Номимиз мангудир, йўқ, ўлмас асло!

**Умрда тенг эмас кунлар мазмуни:
Баҳор тошиб, кузда тинар дарё ҳам.
Гоҳ яшнаб, гоҳ хазон боқар дунё ҳам.
Ой ҳам гоҳ ёгду, гоҳ зулмат тутқуни.**

**Умрда тенг эмас кунлар мазмуни:
Гоҳ тўқ, гоҳ пуч мағиз ҳатто бошоқ ҳам.
Гоҳ порлаб, гоҳ сўник ёнар чироқ ҳам.
Одам ҳам гоҳ шодлик, гоҳ ғам тутқуни.**

**Умрда тенг бўлса кунлар мазмуни:
Дарё тошқинлардан бўлса иборат,
Ё дунё хазонлар эрсà тутқуни.**

**Ой қаро тунлардан берса башорат,
Умрнинг қолмасди балки мазмуни,
Инсон ҳам қурмасди нақшин иморат!**

Тез оқар дарёдай кунлар ўтмоқда,
Умримиз сузмоқда унда қайиқдай.
Гоҳ чўққида турган ҳуркак кийикдай,
Лиш этиб, чақмоқли тунлар ўтмоқда.

Ҳар бир кун биздан шоҳ асар кутмоқда,
Лаҳзалар — камондан отилган ўқдай.
Яшаш соатларин ҳисоби йўқдай.
Ҳаёт неъматларин бизга тутмоқда.

Баридан туттирмас ғанимат онлар,
Бургутлар осмонда ўлгандай, афсус,
Қолмоқда, қоғозга тушмай дostonлар.

Киприги тушганин билмагандай кўз,
Вақт ўтар, ўкинчдан ёнмоқда жонлар,
Оқланмай қолмоқда эл берган пон-туз!

Умр ўткинчи, деб нолиманг сира,
Йилнинг мазмунига тенгдир лаҳзаси.
Манглайга битилган олтин лавҳаси
Ҳаёт тўфонида бўлмагай хира.

Ғанимат умрни яшанг бокира,
Бу — мушфиқ ҳаётнинг фирдавс равзаси.
Зар билан безанмиш умр сафҳаси
Келажак авлодга бўлсин хотира.

Умр — бу дунёда топилмас бир ганж,
Бу ганжни эҳтиёт қилингиз токи,
Бўлар-бўлмасга ҳам қила кўрманг харж.

Умр шаробидан сун бизга, соқий,
Бир томчи қолдирмай ичайлик беранж,
Шодлик боқий экан, умр ҳам боқий!

Кўзларда ҳаётнинг чироғи ёнар,
У порлаб туради қорачиғлардан.
Анор донасидек зарра чўғлардан
Умр машъаласи алангаланар.

Кўзларда ҳаётнинг чироғи ёнар,
У сўнмас, бошига келган тиглардан.
Нурланиб, тилакдош қорачиғлардан
Умр машъаласи алангаланар.

Сўнмасин, умрнинг бу машъаласи
Ва ҳаёт чироғи порласин, ёнсин,
Қалб уйин ёритсин нурли толаси.

Бахтиёр ҳаётнинг меҳрига қонсин,
Дунёдан шод ўтсин Одам боласи,
Бу чироқ нуридан тонглар уйғонсин!

Соғлиқ — туман бойлик, дейди халқимиз,
Еру дўст бахтига доим соғ бўлинг,
Фарзандлар бошида турган тоғ бўлинг,
Касал бўлмакка ҳеч йўқдир ҳаққимиз.

Юз йил умр кўрсак, дўстлар, хаққимиз,
Бўронда ҳам ўчмас бир чароғ бўлинг.
Ғам деган балога тиг-яроғ бўлинг,
Шодлик шаробидан ёнсин қалбимиз.

Қайғудир азалдан умр эгови,
Одам жони турар игна учида
Мисли чўққидаги ҳаёт ялови.

Умр тобланади ҳаёт печида,
Қордан олов ёқар келса қалови,
Келмаса, дард бўлиб қолар ичида,

Бир йигит қирқ йилда бўлади бино,
Одам бўлиш қийин бир савдо экан.
Унинг дардларини уқса гар дунё,
Бу дунё жаннатдай бир дунё экан.

Уқмаса, бу дунё чархи бегардун,
Боғи Эрам эмас, дўзахи оташ.
Унинг нағмасига ўйнаган мардум —
Бахт кўкида ногоҳ тutilган қуёш.

Қуёш тutilмасин десангиз агар
Адоват меҳрга солмасин соя.
Кўнглини кўтармоқ учун тоғ қадар

Инсонга яхши сўз ўзи кифоя,
Инсон дардин уқар дунё муқаррар,
Қалбга ҳамдам бўлса шу эзгу гоя!

Қадам қўйма, гуноҳ тиканзорига,
Савоб гулшанида сайр қил, инсон.
Эзгулик тоғига тайр қил, инсон,
Лек қўйма, қоялар музу қорига.

Эрк берма, қабихлар шум қарорига,
Мурувват дурина хайр қил, инсон.
Қисмат китобини таҳрир қил, инсон,
Юз тутма, ёмонлар чанг, губорига.

Шод бўлсанг, дарёдек тошма қирғоқдан,
Жилгадек қурима гам чексанг, инсон.
Малҳам топ, эл деган тоза булоқдан.

Ҳамдлард бўл, инсонга жон тиксанг, инсон,
Ризқу рўзинг изла она тупроқдан,
Заминга таъзим қил, дон эксанг, инсон!

Ўйнашма инсоннинг қисмати билан.
Қўлингда бўлмасин ўйинчоқ.
У инсон, эмасдир қўғирчоқ,
Суюқдир инсон ўз хислати билан.

Ўйнашма инсоннинг қисмати билан.
Тебратма мисоли аргимчоқ.
Сен учун у бўлмас аргумоқ,
Буюқдир инсон ўз ҳикмати билан.

Қаҳ-қаҳ уриб кулма инсон устидан,
Қўйнингга тўлдирма пуч ёнгоқ,
Ўзинг ҳам яралган инсон пуштидан.

Ўзлингнинг унутма, кел, бир боқ,
Одам боласи бўл, сен ҳам, дўстгинам,
Сўнг бўлар ўзингга яхшироқ.



Мағрурлик — асов от, эгар урма, қўй,
Оёқ босма пўлат узангисига.
Одат қил камтарлик қирчангисига,
Катта йўлдан уни четга бурма, қўй.

Қум устида, дўстим, бино қурма, қўй,
Қулоқ сол, ҳаётнинг янгроқ сасига.
Маст бўлма шуҳратга — зира исига,
Ердан оёқ увиб, кўкда юрма, қўй.

Бу — ҳаёт! Эл билан бир дарёда оқ,
Пўкакдай отмасин сени қиргоққа.
Қаро тунда излаб юрмагин чироқ.

Асов от минганлар бормас узоққа,
Эл кунига ярар қирчанги бироқ,
Доно инсон бино қурмас қумлоққа!



Қўй энди, сўзлама ҳавойи баланд,
Булбулдек сайрама минбардан голиб.
Сенга тушибди чек улуғлар қолиб,
Анжуман аҳлини қилгин-да писанд.

Нечун чиранасан читтакка монанд,
Зигирдек жонингни минг ўтга солиб.
Е лаҳча чўғни сен кафтингга олиб,
Оғзингга солдингми, ўйлаб хўроқанд.

Ўйлама, ўзингни файласуфман деб,
Потиклар кўп элда сендан донороқ.
Лек улар бермайди ўзларига зеб.

Бу минбар не десанг чидади узоқ,
Ундан сендек тутаб сўзлаганлар кўп,
Сен эса сўнггиси эмассан бироқ.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил,
Инсоплик уивони барча учун тенг.
Одамлар тўп бўлса, сен бўл унга енг,
Ўзгани осмону ўзингни ер бил.

Ёши улуғларни ўзингга пир бил,
Кичикни кўрганда бағринг очгин кенг.
Тариқдек бўлса-да юзни безар менг.
Биров айтган гапни сайрама, сир бил.

Манманлик тоғига қадам қўйма ҳеч,
Бу тоғда омонат турар тошлар ҳам.
Қуласанг, суяшга бўлиб қолар кеч.

Бир куни эгилган мағрур бошлар ҳам,
Эгилган бошни лек кесмаган қилч,
Одамлар ёнидан жой берган, укам!

Бировга ёмонлик қилма, эй инсон,
Сен — иснод бўлмагини инсон номига,
Сен — заҳар солмагини инсон жомига,
Ҳасад кечасида тупурмагини қон.

Бу ёруғ дунёдан ўтма беимон,
Ўзингни отмагини фитна комига,
Қалбингни ташлама қасос домига,
Адоват даштида кўтарма тўзон.

Тикандан тўқима либосинг зинҳор,
Тилингдан заҳармас, томсин шакар, бол.
Сени кўрган кимса демасин маккор.

Сен учун фарзандинг топмасин завол,
Отам шу демакка у қилмасин ор.
Сен ахир, инсонсан, эмассан дажжол!

Ўзни баланд тутма, эл билан тенг кўр,
Эл улкан дарёдир, оқади равон.
Равон дарёда ҳеч гарқ бўлмас инсон,
Лек англа, эл сен-ла эмасдир тенгқур.

Эл неки буюрса, белни боғлаб тур,
Узоқни кўзлаган ул толмас карвон.
Карвоннинг кўнглида кўпдир дард, армон,
Эл билан яшасанг, эл ҳолини сўр.

Камтар бўл ва лекин бўлма хокисор,
Димоғдор кимсалар туртиб ўтмасин
Ва ортда судралиб юрма беозор.

Майли олдда сенга гуллар тутмасин,
Эл билан баробар қадам ташлаб бор,
Сен қолиб, ўзгалар ўтиб кетмасин.

Эй Инсон, раҳм қил қушлар жонига,
Қозиққа осилган милтигинг олма.
Ўқдонига ажал ўқини солма,
Ўт қўйма, жонзотлар хонумонига.

Қотиллик чоҳининг келма ёнига,
Милтигинг бемаврид елкангга осма.
Қўлингга хун қилиб, тепкини босма,
Қўй, ерни бўяма, қушлар қонига.

Тўкилгани етар одамлар қони,
Қўрғошинлар берар қалбига озор,
Сенда бордир, ахир, инсон имоши.

Уқ узиб, қақшатма табиатни зор,
Ларзага тушмася тоғларининг жони,
Қушлар қурсин ,майли, ўлкамда бозор!

Биродар, сен кеча эдинг ниёда,
Бугун эса отга минибсан,
Зар эгарда шод ўлтирибсан,
Кам бўлма, толейинг кулсин дунёда

Отлиқлар кам элда, кўндир ниёда,
Утирган жойингда унибсан.
Шарафли чўққига қўнибсан,
Бир отлиқ кўпаймиш яна дунёда.

Сен учиб юрибсан бугун самода,
Юлдузлар тоқига қўй қадам,
Лек бино қўймагин ҳаддан зиёда.

Бу дунё барчага хушқарам:
Отлиқлар иши тез битар дунёда,
Сен унутма ниёдани ҳам.

Мевали дарахтга тош отар,
Тошлардан бутоғинг синмасин,
Шохингга калхатлар қўнмасин,
Қисматинг ўйласам бош қотар.

Кўзимда қургошин ёш қотар,
Майли, тош отганлар тинмасин.
Мевангни еб туриб, тиглансин,
Бошингда бир куни тонг отар.

Вале тонг отгунча, отиб тош,
Тутундек ўрлатса оҳларинг,
Дардингга бўлгандек қайғудош.

Хазондек ёнса гар боғларинг.,
Сен бўлиб ўртада жон талаш,
Қирқишиб кетмасин шохларинг.

Одамлар қалбини англагунча то
Берилган бир умр камлик қилади.
Яхши сўздан кўнглинг тоғ бўлса ҳатто,
Емон сўздан чинор каби қулайди.

Кимгани эзгулик қилсанг, оқибат —
Не бўлур, келтирма хаёлга зинҳор.
Тегирмон тошидек айланган ҳаёт
Рақиб қутблардан чекмасин озор.

Емонликни кўрма ҳеч кимга раво,
Қалбингни асрагин бўҳтон тошидан.
Ғийбатларга қулоқ солмагин асло,
Бир қошиқ ичмагин агёр ошидан.

Ҳаётнинг неъматин бол янглиғ ширин,
Унга оғу қўшар агёр яширин.

Сени севдим, севаман ҳаёт!
Сен — қўшсан, мен унда ёлқин,
Сен — меҳнатсан, сенсан саодат,
Сен — дарёсан, мен сенда тўлқин.

Сен — она ер, мен бир чашмаман,
Юрагингдан сапчийман қайноқ.
Сен — қўшиқсан, сенга ташнаман,
Қўшиқ билан ҳаётман ҳар чоқ.

Сен баҳорсан, мен сенга посбон,
Жамолингга тўймайман сира.
Сен — бир гулсан, мен эса боғбон,
Этажакман сени бокира.

Сен — севгисан, сенсиз ҳеч қачон
Яшай олмас ҳаётда инсон!

Ҳаёт — сўнгсиз, сўнгсиздир дунё,
Саноклидир дунёда инсон.
Инсон қалби бир кўзгу гўё,
Унда кўрдим севинч ва фиғон.

Сўнгсиз ҳаёт ва сўнгсиз дунё
Бўлингандир иккига бу он.
Бирига ёр Бахт деган зиё,
Бирин домга тортади ўпқон.

Бу дунёга келган ҳар одам,
Қисматида дунё тақдири.
Бу тақдирда — ҳаёт занжири.

Она ернинг қалбида алам,
Даво излар дардига бугун —
Инсон бағри бўлсин деб бутун!

Не десам, мўхайё айладинг, ҳаёт!
Менга кулиб боқди иқбол қуёши.
Қалбиму уйимни айладинг обод,
Сен бўлдинг умримнинг ҳассос наққоши.

Ишқ бердинг, булоқнинг сувидай тоза,
Йигитлик чоғимда бердинг мунис ёр.
Шеъримни халқимга этдинг овоза,
Сенга маскан, деддинг, шу гўзал диёр.

Бир ўғил, икки қиз этдингу эҳсон,
Шодлик чирогини ёқдинг уйимга.
Қалбимда қолдирмай заррача армон,
Булбул оҳангини бердинг куйимга.

Ҳаёт, энди сени қилай деб зебо,
Бир умр жонимни этурман фидо!



Ҳаётнинг завқидан кўндир ташвиши,
Шу икки сарҳадда кечади умр.
Бир умр битмайди одамнинг иши,
Ташвиш билан инсон ҳаёти кечур.

Эртадан кечгача пешана тери —
Дур бўлиб томади еринг юзига.
Тундагила ташвиш чекинар нари,
Уйқу фариштаси қўнғач кўзига.

Гўдакдай ухлайди тунда одамлар,
Кундуз ташвишидан, дардлардан холи.
Сукунат наҳрида оқади дамлар,
Бошларини силар ҳаёт шамоли.

Ҳаётнинг завқидан ташвиш бўлса кам,
Барвақт қариб қолар ҳар қандай одам.

Ҳаёт йўли баланд-пастдир, равон эмасдир,
 Гоҳо гулзор, гоҳ тиканзор учраб туради.
 Гоҳ яхшилик, гоҳ ёмонлик даврон суради.
 Бу йўлдан пок ўтмак ўзи осон эмасдир.

Шодлик билан гам ҳамдарддир, хандон эмасдир,
 Яхшиларга ёндошсанг гар, ёмон ҳуради.
 Излаб фитна напштарини пойинг қирқади.
 Нопокликдан ҳаёт гирён, шодмон эмасдир.

Бир қирқ кун салом берса, ичиб тузингни,
 Бир эса тупуради тузлигингга лек.
 Эл олдида қаратади ерга юзингни.

Бир этса эгик қаддинг чинор каби тик,
 Кўр қилади бириси чўп тиқиб кўзингни,
 Чунки ҳали инсон отлиқ илонлар бор — югурик!

Эй ҳаёт, ўтинчим, элдан айирма,
Гурбат кечасида тонгни кутмайин,
Яккалик даштида сувсиз ўтмайин,
Қуш бўлсам, қанотим зинҳор қайирма.

Дуч келган кимсага мени койитма,
Ётларга тиз чўкиб шароб тутмайин.
Пишиб етилганда балхи тутдайин,
Ўтмас қайчи билан зинҳор кестирма.

Оғзининг таноби йўқ кимсаларга
Номимни сақичдек чайнатма, ҳаёт.
Қисматим солмагин минг хил ҳунарга.

Гийбат қозонида қайнатма, ҳаёт,
Сотмадим имоним мен сийму зарга,
Нажотсиз тўтидек сайратма, ҳаёт!

Ҳаётдан ўтмади умрим бесамар,
Бир ўғил, икки қиз — зурёдим менинг,
Жонимдан жон берган фарзандим менинг,
Ворислар бахтидан бағрим тўла зар.

Мангулик бахт менга бўлмиш муяссар,
Соҳибӣ давлатдир авлодим менинг,
Шеъримда куйлаган дилбандим менинг,
Эл кўнглини сўз билан этдим мунаввар.

Берилган умримни ҳалол яшадим,
Юрт меҳрин жонимга айладим пайванд.
Эл билан ҳамнафас қадам ташладим..

Элу юрт меҳридан бўлиб баҳраманд,
Регистон қалбидек янградим қалбим,
Мени ҳам ўғлим, деб эслар Самарқанд!

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,
Мен ҳам тунлар шамдай милт-милт ёнаман.
Оқ қоғоз бетига эриб томаман
Сўзлар туркумида порлар кўз нурим.

Бир кўркам хонани айлаб чароғон,
Шам ёнар милтиллаб, умридан ризо.
Мен эса ҳисларим эстаман иншо,
Оқ қоғоз бағрини айлаб қора қон.

Дақиқа сапайди мажнун парвона,
Пар қаноти куйиб шамнинг ўтида.
Туннинг бу фараҳли сукунатида
Гўдак ўйларимга қоғоздир она.

Қуёш васлин кўриб, адо бўлар шам,
Энди қуёш билан ён дейди қалам.

Ун саккиз ёшимда — қутлуғ бир кунда
Онам ҳадя этди қилич ва қалам.
Бобо меросини олдим у шунда:
Тиз чўқдим, ичгандай муқаддас қасам.

Бир муддат сукунат ичида қолдим,
Онам оёғига қўйган каби бош.
Сукунатни бузиб титради қалбим,
Севинчдан чиқаркан кўзларимдан ёш.

Мен учун муқаддас — бу икки мерос,
Гарчанд мен эмасман тигнинг бандаси.
Қилични олмасдим эрса-да мумтов,
Бўлмаса дунёда Эрк кушандаси!

Шу вайдан, посбондек қаламкаш юрак
Қўлида қилич ҳам тутмоғи керак!

Ўтли жабҳаларга отдим ўзимни,
Илҳомбахш шуълага кўксимни тутдим,
Қалбимда ҳаётбахш ўт олиб ўтдим,
Истиқбол уфқига тикдим кўзимни.

Ёгдуга йўғирдим юрак сўзимни,
Саодат богида гамни унутдим,
Инсон боласидан яхши сўз кутдим,
Ерга қаратмади дўстлар юзимни.

Яхшилик — умримга бўлди зар шиор,
Ҳаёт денгизидан дурлар қидирдим.
Инсонлар — шуурим этди шуъладор.

Устозлар ўғитин олтин деб билдим,
Келажак наслимга боқдим умидвор
Ва тунлар Шеърят майин симирдим!

Ўткинчи шуҳратга сажда қилмадим,
Ўткинчи умрдан чекмадим афеус.
Қадримга яраша кўрдиму нуфуз,
Ўткинчи амалга парво қилмадим.

Яшашни шунчаки эрмак билмадим,
Олий мақсад бўлди йўлимга юлдуз,
Курашга чорлади дилдан чиққан сўз,
Олдинги сафларга отилди қалбим.

Иродам пўлатдек ўтда тобланди,
Меҳнат билан ўтди ҳар оним менинг,
Кўзимда шижоат чароғи ёнди.

Пок йўлга бошлади имоним менинг,
Ижод завқи билан қалбим ўтланди,
Кафтида кўтарди замоним менинг.

Юз йил яшамакни қилмайман ҳавас,
Андуҳли кексалик менга не керак,
Қувончдан анордек ёрилсин юрак,
Ҳар куним — бир тўйиб олинган нафас.

Мен шеърни ҳаётда билмадим эрмак,
Сўзимга кўксимни қилмадим қафас.
Инсоний қадримни билдиҳ муқаддас,
Шоирман деб аммо кермадим кўкрак.

Элу юрт камоли, бахтин ўйладим,
Бир умр ёнди қалб сиғмайин танга,
Самандар сингари ўтда куймадим.

Жон фидо бўлсин деб она-Ватанга,
Бор овозим билан бахтим куйладим,
Ёниб ўтсам дейман мисли аланга!

Умрим маним баланд тоғ эзур,
Ҳар йил ундан битта тош қулар.
Ҳар йил ундан битта гул сўлар,
Умрим маним чамап боғ эзур.

Қайноқ умрим минг булоқ эзур,
Ҳар йил ундан бир булоқ тинар.
Ҳар йил ундан бир булоқ синар,
Чинор умрим сербутоқ эзур.

Умрим ёнар бир чироқсимон,
Қора диллар ундан бўлур оқ,
Оқ кўнгиллар кулади хандон.

Тоғ ҳам қулар, қуригай ирмоқ,
Чинор синар, боғ бўлар хазон,
Учмас, умрим чироғи бироқ!

Жавоҳирим эрур бешумор,
Кўнглим безар — умрим борича.
Токи, кўзда нурим борича
Жондек асраб, сочурман шарор

Шу аҳдимда туриб устувор
Сарф этурман умрим борича.
Токи, қалбда меҳрим борича
Мен этурман халқимга нисор.

Бу дунёда умр деган зар
Бир ялт этиб сўнган чақмоқдир,
Шуъласидан олам ёришар.

Зар қадрига етдим, дил оқдир,
Умр қасрин шеър дури безар,
Қалбим гавҳар тўла булоқдир.

Қиргоқда бир қоя сокин ва мағрур,
 Пойнга бош урар ўтли тўлқинлар.
 Жисми-жаҳонида қудрат ва сурур,
 Унга эртак айтар мудраган тунлар.

Гарчанд ҳис-туйғудан маҳрум бу қоя,
 Пушкиндан дардди бир қўшиқ тинглаган.
 Лермонтов қалбига бўлиб ҳамсоя,
 Исёнкор шеърини тигга тенглаган.

Қанча шоир келса денгиз сайлига,
 Бари шу қояни айлаган маскап.
 Шоирлар даргоҳни қутлуг саҳнида
 Мен ҳам бугун денгиз мавжи-ла мастман.

Сув парисин кўрмоқ ишқида ҳар ким,
 Денгизга боқармиш шу қоядан жим.



Эй сарв, сени қадим не-не шуаро
Ернинг қоматига айлади қиёс.
Қайси бир ғазалхон, шеър аҳли аро
Сени ракетага ўхшатгани рост.

Эътирозим йўқдир бунга ҳеч қачон,
Қаламга олмаган шоир сени кам.
Менимча, зулматдан зиёга томон
Талпинган инсонга ўхшайсан, эркам.

Эрк ва нурга ташна одамзод насли,
Буюк эътиқодни айлаган машъал.
Оташда куйса ҳам парвона асли —
Чироққа ўзини ургандир ҳар гал.

Еруғ кунни ҳадя этганда баҳор,
Қуёшга топиягни, эй сарв, ҳар наҳор.



Қўшиқ айтар денгиз менга бу оқшом,
«Минг бир кеча» янглиғ узун бир эртақ.
Сув париси тутар шароб тўла жом,
Бир қултум ичмасдан сархушдир юрак.

Хаёлимда ширин, ўтли хотирот,
Денгиз тубин кўриб бўлмас бу тунда.
Сув салқини танга бағишлар роҳат,
Олма янглиғ қалбим ўйнар тўлқинда!

Қалбим оқар тўлқин билан йироққа,
Денгиз айтган қўшиқ билан ҳамоҳанг.
Мағрур посбон янглиғ қоя қирғоқда,
Унга ҳар тонг ташлар ҳарир шуъла ранг.

Денгиз янглиғ инсон қалби бегумон
Баъзан сокин, баъзан солар ғалаён.



Бу ўлкада чоймас, ичарлар шароб,
Нон-туз, шароб билан оларлар кутиб.
Кўпроқ ичсанг ҳолинг бўлади хароб,
Яхшиси кайф қилгин-бир қултум ютиб.

Иўл чети узумзор кета-кетгунча,
Яшил уфқларда ўйнайди сароб.
Хаёл дафтарига бир шеър битгунча,
Сени сархуш айлар аргувон шароб.

Токни симёғочга тортаётган чол,
Ҳориса, бир қадаҳ сипқарар шароб.
Ез яхши келди деб жилмайиб хиёл,
Шароб мўл бўлар дер қуёшга қараб.

Менга шароб эмас, дўстлар, шу асно,
Бир пиёла кўк чой берингиз, аммо.

Пушкиннинг изини суртиб кўзларга
Бессарабияни қилдим сайри бог.
Ўзбек шеърятин сўзлаб дўстларга,
Олдим Именеску назмидан сабоқ.

Кишинёв қўйнида сўлим хиёбон —
Муаззам шоирлар ажиб маскани.
Икки ёнда улар ўқийди дoston,
Тўрда — Пушкин ўзга имлайди мани.

Мармар ҳайкаллардан боқар шоирлар,
Мен сукут қўйнида паришон ва лол.
Лабдан учай дейди ёлқинли шеърлар,
Хаёлим чирмайди минг турли савол.

Бир кафт тупроқ олиб ундан ёнимга,
Келтирдим Навоий хиёбонига.

Елкасига кўтарганча ўркак-ўркак барханни,
Яраланган арслондай ҳансирайди Қорақум.
Қучоғига кўчиргандай поёни йўқ осмонни,
Бир томчи сув фироқида йиллар ютади заққум.

Учоқ-ўчоқ олов тўкмиш қуёш сўнгсиз бағрига,
Мирзачўлнинг жамолини кўриб, саргаймиш ранги.
Дори-дармон топмоқ учун жисмидаги ярага.
Тун сепини ёйганда ҳам оташда ёнмиш тани.

Ҳазар томон оққан Аму ҳазар қилиб Ҳазардан,
Богларини қовжиратиб, маҳрум айлаб баҳордан.
Орол сари бош қўйганмиш, кўксига тош қўйганмиш,

Биз тошда ҳам боғ яратиш ишқин дилга туйганмиз.
Сени халос этажакмиз бир томчи сув дардидан,
Чехрангга кўрк беражакмиз Мирзачўлнинг рангидан!



Ирмоқдай мавжланиб, жўшиб дарёдай,
Қорақум чанқоғин қондирмоқчийдим.
Махтумқули шеърин меҳригиёдай,
Кўнглим бўстонида ундирмоқчийдим.

Бағрим чашмасининг шеърий гавҳарин
Шоир хазинасига тўкмоқчи эдим.
Шоир тафаккури йўғриқ асари
Уругин ҳар қалбга эсмоқчи эдим.

Туркман дўстлар билан суҳбат қурган кез,
Ҳар дилда шоирни барҳаёт кўрдим,
Дилбар қўшиқларин завқини сурдим.

Ўтар экан йиллар карвони сўнгсиз,
Қалбдан қалбга кўчар унинг ҳар шеъри.
Ўз халқин умридир шоирнинг умри.

Копетдоғ чўққисин мармар кўксидә
Инсон ақли тошга бахш этмиш пардоз.
Қуёшга бош қўйган харсанг устида
Тош бургут жоң топмиш этгали парвоз.

Олмос кўзларида бир олам ёлқин,
Тогни кўтарса ҳам синмас қаноти,
Лоларанг уфққа термулар сокин,
Пўлатдек мустаҳкам кучи, саботи.

Бунда аён кўрдим икки Шарқни ҳам,
Копетдоғ ўртада метин девордай —
Чегара соқчиси бургутдай ўктам.

Юртимни қўриқлар мангу бедордай,
Юртимга ўтолмас калхат ҳам, зог ҳам,
Бу ерда посбондир бургут ҳам, тоғ ҳам.

«Феруза»¹ сувлари кўнглим аллалар,
Чор атроф юксак тоғ осмон кўринар.
Тошларда чайқалар ёқут долалар,
Баҳор огушида бўстон кўринар.

«Етти ога-ини»² иеларни ўйлар,
Тошлар тилга кириб ўтмишни сўйлар.
Қушлар мен билмаган қўлиқни куйлар,
Майса — гиёҳида дoston кўринар.

Азим чинорларини ўзи бир дунё,
Мусаффо ҳавоеси минг дардга даво,
Олтин булоғида жаҳон кўринар.

Сойидан сув ҳўплар қизлар кўзаси,
Ирмоғида янграр илҳом музаси,
«Феруза» келиндай жонон кўринар.

¹ Туркменистонда гўзал тоғ дараси.

² Чинор номи.

Бу — «Феруза» боғларими, Мари бўстони ё,
Е Чоржўйнинг пахтазори, Чўлининг сулуви!
Махтумқули битиб кетган севги достоними ё
Қорақумга чирой берган янги канал сувими?

Санъат билан туғилган эл муҳаббати бор бунда,
Бунда кекса ҳам навқирон Туркменистон намоён.
Коммунизм бунёдкорин саодати бор бунда,
Бунда бахтни ҳади этган улуг Ленин топган жон.

«Капитал»ни она тилда ўқий олган қардошим,
Доҳий расмин тивит билан тўқий олган қардошим,
Копетдоғга қиёс этдим нишон таққан кўкрагинг.

Ноёб гилам гул-гул ёниб кўзим сеҳрлаганда,
Чевар қизлар табассуми қалбим муҳрлаганда,
Қорақумдан иссиқ кўрдим қуёш пинҳон юрагинг.

«Феруза» қўйнида бир булоқ кўрдим,
«Етти ога-ини» чинор соябон.
Булоқ кўзгусига боққанча турдим,
Қалбимни чулғади сирли ҳаяжон.

Қалдирғочдай енгил сезиб ўзимни,
Чинор соясида ётдим чўзилиб,
Булоқ сеҳрлади менинг кўзимни,
Эзгу хаёлларим қолди узилиб:

«Ҳой, ака, бу ерда ётманг, азиз жой!»
Бир моҳи рухсорни кўрдим бошимда.
Осмондан узилиб тушган каби ой,
Кўрмовдим бундайин қизни тушимда:

— Уз она ерим-ку, қўрқма, сулув қиз,
Мен учун ҳамма ер муқаддас, азиз!



Бошингда ҳар чинор посбонинг, Чули!
Юксак тоғ қўйнида ётган қизмисан?
Чашмалар яйловга узатган қўлни
Олтин узугида зумрад кўзмисан?

Зангор этагингда нафис чечаклар —
Ноёб палагингми, ишқ бўстоними?
Ирмоқлар сўйлаган дилбар эртақлар —
Қалбинг қўшигимми, дил достоними?

Гнёҳ битмас тошда унган қароли,
Сулув юзларингга чекилган холми?
Дардга шифо берган сувларинг болми?

Бир боқингда бўлдим ошининг, Чули!
Эҳтимол, қўйнингдан ҳеч кетолмасман,
Севгингни бир умр тарк этолмасман!



Қозонжиқ тоғлари, фидойи тоғлар,
Қорақум саҳросин сизми ҳудуди?
Бир чашма дардида адоий тоғлар,
Лабингиз чатнаган темирдай худди.

Метиндай кўксингиз кунда қорайиб,
Қобиргангиз қоя бўлиб ётибди.
Рангингиз бархандан тамом саргайиб,
Қорақум ҳам сиздан кулиб ётибди.

Сизда на арча бор, на битта чинор,
Ҳатто нишона йўқ дарахт зотидан
Ва лекин ўлкамни мисли бир девор,
Ажратиб турибсиз Эрон юртидан.

Сиз ҳам ўхшаб эрқка ташна инсонга,
Турибсиз, қўлингиз чўзиб осмонга.



Юрак, қуёш янглиғ ўтли бўлмасанг,
Қаҳратондай ўтарди умрим.
Илҳом парисига вафо қилмасанг,
Айрилиқ даштида инграрди шеърим.

Октябрь ёгдусин эммасанг агар,
Кўзларимда бўлмасди зиё.
Кўксимда ёқутдай ёнмасанг агар,
Сўзларимда бўлмасди маъно.

Бир чароғ бўлмасанг ишқ бўстонига
Ёргинамга севгимни зинҳор,
Юрагим, сен билан этмасдим изҳор.

Гўзал Туркменистон жисму жонига
Ашхобод ҳам қайноқ юракдир!
Юрагим, сендайин қувноқ юракдир!



Иигит дея олганимда ном
Олам аро туздим бир лашкар.
Қалбим айлаб унга қўмондон,
От сурдим то Деҳлига қадар.

Кийгизмадим дубулга, қалқон,
Ғилофига солмадим ханжар.
Тутқазмадим на ёй, на камон,
Боғламадим ўқдонли камар.

Унга бердим фақат бир қурол:
Бу қаламдир — умрим сарвари.
Қалам билан топмагай завол,
Амримга шай — сухан лашкари.

Ўша лашкар тутса қаламим,
Забт этурман қалблар қалъасин!

Яралгандан буён билмасдан уйқу
Она каби мушфиқ алла айтар Ганг.
Қалбида — эрк янглиғ олий бир туйғу,
Тилида — юракни ўртовчи оҳанг.

Қўли етган ерни олтин қилиб у,
Азиз тупроғига берди турфа ранг.
Обихаёт бўлиб, таратиб ёғду,
Саратон қуёш-ла олиб борди жанг.

Юракка ўхшаган ярим оролга
Қоп бериб, жон бериб, шон бериб мангу,
Умр кемасини тебратолди Ганг.

Ҳинд халқи ёр бўлгач бахту иқболга,
Бошидан йўқолгач асрлик қайғу,
Халқи мардлигидан ибрат олди Ганг.

Кувларим қорадир сен бўлмасанг,
Чироқ ҳам ёнмайди уйимда,
Ғам-ҳасрат кезади ўйимда,
Юрагим порадир сен бўлмасанг.

Бағрим қон, ярадир сен бўлмасанг,
Шодлик ҳам бўлмайди куйимда,
Дўст кезмас кўчаю кўйимда,
Дил мотам сародир сен бўлмасанг.

Жонгинам, уйимда сен бўлмасанг
Жой топмам қўярга ўзимни,
Бир лаҳза ўйимда сен бўлмасанг

Зулумот қошлайди кўзимни.
Тонг билан куйимда сен бўлмасанг
Унутиб қўяман сўзимни!

Севгингдаң бир умр бўлиб баҳраманд,
Ҳаёт гулзорида кездим, севгилим,
Сенга бир гулдаста туздим, севгилим,
Ҳайратдан яқосин тутди Самарқанд.

Висолинг тонгига боқиб орзуманд,
Юлдузлар оромин буздим, севгилим,
Сенга деб бир шода туздим, севгилим,
Қошимда тутсанг не ўзин аржуманд.

Бўйнимга қилдингу зулфингни каманд,
Найлайин, жонимни этдинг беқарор,
Ишқингдан тўлғанди дил дарё монанд.

Бу ажиб гулдаста сенгадир, эй ёр,
Қалбингда рамзини кўрса Самарқанд,
Биз билан умрбод бўлур бахтиёр.



Сен ҳамроз бўлмасанг умримга, эркам,
Кулиб боқмас эди толе юлдузи.
Қалбда мавж урмасди илҳом денгизи,
Сен ҳамроз бўлмасанг шеъримга, эркам.

Сен ҳамроз бўлмасанг умримга, эркам,
Менга ёт бўларди балки Ишқ сўзи,
Басир бўлмас эди қалбимнинг кўзи,
Сен ҳамроз бўлмасанг шеъримга, эркам.

Васфингни куйлай деб мен тутдим қалам,
Сен шод бўлсанг, эркам, мең ҳам хурсандман,
Сен маънос тортсанг гар маҳзунман мен ҳам.

Сен билан бир умр жони пайвандман,
Сенсиз не керакдир менга бу олам,
Сен бўлсанг Андижон, мен Самарқандман!



Ҳаётда бир тушди умр йўлимиз,
Бу йўлни ўтурмиз манзил-баманзил.
Бўлса-да елкада юklarимиз зил,
Шарафли манзилга элтажакмиз биз.

Биримиз ҳорисак, бордир биримиз,
Қувват бўлар, дерлар, аргамчига қил.
Сув нчади, ахир, кўнгилдан-кўнгил,
Олмосдан ўткирдир кўзда нуримиз.

Ҳаёт йўли қанча бўлмасин оғир,
Ярим йўлда қолмас юкимиз, эркам.
Фарзандлар — қаторда воримиз, ахир.

Сен агар ёнма-ён тапласанг қадам,
Тоғни кўтармакка елкамдир қодир,
Сенсиз тоғдан оғир ҳаттоки тош ҳам.



Сенинг дардинг мен учун гамдир,
Менинг гамим — сен учун зўр дард.
Сен шод бўлсанг, дилда кўкламдир,
Ишқинг билан яшарман хурсанд.

Сенинг кўзинг кўнглимга шамдир,
Нур сочмаса, юзим бўлур зард.
Илиқ сўзинг жонга малҳамдир,
Ҳеч қўнмасин кўзларингга гард.

Армонимни сенга этсам арз,
Позик кўнглинг титрар мисли барг,
Кипригингда қатра шабнамдир.

Дунё дарди кўнглимда жамдир,
Орзуларим этма жувонмарг,
Ишқинг менга эзгу қасамдир.



Жонгинам, сенга гар қилсам хиёнат,
Муҳаббат ҳаққи-чун тортурман жазо.
Шу куни қалбимда ишқ қилур қазо,
Бундан ортиқ йўқ, деб, ёрга жинойт.

Гар менда бўлмаса зарра диёнат,
Умримга муҳаббат ўқир жаноза,
Е қалбим ишқимга тутмагай аза,
Элу юрт олдида бўлгум ҳикоят.

Кимки қилса агар муҳаббатни хор,
Ҳаёт қарғишига учрар ниҳоят,
Бедаво бир дардга бўлур гирифтор.

Бир кўнгил юшамас қилса шикоят,
Косасин тағи ҳам оқармас зинҳор,
Ким агар ёрига этса хиёнат.

Уйимиз файзидан кўнгиллар яшнар:
 У — сенинг қўлингдан топмиш оройиш.
 У — сенинг ҳунаринг этмиш намоийиш,
 Мафтун боқиб доим кўз ҳайратланар.

Уйимиз файзидан кўнгиллар яшнар:
 У — сенинг қалбингдан олмиш осойиш.
 У — сенинг меҳрингдан қилмиш навозиш,
 Таърифни айтмакка сўз ҳайратланар.

Мен учун бу даргоҳ азиз ва танҳо,
 Унда сен ва бордир оқил фарзандлар —
 Бир умр этгувчи кўнглимни рўшно.

Бу даргоҳ шаънига қўимасин гардлар,
 Фарзандлар умрига жон бўлсин фидо!
 Авлодни-авлодга фарзанд пайвандлар!



Сен оир гулсан, гулдай яшнаб,
Гулдай кулиб тур, жоним.
Иқболингни кўр, жоним,
Менга мамнун нигоҳ ташлаб.

Сен уйямга файз багишлаб,
Ойдек сочгин нур, жоним,
Завққа тўлиб юр, жоним,
Ишқ боғига мени бошлаб.

Ёшлигимнинг ҳамрозисан,
Сенга севгим зўр, жоним,
Сен — қалбимнинг шўх созисан.

Созимга жўр бўл, жоним,
Сен — қўшигим парвозисан,
Давру даврон сур, жоним.



Сен мени ўзимдан яхши биласан,
Кўнглингга ҳамроздир юрак сирларим.
Дардимни яшириб нима қидаман,
Қалбимнинг кўзгуси эрса шеърларим.

Мен кулсам, мен билан сен ҳам куласан,
Юзларинг яшнайди завқдан, дилбарим.
Ғам чексам, ғамимга шерик бўласан,
Кўзингга ёш олиб, дил бўлар ярим.

Рақиблар ҳасади тигдай беаёв,
Баъзида билмайсан — ким дўсту ким ёв,
Тўкин дастурхонинг кўрасан баҳам.

Жонингни тикасан мен учун, эркам,
Ҳаёт бу — курашдан иборат синов,
Ким менга тош отса, тегар сенга ҳам.

Қўлингдан келмаган ҳунар йўқ сенинг,
Қирқ ҳунар не сенга, юз ҳунар ҳам оз.
Юз ҳунар берса не қалбингда овоз,
Элингда бўлмаган гуҳар йўқ сенинг.

Қўлингда кулмаган зевар йўқ сенинг,
Тошни ҳам дур қилиб берасан пардоз.
Қумни ҳам ганж қилиб этасан эъзоз,
Мулкингда қучмаган зафар йўқ сенинг.

Сендек санъаткорни қўли гул, дерлар,
Бу олтин қўлларинг ҳеч кўрмасин дард,
Бошимдан бир умр сочсин сийму зар.

Сен билан бахтлиман, юзим бўлмас зард,
Кел, ўпай, ҳунарманд қўлингдан, дилбар,
Кўзингга қўнмасин қайғу бўлиб гард!



Ешлигимнинг отига миниб,
Излаб келдим бугун, Хиёбон!
Узоқларда сени соғиниб,
Ловуллади оташ ичра жон.

Нўртапали ишқ наҳри тиниб,
Энди оқар қалбимда равон.
Айрилиқнинг кўзгуси синиб,
Зиллоллашди чашмаи армон.

Сендан азиз жой йўқдир менга
Ва турибман тупроғинг ўпиб,
Ташаккурим айтгани сенга.

Бошим узра мангу бахт қўниб,
Илк севгимни улаб умрингга,
Сочларимга келдим оқ иниб!



Дорилфунун хиёбонида
Чақнамаса кўзингдан учқун,
Мен муҳаббат биёбонида
Бўлар эдим толен забун.

Ошиқликнинг сиёҳонида
Ашким кўриб, саргаярди кун.
Қоғоздаги сўз уммонида
Чайқаларди қалб қони нигун.

Самарқанднинг Регистонида
Минорадай қотардим беун,
Йигитликнинг ишқ бўстонида,

Кунларим ҳам бўлар эди тун.
Заққум ютиб Бахт замонида
Зор йигларди яна бир Мажнун!



Сенинг севгинг тоза, бегубор,
Мен топурман ундан ҳаловат.
Сен бошимга солиб маломат
Этма, жоним, учқунига зор.

Андухларинг ҳаммаси бекор,
Юрагингга солма жароҳат,
Бу умринг ўзи омонат,
Унга оғу солмасин агёр.

Гумонларга қул бўлма асло,
Озор берма ўзингга зинҳор,
Ҳасадлардан холимас дунё.

Сен борсанки оламда, дилдор,
Мени ҳеч ким этмас маҳлиё,
Сенсиз менга кенг дунё ҳам тор.



Аланга сингари мен агар сўнсам,
Чўғ бўлиб қолгайман сенинг қалбингда.
Сен йиглаб турарсан менинг қабримда,
Майса бўлиб яна заминда унсам!

Бургут бўлиб агар Ургутга кўнсам,
Бир соқчи бўлурман кўнгиш қасрингда.
Сен йиглаб турарсан менинг қадримга,
Севгим париси деб сенга чўқинсам!

Бу мангу қаримас ҳаёт боғига
Чақмоқдай келдиму чақмоқдай кетсам,
Нур бўлиб қолгайман кўз қароғингга.

Йўл босиб, энг сўнги манзилга етсам,
Бош қўйиб, сўнг дафъа гул қучоғингга,
Шам бўлиб ёнгайман уйингда, эркам!

Инсон билан бирга яралган
Бир чашма бор — мангу муқаддас.
Ҳаёт боғи ундаи кўрк олган
Сўлмоқни ҳам билмас бир нафас.

Бу чашмага тушса хору хас
Кириги-ла териб олар кун.
Юракларда қўзғаб зўр ҳавас
Шайдо этган ҳаётга бутун.

Ундан баҳра топмаган одам
Тугилмаган онадан ҳали,
Ёнмагандир кўзларида шам.

Ишқ чашмасин сеҳри туфайли
Танидигу, ҳаётни, эркам,
Бошланди чин муҳаббат сайли!

Муҳаббат чироғи ёнмаса
Кўнгили уйи зулматдир.
Дунё боғи ғурбатдир
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат чироғи ёнмаса
Кечган умр гафлатдир.
Яшаш бахтмас, кулфатдир,
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат инсонга қўшқанот,
Дунёни кўргувчи кўзидир,
Авлодлар топинган бахт, нажот.

Инсоннинг у айтар сўзидир,
У билан гўзалдир бу ҳаёт,
Муҳаббат инсоннинг ўзидир!

Кўнглимда куй бўлиб янграр муҳаббат,
Рухимни эркалаб ҳаволанар куй.
Жисм аро жонимда ўтдай ёнар куй,
Бахт бўлиб бошимни силар муҳаббат.

Арзимни айтмасдан билар муҳаббат,
Мени маст этгали таратар хушбўй,
Дардингни даволар, дейди, бир хушрўй,
Умримга саодат тилар муҳаббат.

Томирда пўртана қилиб қонимни,
Тиг тортмай, багримни тилар муҳаббат,
Гоҳ ҳижрон доғида ўртар жонимни.

Гоҳ висол завқи-ла сийлар муҳаббат,
Вафо китобига ёзиб номимни,
Қалбимда бир умр куйлар муҳаббат.

Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,
Кўзларим нурланди шарорасидан,
Қалб тугён урди фавворасидан,
Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.

Чиннидек жаранглар сўзида ханда,
Кўнгилга бол томар иборасидан,
Рухга жон югурар ишорасидан,
Гул бўлиб яшнайди изида ханда.

Бу висол айёмин айламай канда,
Маст бўлиб кўнгилнинг иштиёқидан,
Бошимда чарақлаб қуёш кулганда,

Ҳайратланиб Ишқнинг ихтиросидан,
Шеър айтгим келади ушбу чаманда,
Ёр рози эрса бас ҳар мисрасидан!



Ҳаёт гулшанида бир умр мастман,
Севги шаробидан бир қултум ичиб,
Гўёки юрибман кўкларда учиб,
Зухро юлдузига жони пайвастан.

Фарҳоду Тоҳирлар билан ҳамдастман,
Қайсдек овораман оромдан кечиб.
Дардимни шеър билан тошларга чекиб,
Тоғ аро адашган ишқи сарбастан.

Гар қўйсам муҳаббат жумбогин ечиб,
Бу чигал ҳаётнинг қолмас қизиги,
Бахт қуши кетади бошимдан учиб.

Нишонга олса-да, айрилиқ тиги,
Сарҳушман, муҳаббат парисия қучиб,
Йўлдан адашма, дер, ёрнинг чизиги.



**Уй обод ўзининг бекаси билан.
У билан чироқ ҳам равшан ёнади.
Меҳридан нурланиб гулшан ёнади,
Уй гўзал ўзининг эгаси билан.**

**Уй кўркам ўзининг эркаси билан.
Фарзандлар офтобдек тонг уйғонади.
Меҳр юлдузидан кўзлар қонади,
Уй порлоқ ўзининг эртаси билан.**

**Ойла тинч бўлса, уй эрур жаннат,
Қарс ҳам икки қўлдан чиқади, ахир,
Ойла — аслида кичик бир давлат.**

**Ота шоҳ бўлса гар вазир онадир,
Фарзандлар — давлатда соҳиби қудрат,
Лек тотув бўлсин дер шоҳ билан вазир.**



**Узи билганини қилмаган шоҳлар,
Вазирлар айтганин этишган адо.
Вазирсиз — бетаёқ қолгандай гадо,
Узи қилганини билмаган шоҳлар.**

**Савобли бирор иш қилмаган шоҳлар,
Маслаҳат бермаса вазирлар танҳо.
Вазирлар қанчалик бўлмасин доно,
Бошидан тожини бермаган шоҳлар.**

**Қора юрак бўлса вазири агар
Гадо этиб қўйган доно шоҳни ҳам,
Ғазнада қолдирмай тариқча гавҳар.**

**Соф кўнгил вазир-чи, гадо шоҳни ҳам
Бадавлат айламыш, этиш суханвар.
Сен ҳам шу вазирга ўхшайсан, эркам!**



Мен сени излайман, сенинг изларинг
Муқаддас кўринар менинг кўзимга.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Ухшайди шеър қилиб тизган сўзимга.

Мен сени излайман, сенинг изларинг
Гул бўлиб очилар юрган йўлимда.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Чўг ташлар, шусиз ҳам куйган дилимга.

Мен сени излайман, сенинг изларинг
Умид бахш этади орзу-ўйимга.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Ҳамиша элтади мени уйимга.

Шу уйда кутади мени кўзларинг,
Уйимга элтади сенинг изларинг.

Деразам олдида ҳар кеч жимгина,
Мен сени ўйлайман моҳирўйгинам.
Узоқларда қолиб мандан ўксима,
Сенсиз бўм-бўш бўлиб қолган ўйгинам.

Иўлингга кўз тикиб парилон хаёл,
Ҳижрон қўшигини куйлайман ёлғиз.
Кўнглим сархуш этар гойибдан висол,
Томошага чиқар менга ой, юлдуз.

Кабутарлар учиб севги кўшкидан,
Ҳиёбон қошида кимидир излар.
Кимдир сархуш бўлиб севги мулкидан
Биринчи бўсага ёрини имлар.

Деразам олдида ҳар кеч, дилбарим,
Сигарадай тутаб ёнар дардларим.



Мен сени изладим, сен эса мени
Муҳаббат аталмиш бир хиёбондан.
Мен сени сўзладим, сен эса мени,
Кўнгилга саодат битган дostonдан.

Мен сенга гул тердим, сен эса менга
Ошиқлар қадами етмаган ердан.
Мен сенга қўл бердим, сен эса менга
Аму бўса олиб тургандек Сирдан.

Мен сени соғиндим, сен эса мени,
Ҳижрондан висолга чорлади мактуб.
Мен сени соғиндим, сен эса мени,
Тоҳиру Зухродай бўлолдиқ маҳбуб.

Муҳаббат бўлмаса икки дунё ҳам,
Қовуштирөлмасди бизларни, эркам.

Эртага учарман ёнингга, эркам,
Висол айёмига қолди бир кеча.
Айрилиқ тунида адо бўлган шам
Сингари ёнурман то тонг отгунча.

Тонг билан кўнглингни айлаб чарогон,
Уйингга қўшдай кириб борурман.
Кўксинг узра қўйиб бошимни шодмон,
Бир нафас жимгина кўнглим ёрурман.

Чарос кўзларингда кўриб ўзимни,
Ғилофга солурман ҳижрон қиличин.
Унутиб қўйгандай айтар сўзимни,
Қоқингда боладек жилмайишим чин.

Сени деб кўзимга келмайди уйқу,
Шу бўлса керакдир ишқ деган туйғу.



Енимизда бўлса ёримиз ҳар кун
Гоҳида етмаймиз улар қадрига.
Қулоқ солмай баъзан қалбин зарбига,
Билмасдан огритиб қўямиз кўнглин.

Чой жиндек кечикса соламиз шовқун,
Унутиб қўямиз эзгу туйғуни.
Боламиз бемаҳал бузса уйқуни,
Йиглатма, деб озор берамиз ҳар тун.

Узоқда бўлсак-чи, висол дардида,
Соғинч гулхонада ёниб-куямиз.
Ёнида бўлганда ортиқ суямиз,
Шифо бўлсак деймиз нозик қалбига.

Улар-чи, сиздириб барин кўнглига,
Сира-сира ўхшамайди мунглига,



Қайтар бұлсам сенинг ёнингта,
Дарё мисол тўлқинланаман.
Малҳам бўлай дейман жонингта,
Қуёшдайин лов-лов ёнаман.

Кўзларингнинг кўрсам қорасин,
Кўнглимда ҳеч қолмайди армон.
Топгандайин дардим чорасин,
Кўксим бўлур бошингта осмон.

Кетар бұлсам сендан узоққа,
Тинган бўлур дарё тўлқини.
Кул бўлгандай чўғлар ўчоқда,
Қалбда қолмас қуёш ёлқини.

Айт-чи, ўша дарё ва қуёш
Қай чаманга олиб кетар бош?!



Қуёш зиёсида тиллолангандай,
Күзимни сеҳрлар сен кийган атлас.
Камалак сингари жилолангандай,
Қалбимда уйготар бир дунё ҳавас.

Қаршингда мот бўлиб анвои чаман,
Гўзаллик сирини излайди сендан.
Шабада атласинг ўйнатар экан,
Товусдай товланиб, ҳусн олар ундан.

Атлас киймасанг ҳам суярдим, дилбар,
Муҳаббат боғида маст этганингдан,
Кўнгли дафтаримга шеър битганингдан.

Атласни севишим билсайдинг агар,
Олдинроқ атласга ҳавас қўярдинг,
Эҳтимол, бир умр атлас киярдинг.



Мен сени ўйлайман, сен эса мени,
Севгининг муқаддас ўтида ёна.
Бедор ўтказамиз қанчалар тунни,
Гўдаклар бошида бўлиб парвона.

Ўтган кунларимиз — энди бир эртак,
Унинг ёди билан яшаймиз хуррам.
Эртани ўйласак, мисли бир куртак —
Қалбимиз богида гул ёзар кўклам.

Ўгил-қизларимиз бахти, камоли,
Кўзимиз олдида бўлур намоён.
О, ўша кунларнинг ширин хаёли,
Кўнглимизга ором бермас бу замон.

Севгимиз дарахти энди мустаҳкам,
Болаларимиз унинг илдизи, эркам!

Йўлларимга қараб толди кўзларинг,
Ҳар лаҳза йил каби туюлди сенга.
Бир жуфт юлдуз бўлиб қолди кўзларинг,
Кўкдан ишва билан термулиб менга.

Мен сени, сен мени ёдлаб кунба-кун,
Ҳижрон тунларини уладик топгга.
Висол қўшигидан маст бўлиб бутун,
Оламни тўлдирдик ишқий оҳангга.

Севги деган сирли дунё бөгида,
Чашмадай мавж уриб оқди қалбимиз.
Лола лаб очгандай умид тоғида,
Фарзандлар меҳридан сархуш бўлдик биз.

Иккимиз бўлмасак бунча бахтиёр,
Севги ҳам дод солиб, йигларди зор-зор.

Ошиқ аҳли бўлса жамул-жам
Севги йўлини узоқ, дейдилар.
Висол фасли кулган чоғда ҳам
Баъзан йўлга тузоқ, дейдилар.

Ер васлига етмаса ошиқ —
Ранги рўйи сомон, дейдилар.
Бўлмаса бахт эшиги очиқ —
Сенга боқмас замон, дейдилар.

Бу ҳикматга ишонмам, зеро,
Севги йўли яқиндир қошдай.
Энди билмас тузоқни асло,
Ошиқ бахти кулган қуёшдай.

Фақат қўшиқ топмайин поён,
Узилса гар ёмондир, ёмон!

Хаёлпараст бўлар ошиқлар асли,
Тонггача тинглашар севгидан эртак.
Гулгун очилганда муҳаббат фасли,
Оқшомлар гул терар этак ва этак.

Гулрў сочларидап мушки анбарни,
Кўзидан юлдузни излар ошиқлар.
Рухсорида кўриб тўлин қамарни,
Мажнундай, шаънига айтар қўшиқлар.

Қиз ҳам маҳбубининг сўзидан сарҳуш,
Висол осмонида этади парвоз.
Ўҳаёт дейди: «Севги бодасин эт нўш,
Фасли инқ абаддир менда, сарвиноз!»

Мангу давом этиб висол айёми,
Синмасин, ҳеч қачон муҳаббат жоми!

Узиламан дейди таибур торлари,
Ҳижрон навосини чалганинг онлар.
Тешиламан дейди уй деворлари,
Кўнглинг пора этса нола, афгонлар.

Ўзгалар кўксиди кулгандан кўра,
Гулларим қўллингди бўлай, дер хазон.
Ўзгалар қўлиди тўлгандан кўра,
Май тўла пиёланг бўлай, дер яксон.

Синиб, адо бўлай, дейди қаламинг,
«Вафо» сўзин этсам агар «бевафо».
Тил учида қолай, дейди каломинг,
Бировга ёмонлик кўрсам гар раво.

Ўзга ёр кетидан тушса изларим,
Кўр бўлиб қолайин, дейди кўзларим.

Хиёбонлар хилватгоҳин этингу кайда,
Лолазорга чиқинг энди ошиқ-маъшуқлар.
Севги фасли интизордир сизга чаманда,
Дилдан дарё бўлиб оқсин ишқий кўшиқлар.

Муҳаббатнинг достонидан ўқиб бир варақ,
Лайли-Мажнун қиссасини сўзлангиз ёра.
Сайри лола қилолмасдан ўтмишда уншоқ —
Хор бўлганин ёдга олинг, дўстлар, бир бора.

Сўнг чаманда кабутардай чарх уринг, майли
Кўнглингизда қолмасин ҳеч заррача губор.
Лолазорда қолиб кетинг сеvgи туфайли,
Сизлар билан сархуш бўлсин бу гўзал баҳор.

Эй ошиқлар, билинг, баҳор — уч ойдир фақат,
Умрингизга тенгдир аммо фасли муҳаббат!

Зилзила зарбидан қуласа бпно,
 Янги бир иморат қурмоқлик мумкин.
 Тоғ бўғиб қолсаю тўхтаса дарё,
 Уни ўз йўлига бурмоқлик мумкин.

Булоқни бөркитса харсангтош агар,
 Игнадай кўзини очасан бир кун.
 Қора илон ногоҳ сочганда заҳар,
 Давосин кимдандир топмоқлик мумкин.

Униб чиқмай қолса сепган уруги,
 Такрор экар уни жафокаш деҳқон.
 Учиб қолса агар ўчоқда чўғи,
 Бир гугурт чақилса ловулар гулхан.

Бевафолик қилса ёрнинг, мабодо,
 Давосин тонмайсан икки дунёда.

Бир нафас ёнимга ўлтир, азизим,
Муҳаббат мулкидан эртақ айтайлик.
Мажнунлар руҳини шод қилиб бир зум,
Қарбало даштига бориб қайтайлик.

Бизнинг замонда ҳам севгини қаргаб,
Кўз ёш тўкканларни айтайлик юзга:
— Қизлар йигитларни алдаса, ё раб,
Йигитлар бевафо бўлсалар қизга!

Севгининг муқаддас номи тонталиб,
Наҳотки, бўсаинг қолмаса қадри?!
Ер тутган қизил гул чангга беланиб,
Бундан ўзгаларнинг очилса баҳри!?

Бир бўса макри-ла ишқ бўлса қурбон, /
Унга аза тутиб ўтади инсон.

Ҳижрон кечасида келмаса уйқу,
Сени бедор этган менинг ёдимдир.
Қалбингга чўг солса оташин туйғу,
Ўт бўлиб кўринган менинг отимдир.

Ёмғир деразангини чертганда, гулрў,
Билгини, у ёмғирмас, кўзим ёшлари.
Чақмоқлар осмонда қилганда ёҳу,
Тоғлардан қулаган севгим тошлари.

Атиргул қошида бағри қон булбул,
Булбулмас, ҳажрингда йиғлаган кўнгли,
Ҳижрон дардларидан бўлмиш садирора.

Борлиқни титратиб янграган наво,
Навомас, бошимга ишқ солган савдо,
Назар сол, ойдни тун бўлмаени қаро!



Сен мени деб бўлдинг уйимга посбон,
Дунёни қилмадинг сайру томоша.
Фарзандлар бошида фидо айлаб жон,
Меҳрингга этмадинг ҳеч қачон ташна.

Кеча ҳам, кундуз ҳам бутун хаёлинг
Фарзандлар камоли ила бўлди банд.
Ширин кулгусидан кўрдинг иқболинг,
Қалбинг бўлди улар қалбига пайванд.

Фарзандларим каби шеъримни мудом,
Оташин меҳринг-ла этдинг парвариш.
Ишқ дарсини сендан ўргандим тамом,
Садоқат париси бўлдинг, париваши!

Сенсиз бир кунимни қилмам тасаввур,
Сен билан ҳаётда масрурман, масрур!

Қўргошин сингари қотмаган ҳали
Биринчи бўсанинг изи лабингда.
Сен зебо айлаб севги висоли,
Қуёшга айланар қайноқ қалбингда.

Ҳижрон сувларига ювсанг ҳам ўчмас,
Лаҳча чўғ сингари ёнар бир умр.
Дудогинг баргидан қувсанг ҳам ўчмас,
Вафо куёшидан мангу эмар нур.

Енса ҳам лабингни куйдирмас, эркам,
Бегона дил қушин қўндирмас, эркам,
Ишқингга табаррук соқчидир мендан.

Ҳаётим богига куз тушса агар,
Кўксингга бош қўйиб энг сўнгги сафар,
Сўнгги бўсани ҳам олардим сендан.



Қўй, азизим, бўлма овора —
Сўраб менинг туғилган куним.
Қутлаш учун излама чора,
Туғилганим — бахтингдир сенинг.

Онам дейди, наврўз фаслида
Сени кўрдим гулшанлар аро.
Отам дейди, ўгил васлида
Сени кўрдим гулханлар аро.

Шу сабабми, гулшан ва гулхан
Йўргаклабди мени ўзида.
Кўчганмишу қалбимга гулшан,
Гулхан акси бормиш кўзимда.

Майли, гулшан яшнаб, қучсин шаън,
Лек, бемаврид ёнмасин гулхан.



Висол билан ҳижрон қалбимда
Кеча-кундуз олиб борди жанг.
Ҳижрон учраб висол қаҳрига
Бир умрга ҳоли бўлди танг.

Висол зийнат бериб қасримга,
Ҳижрон кўнглини этиб қўйди санг.
Оташ бўлиб кириб бағримга
Яқосига унинг солди чанг.

Уввос солиб қичқирди ҳижрон
Ва ушлади висол қиличини
Келтиргали севгимга қирон.

Висол эса олгали ўчини
Юрагимда қўзғаб зўр бўрон,
Ҳижрон кўшкни этди чилпарчин!



Андижонда битта уй бор,
Менга азиз ва қадрдон.
Дарвозасин олди гулзор,
Саҳни гилос, олмага қон.

Узум билан ўрик, анор
Айвон олдин этган жонон.
Уй четидан оқар анҳор,
Мирзатерак унга посбон.

Ҳовли саҳни мисли жаннат,
Унда кўнглим қилар роҳат,
Армонларим йўқдир маним.

Ушал уйда илк муҳаббат
Умримга бахш этди зийнат,
Сен туғилган унда, жоним!



Кўнглим сезар: янги йилимиз
Холи бўлгай ғам-андуҳлардан,
Шодлик балқиб тургай руҳлардан.
Ки, кадарни унутармиз биз.

Қутлуғ келар янги йилимиз:
Эригандай қорлар кўҳлардан,
Кўнгил яшнар завқ, шукуҳлардан,
Ҳавас билан боқар элимиз.

Гусса тўла дашном жомини,
Синдир, жоним, ўз қўлинг билан.
Менга тутгил илҳом жомини.

Утсин умр фаслимиз шўх-шан,
Ол қўлингга икром жомини,
Қутлай сени янги йил билан!



Сен ҳамон билмайсан севишим чиндан,
Ё билиб, шунчаки этурсан гумон,
Шубҳалар ўтида ёниб беомон,
Бўлар-бўлмасга ҳам ранжийсан мекдан.

Рашк шамширини, жоним, сугурма қиндан,
Сайёддек кўкемни олмагин нишон,
Ўқлашиб қолмасни милтиғи ҳижрон,
Севгимиз мурувват кутади сендан.

Кўзим қаросидек азиз севгимиз
Балодан сақлашга бўлурман посбон,
Ўзгалар учун у — кўл етмас юлдуз.

Сен билан кечади умрим беармон,
Рашк қилсанг яйрайман, эй умри азиз,
Ўтинчим, севгимга қилмагин гумон.

Мен баъзан етмайман сенинг қадрингга,
Ноўрин сўзимдан оғрийди кўнглинг.
Сўнг эса, пушаймон қиламан минг-минг,
Азобим — ўт бўлиб, етмас қалбингга.

Қалб қушим қўнолмай кўнгил қасрингга,
Парвона бўламан, кўзларимда мунг.
Илтижо қиламан, сўзларимда мунг,
Бошимни қўёлмай ўтли бағрингга.

Оташли дардингга бўлсин деб шифо
Қалбимдан энг латиф сўзни излайман,
Сен эса қайрилиб боқмайсан ҳатто.

Васлингга зор бўлиб бағрим тузлайман,
Юзингда табассум кўрмагунча то
Ўзимни сен дея сени сизлайман.



Сен мени этсайдинг жондан парвариш,
Ишқингда парвона янглиг қуярдим.
Мажнуи не, ундан ҳам ортиқ суярдим,
Енгардим, бошимга тушса мушкул иш.

Шаънингга бир умр ўқирдим олқиш,
Севгинг чашмасидан қониб, тўярдим.
Исмнингни шеър билан тошга ўярдим,
Лутфий ёшида ҳам билмасдим қариш.

Ҳаётдан маст бўлиб куйлаб ўтардим,
Армонсиз қалбимга солиб қуёшни,
Шодлигим гул қилиб элга тутардим.

Ҳавасни келтириб кексаю ёшни,
Сени деб, сен билан ўтиб кетардим,
Ғанимлар қошида эгмасдан бошни!

Дўстгинам, койица, кўнглингни кенг қил,
Қалбинг осмонида сузмасин булут.
Заррадай севинчни қўёш дея бил,
Шубҳа хонасига ўзинг қўйгил ўт.

Сен ёниб куйсанг ҳам ўзгага надир,
Бепарво ўтарлар, куларлар зимдан.
Дунёнинг ташвиши етарли эрур,
Бу олам иборат сирли тилемдан.

Ҳеч ким бўлолмайди дунёга устун,
Биздай ўткинчидир барча одамлар.
Бир куни ғам чекса, бир куни мамнун,
Гоҳ шаҳдам, гоҳ сокин олга қадамлар.

Дўстгинам, олисдир, биз борар манзил,
Йўлда ҳориб қолма, менга мадад бўл!

Ичганим шаробмас — кўз ёшинг сенинг,
Қадаҳга томмиш ул мужгонларингдан.
Бағрига ўт олиб фиғонларингдан
Ичимни ёндирган оташинг сенинг.

Ичганим шаробмас — кўз ёшинг сенинг,
Кўнглим фарёд қилар армонларингдан.
Танимда жон йиғлар дашномларингдан,
Кўксимни қон этмиш гам тошинг сенинг.

Бу на кўз ёшлардир, на фиғонлардир
Ва на армонлардир, на-да дашномлар,
Бу — сенинг қалбингдан тўкилган қонлар.

Бу — заҳар, бу — қайғу лиммо-лим жомлар,
Ёзилмай қолган бу шеър дostonлар,
Бу — умр даштида вайрон эҳромлар!

Фаввора, бир лаҳза руҳимни яйрат,
Кўнглимдан тарқалсин туманли хаёл,
Ёришг ноз-фироғи келмасин малол,
Маҳзун кўриб мени, босмасин ҳайрат,

Юлдузлар юзидан булутни тарқат,
Қаҳқашон йўлини кўрайин хушҳол,
Ҳилол ёғдусидан олиб бир мисқол,
Мен учун ойдин бир гўшани ярат.

Қаро тун қўйнида оқ алангадай,
Солмоқчи бўласан самога чапгал,
Мен эса боқаман бир кўланкадай.

Шов-шувинг этади борлигим ишғол,
Зилолинг сочилур кумуш тангадай,
Тонг билан ёр васли кўреатур жамол.



Яна қаро кўзларингда отап ва ҳижрон,
Яна келдинг боғлар аро мени сўроқлаб.
Гул қошида бол арилар қуришиб гужғон,
Яна келдинг бинафшани кўксингга боғлаб.

Тўққиз ойдир, йўлларингга боқдим интизор,
Қалам билан суҳбат қурдим васф айлаб сени.
Васли умид гулшанида битилган ашъор —
Елворарди ҳижрон ичра қўйма деб мени.

Бугун ўша куз фаслида битган шеъримга,
Яна сени келди дея берурман хабар.
Деҳқон уруғ сочган янглиғ она ерига,
Васфинг билан безанажак янги бир дафтар.

Яна сўлим баҳор келди, азиз инсонлар,
Яна дилдан тўкилмоқда шеъру дostonлар.

Чинорлар шохида ўйнайди шамол,
 Оҳудек рақс этар булоқларида,
 Ноз билан тўлганар қучоқларида,
 Ишқ торини чертиб куйлайди шамол.

Чинорга шодлигин сўйлайди шамол,
 Олтин зирак балқир қулоқларида,
 Ургутнинг кўзгудек булоқларида,
 Висолдан маст бўлиб, қувнайди шамол.

Сайр этиб кумуш сой қирғоқларида,
 Чўққига чиқмоқни ўйлайди шамол,
 Лолазор оралаб Ғўс тоғларида.

Дарди кўп ошиқдек тинмайди шамол,
 Бир даста гул олиб қучоқларида,
 Баҳорни олқиншлаб куйлайди шамол.

Ҳамма уйда ёнади чироқ,
Кулиб боқар минг бир дераза.
Чироқ ўчган бир уйда бироқ,
Парвоналар тутади аза.

Болиш узра дафтар ва қалам,
Қора тундай бағри қорадур.
Хат бошига битилган калом,
Қиз қалбидай пора-порадур.

Ҳамма уни «севаман» деди,
Қиз ҳеч кимни қилмади писанд.
Севги ёши ўтди-ю энди,
Қилмишидан ўзи еди панд.

Ҳамма қалбда ёнади чироқ,
Чироқ ўчган бир қалбда, бироқ...

Етоғингга қайтасан сархуш,
Унутгандай дунёни тамом.
Ҳеч ким сени кутиб олмас хуш,
Сен ҳам зормас унга бу оқшом.

Гулдай яшнаб бир санам кўнгли,
Ишқи сени этмаган тутқун.
Шундай экан, қалбингдан мунгли
Садо келур қулоққа нечун?

Сигаранинг тутуни ичра
Кўзларингда чақнайди оташ.
Лекин қалбинг бўлгандай яра,
Азобларга беролмас бардош.

Етоғингда бир ўзинг, ёлғиз,
Тонг отишин кутасан ҳаргиз.

Майдинга, бу кеча тўйиб йиглаб ол,
Йиғи ҳам аритар кўнгилдан дардни.
Шодон кунларингга бир дам назар сол,
Ёдингдан чиқаргил ўшал помардни.

Ҳеч кимни йўлатма зинҳор олдингга,
Кўз ёшинг ҳўл қилсин бу кеч болишни.
Дўстларинг кулса ҳам майли ҳолингга,
Бу кеч афзал кўргил ёлғиз қолишни.

Альбоминг варақлаб, афсус, надомат
Дарсини тинглаб ол бу кеча, санам.
Тонг отгунча йигла, йиғи ҳам роҳат —
Бахш этади қалбга, янглишса одам.

Оппоқ тонг отганда, сен кутган қуёш —
Кўрмасин, азизим, кўзларингда ёш.



Бемаҳал узилди дуторнинг тори,
Жудолик мунгидан битмиш бардоши.
Гўёки тоғларни титратиб зори
Дарёнинг тошларга урилди боши.

Сукут ичра қолди йигит бечора,
Мунгдан пора бўлди яримта кўнгил.
Дутор торларини уласа зора,
Қайгу ғамларини баҳам кўрса ул.

Фожий побуд бўлмиш гулдай келинчак —
Севги чирогини кетди ўчириб.
Қирқ кундир қалбидан қон оқар лак-лак,
Ҳаёт маст, унга ўз заҳрин ичириб.

Йигитнинг юзлари зард бўлиб қолди,
Қалбида — сеvgи бир дард бўлиб қолди.

САМАРҚАНД

(Гулчамбар)

*Зарафшон қўйнида фусункор шаҳар
Товланиб ётибди гулбоғлар аро.
Бошидан одамзод тўкиб сийму зар,
Гулдай чиройига бермоқда оро.*





Зарафшон қўйнида фусункор шаҳар
Товланиб ётибди гулбоғлар аро.
Бошидан одамзод тўкиб сийму зар,
Гулдай чиройнга бермоқда оро.

Куёвдай ясапмиш қадим Регистон,
Кўча, хиёбонлар тўй либосида.
Қўшиқдан жаранглар ложувард осмон,
Тўй севинчи порлар эл нигоҳида.

Минорлар бошида карнаю сурнай,
Шаҳар бўйлаб кезар отлиқ жарчилар.
Инқилоб майдони мавж урар тинмай,
Қутлуг тўйга келар гарбу шарқлилар.

Бугун меҳмонларнинг йўлига муштоқ,
Менинг киндик қоним тўкилган тучроқ.

Менинг киндик қоям тўкилган тупроқ,
 Субҳидам уйқудан уйғонар сармаст.
 Минг йиллар қўйнида иқболга чанқоқ,
 Утмиши ҳам менинг жонимга пайваст.

Қутлуғ солиномани варақлаб бугун,
 Кечмишин сўйлайди Самарқанд бобо.
 Қўлини кўксига қўйганча беун,
 Унга қулоқ тутар пурзиё дунё.

Асрлар боғида урамап жавлон,
 Ифтихор қуёпи ёнар қалбимда.
 Бошидан не савдо кечган Регистон,
 Бундай ҳол кўрмаган қадим замнида.

Бугун буюк меъмор бу тўйда сарвар,
 У менга азиздир, ширин жон қадар.

III

У менга азиздир, ширин жон қадар,
Муқаддас тупроғи пок ва мусаффо.
Бошида ганимлар тутса ҳам ханжар,
Тиз чўкиб, кўз ёшни тўкмаган асло.

Тупроққа жон бериб, нақш ўйиб тошга,
Нафосат мулкида сургандир даврон.
Моҳтоб юзларини тутиб қуёшга,
Юлдузлар илмига бўлган суҳандон.

Қадимий мадраса, минорларида
Камалак ранглари жилоланади.
Кўкка бош тираган чинорларида
Қуёшнинг зиёси тиллоланади.

Мен шаҳрим бошида бўлиб бир чироқ,
Ҳуснига боқурман бир умр уйғоқ.

IV

Ҳуснига боқурман бир умр уйгоқ,
Саодат қўшигин куйлаб беармон.
Ҳаёт шаробини сипқориб қувноқ,
Эл аро этгайман довругин дoston.

Кимё тупроғида ҳадсиз хазина,
Сувида — минг йиллик дардинг давоси.
Ҳар бир тоши эрур ажиб ганжинна,
Жонга шифо эрур тоза ҳавоси.

Дилрабо боғлари — висол маскани,
Ошиқлар бахтига чанг солмас ҳижрон
Пок қалб-ла ким келса сайр этгани,
Огушига чорлар сўлим хиёбон.

Мен унга шеър битиб оқшому саҳар,
Сухан уммонидан излайман гавҳар.

Сухан уммонидан излайман гавҳар,
 Ғаввосдек сузаман тўлқинлар аро.
 Ҳар сўзга жонимни этаман сарвар,
 Ҳикмат оламида бўлиб овора.

Сарҳадсиз тилсимда сузганда гоҳо,
 Унутиб қўяман гўё оламни.
 Сеҳрли дунёда юрганда танҳо,
 Тилга киргизаман эзгу қаламни.

Қалам кўнгил дардини қилгали ошкор,
 Минорлар рангидан жило излайди.
 Оқ қоғоз бетини қоралаб бедор,
 Тонггача бўзтўргай янглиғ бўзлайди.

Ғаввосдек дур излаб, сураман хаёл,
 Регистон қошида осуда ва лол.

VI

Регистон қошида осуда ва лол,
Асрий обидага боқаман танҳо.
Руҳимга ҳокимдир таажжуб бир ҳол,
Суқунат сеҳрига чўмгандай дунё.

Бир нидо урилар қалбимга ногоҳ,
Хаёл қуши бирдан учар бошимдан.
Аждодлар дардидап қилгандек огоҳ,
Учқун чақнаб кетар минор тошидан.

Бу учқун — меъморлар қалбин ёлқини,
Менинг дилимдаги нури муқаддас!
Қорачигдай асраб аждодлар уни,
Менинг авлодимга қолдирган мерос.

Аждодлар умридан бўлиб бир ёдгор,
Минорлар самога термулар бедор.

VII

Минорлар самога термулар бедор,
Улуғбек юлдузин тутиб кафтида.
Гўё Она-ерга бўлгандек меҳвар,
Қўёшни кўтариб турар кифтида

«Зичи Кўрагоний» тузган мунажжим,
Оламга дарс берар фалакиётдан.
Кўҳак расадига қўл чўзиб, балким,
Воқиф этар сизин янги ҳаётдан.

Тўққиз осмон сирин қилгани ошкор,
Нақшн жаҳон¹ унга жилмаяр мамнун.
Қошида чарх уриб не-не фазокор,
Антиқа санъатнинг сеҳрига мафтун.

Наслимга Улуғбек боқади хушҳол,
Муборак бошини ўпгандай иқбол.

¹ Улуғбек расадхонасини шундай деб атар эдилар.

VIII

Муборак бошини ўпгандай иқбол,
Шоирлар учрашди бугун шаҳримда.
Икки улуг зотни қутлар истиқбол,
Висол оташини ёқиб бағримда.

Хиёбон саҳнида қуриб анжуман,
Устодлар девонин варақлашар шод.
Шоирлар пойнда яшнатиб чаман,
Таъзим этар бугун навқирон авлод.

Теран кўзларида барқ уриб сурур,
Жомий ва Навоий боқар наслимга.
Беш аср довонин забт этиб мағрур,
Меҳмон бўлиб келмиш менинг асримга.

Сухан шоҳларига дейди: «Марҳабо!» —
Инқилоб қўёшин порлатган дунё.

IX

Инқилоб қуёшин порлатган дунё,
Муқаддас ёгдусин сочар бошимдан.
Ленинчи авлодим бўлиб бир дарё,
Ҳайқириб оқади менинг қошимдан.

Самарқанд ёшлиги янглиғ бу насл,
«Ҳайт!» деса юлдузни қўндирар ерга.
Кафтида тургандай исёнкор аср,
Мангу парвонадир ҳаётбахш нурга.

Коммунизм деган муқаддас замон,
Наслим қалбидаги олий бир туйғу.
Шу қутлуғ замонда сургали даврон
Нурли уфқларга ошиқади у.

Авлодим юзида аке этиб офтоб,
Самарқанд бобога узатар шароб.

X

Самарқанд бобога узатар шароб,
Табаррук ёшини қутлаб Ватаним.
Муборак қомусин айлаб саркитоб,
Унга таъзим этар Ўзбекистоним.

Нигоҳида қутлуг бахтнинг муждаси,
Юрагнда ғамдан зарра йўқ асар.
Гул ёзиб, асрлик умид ғунчаси,
Бошига кийгизар хушбўй гулчамбар.

Бог аро янграйди қўшиқ ва наво,
Самони чулғайди: «Тўйлар муборак!»
Шодлик уммонида мавжланар дунё,
Қўшиқ қанотида сайр этар юрак.

Қўшиққа ҳамоҳанг бўлиб шу асно,
Қалбимда мавж урар жўшқин бир дарё.

XI

Қалбимда мавж урар жўшқин бир дарё,
Ҳаётим боғига бахш этиб баҳор.
Дунё юзин кўриб қайтадан гўё,
Менга роз айтади наққошу меъмор.

Ҳар гишадан бир юрак беради нидо,
Мунгли садо янграр гўё ҳар тошдан.
Жаҳонни ҳайратга солган обида
Бино бўлган янглиғ қон ва кўз ёшдан.

Акс садо айлайди қалбимни пора,
Руҳимга маъюслик бўлади ҳоким.
Меъморлар дардига тополмай чора,
Нақшу нигорларга термуламан жим.

Акс садо тинади, имлайди офтоб:
Янги замон учун ич, деб майи ноб.

XII

Янги замон учун пч, деб майи ноб,
Менга қадаҳ тутар ургутлик боғбон.
Жонон иёлада жимирлар шароб,
Шаробми, ё сенинг меҳринг, эй деҳқон!

Зарафшон тоғидек уйиб чўнг хирмон,
Тўйга ҳадя қилди бугун пахтакор.
Нонвойлар ёпишди пўлоти ширмон,
Янги наво билан келди бастакор.

Дош қозонда бугун бир қўйни димлаб,
Яхна гўштга чорлар моҳир пазанда.
Соқий келтиради шаробни хумлаб,
Ноз-неъмат товланар гулдор лаганда.

Кўнглимда заррача гамдан йўқ асар,
Самарқанд тўйидан шодман нақадар!

XIII

Самарқанд тўйидан шодман нақадар,
Қошимдаги ота менам ҳам шоддир.
Бугун боғлаб ўглини белига камар,
Йигит бўлдинг, дея кўнгли ободдир.

Йигитликка — ҳарбий хизмат имтиҳон,
Бугун ота ўгли — синов олдида.
Унга «оқ йўл» тилар кекса Регистон,
Бугун қуёш ёнар йигит қалбида.

Бир даста гул тутиб тўй кунин ота,
Хизматга жўнатар тўнғич фарзандин.
Она тупроғидан бир қисим ола,
Чўнтагига солиб кўяр дилбандин.

Бугун йигит кўнгли ўсди тоғ қадар,
Шаҳримга кийдирай мен ҳам гулчамбар...

XIV

Шаҳримга кийдирай мен ҳам гулчамбар,
Кўркига меъмордек бахш этиб сайқал.
Самарқанд довругин битиб мухтасар,
Сўз билан шаънига қўйдим бир ҳайкал.

Меҳмонлар бошидан сочиб жавоҳир,
Йўлларига солдим гулдан пояндоз.
Етти иқлим меҳмон бўлганда, ахир,
Ким этмас шаҳрини дилдан сарфароз!

Бугун порлар шаҳрим юзида қуёш,
Табаррук ёшини қутлар бу бўстон.
Бугун кекса дунё унга эгар бош,
Самарқанд — тошларга битилган дoston.

Сенга бағишладим яна бир асар,
Зарафшон қўйнида фусункор шаҳар!

МАГИСТРАЛ

Зарафшон кўйнида фусункор шаҳар,
Менинг киндик қоним тўкилган тупроқ.
У менга азиздир, ширин жон қадар,
Хуснига боқурман бир умр уйғоқ.

✻

Суҳан уммонидан излайман гавҳар,
Регистон қошида осуда ва лол.
Минорлар самога термулар бедор,
Муборак бошини ўпгандай иқбол.

Инқилоб қуёшин порлатган дунё,
Самарқанд бобога узатар шароб.
Қалбимда мавж урар жўшқин бир дарё,
Янги замон учун ич, деб майи ноб.

Самарқанд тўйидан шодман нақадар,
Шаҳримга кийдирай мен ҳам гулчамбар.

ОЛТИН ТҮЙ

(Гулчамбар)

*Бир улуғ диёр бор ер куррасида
Мен учун қуёшдай азиз, ягона.
Бошида бир умр бўлгум парвона,
Қалбимнинг қони бор ҳар заррасида.*





I

Бир улуг диёр бор ер куррасида
Мен учун қуёшдай азиз, ягона.
Бошида бир умр бўлгум парвона,
Қалбимнинг қони бор ҳар заррасида.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Шу икки оламдан иборат дунё.
Икки олам аро қуёшдай танҳо,
Бир диёр яқиндир қалбимга фақат.

На бирор сайёра, на бир мамлакат
Меҳри юрагимга бўлолмас ҳоким.
Кўкрагимга сизмай талпинар қалбим,
Шу диёр ҳақида сўз кетса фақат.

Шу диёр туфайли гўзал бу жаҳон,
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон.

II

Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон,
Момикдек кўксига қўйиб бошни,
Мум янглиг эритиб қайғу тошни,
Шодлик уммонида уради тугён.

Шу Диёр Инқилоб ёгдусин сочиб,
Зим-зиё дунёни қилди мунаввар.
Октябрь байроғин тутди музаффар,
Эрк деганга иқбол эшигин очиб.

Унда Ленин тузган буюк Иттифок,
Дунёни ҳайратга солди дафъатан,
Барча миллат бўлиб бир жону бир тан,
Мангуга йўқолди низо ва пифоқ.

Ишчию деҳқоннинг тор кулбасида
Бахт қуёши болқди тонг палласида.

III

Бахт қуёши болқди тонг палласида,
Ғам қушини мангу учириб бошдан.
Шу диёр мамнундир дўсту қардошдан,
Советларнинг буюк оиласидан.

Шу диёр — ҳудудсиз Ватаним маним,
Инсон бўлиб топган нову насибам.
Субҳидам битилган шеърү қасидам,
Дунёда тошилмас чаманим маним.

Шу диёр сарҳадсиз шодлик уммоним,
Толеимдек кулган ялҳом маскани.
Бахту саодатим, завқим чамани,
Дунёга кашф этган ёруғ жаҳоним.

Шу диёр қуёшдай болқдию хандон,
Ёгдусидан қалблар бўлди чарогон.

IV

Егдусидан қалблар бўлди чарогон,
Уйқудан уйғотди янги асрни,
Пўлат сафда кўриб улуг наслни,
Яшаргандай бўлди бу кекса жаҳон.

Жангу жадалларни кечириб бошдан,
Оташда пўлатдек тобланди девкор.
Қўндирмади ҳатто қалбига губор,
Нур эмиб, Ленишдай улуг қуёшдан.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Сайёралар инсон изига зордир,
Мамлакатлар ичра бир диёр бордир,
Мең учун дунёда якка-ягона.

Бир буюк нидо бор унинг сасида,
Шу диёр — олтин тўй арафасида.

Шу диёр — олтин тўй арафасида,
 Кўзни сеҳрлайди кўркам жамоли,
 Ҳар уйдан эсмоқда тўйнинг шамоли,
 Арафа қувончи ўт нафасида.

Тўйга қуруқ қўл-ла бормайди бизда,
 Тўёна элтмоқлик расми-одатдир,
 Одатга киргани зўр саодатдир,
 Шу қутлуг ашъана Ватанимизда.

Шу одатни барча этмасдан канда,
 Зарбдор жабҳалар жанги аро банд,
 Тогни талқон қилар Фарҳодга монанд,
 Қадоқ қўлларини ишга урганда.

Тўёна ишқи-ла яшар ҳар одам,
 Шодлигига бугун тор келур олам.

Шодлигига бугун тор келур олам,
Саодат мулкида сурса ҳам даврон.
Улуғ рус халқидай тоғиб бир сарбон,
Нурли уфқларга қўймоқда қадам.

Буюк Иттифоқдош республикалар
Ғайрат камарини боғлаган тўйга.
Бугун меҳмон кутар ҳашамдор уйда,
Қон-қардош ва сафдош ака-укалар.

Тонг билан қуёшдай келган меҳмонни
Мезбонлар эъозлаб нону туз билан,
Уйини кўрсатиб ёруғ юз билан,
Бошига кўтарар азиз инсонни.

Дўстлик улкан бўлса, қалбда нашида,
Қардошлик шаънига ўқир қасида.

VII

Қардошлик шаънига ўқир қасида,
Арафа чогида дўстни йўқлаб,
Бир сўз ила унинг кўнглини хушлаб,
Роз айтар умрининг васиқасига.

Шу дўстлик нуридан уйлар мунаввар,
Бошимиз кўкдаю кўкрагимиз тоғ,
Кўнгиллар ободу димоғимиз чоғ,
Ҳар лаҳза бахш этар улкан бир зафар.

Зафарлар тошқини мисли бир тўлқин
Улуг пойтахт сари оқар дарёдай.
Кўзни қамаштириб олтин зиёдай,
Миллионлаб қалбларни сеҳрлар бугун.

Ғалаба нашъасин сурмоқда бу дам
Дунёни лол қилган инсонни аъзам.

VIII

Дунёни лоя қилган инсонни аъзам
Ақлу идрокига олам берди тан,
Мазлумлар ҳолини сўраб дафъатан,
Дардию гамини кўролди баҳам.

Адолат байрогини кўтариб баланд,
Эркинарвар юртларга сарбон бўлди у,
Жаҳон тинчлигига посбон бўлди у,
Қалбларни қалбига этолди пайванд.

Арафа чогида унинг дўстлари,
Ўз она юртида қуриб анжуман,
Шу диёр ҳуснига бўлиб орзуманд,
Дунё бўйлаб янграр олқиш сўзлари.

Дўстлик билан эрур умри зиёда,
Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда.

IX

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,
Ой каби тапҳомас, юлдуздай кўпдир,
Октябрь қасрига безакдир, зебдир,
Номлари порлайди олтин лавҳада.

Дўстлар қувончининг чеки йўқ асло
Ва лекин душманлар ҳоли эрур танг,
Шу диёр кўксига солай дея чанг,
Қафасдай кўринар кўзига дунё.

Тўйдан дўст қувонар, куйинар душман.
Бу ҳикмат аёндир қадимдан бизга.
Бахт кулиб боққанда заминдан бизга,
Дўстлик боғин яна этурмиз гулшан.

Ев кўксига тигдай ботиб ҳар сўзи,
Қуёшдай ярқирар толе юлдузи.

Х

Қуёшдай ярқирар толе юлдузи
Сирли сайёралар туркуми ичра.
Саодат ёғдусини тўлқини ичра,
Сеҳрдан қамашар одамзод кўзи.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Бир инсон сингари порлар ҳар юлдуз,
Заминдан бахт излаб кечаю кундуз
Не жонлар эл аро чекар азият.

Кўк ичра қурса ҳам қуёш салтанат
Мазлумлар дардига топмади чора.
Ҳатто киролмади жонига ора
Ўзлари тугилиб ўсган мамлакат.

Ва лекин топажак бахтин дунёда,
Ленин кўз нуридек азиз зиёда.

XI

Ленин кўз нуридек азиз зиёда
Товланиб, боладек жилмаяр олам.
Олам ҳам одамсиз яшолмас бир дам,
Одам билан ахир олам зебо-да!

Бор нарса муаллақ самода балки,
Янги сайёрадай пайдо бўлмагай,
Янги юлдузлар ҳам порлаб кулмагай,
Лекин шунга менинг қалбим аминки,

Қуёш атрофида айлангандек ер
Озод мамлакатлар келиб дунёга,
Одамлар парвона бўлиб зиёга,
Инқилоб қуёшин менинг бахтим дер.

Шу олам қўйнида бўлиб қирмизи,
Тоғдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

XII

Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи,
Олам ранг олмоқда Қизил байроқдан,
Олам нур олмоқда Москва ёқдан,
Пешонасин ўпиб иқбол юлдузи.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Юлдуздек бесаноқ заминда инсон.
Шунчалик инсонлар ичра бегумон
Бир инсон буюкдир бу жаҳон аро.

Олтин тўй кунда — Қизил Майдонда,
Москвада барча дўстлар бўлар жам.
Сафларини этиб яна мустаҳкам,
Мамнун таъзим этар ўша Инсонга.

Қалбларда жўш уриб ўтли қасида,
Ленин сўзи янграр дўстлар сасида.

XIII

Ленин сўзи янграр дўстлар сасида,
Ватан бўйлаб янграр бу буюк нидо,
Жаҳон бўйлаб янграр бу буюк нидо,
Олтин тўйнинг ҳар бир дақиқасида.

Қон-қардош дўстларни кўриб ёнма-ён
Нуроний юзида аке этиб офтоб,
Қалбидан отилиб оташин хитоб,
Тўй билан қутлайди Ленин шодумон.

Олтин тўйга бўлиб ўзи тўйбоши,
Қардош дўстлар бошин силайди Ленин,
Бизга бахту иқбол тилайди Ленин,
Мангу болқигандек умид қуёши.

Бу қуёш чулганар эрк шуъласига
Дунё боғин барча минтақасида.

XIV

Дунё боғини барча минтақасида
Ҳаётнинг мангуга бўлиб йўлдоши,
Қалбларни ёритиб Ленин қуёши
Порлайди замонлар силсиласида.

Бу қуёш зиёси тушмаган уй кам,
Ёгдусидан баҳра олмаган қалб йўқ,
Нурга орзуманд бўлмаган али йўқ,
Бу нурга маҳлиё ҳаттоки олам.

Бу қуёш сўнмагай токи бор жаҳон,
Дўстлик рамзи бўлиб порлайди мангу,
Бизни Коммунага чорлайди мангу,
• Қуёшдай жилмайиб энг улуг Инсон.

Туташдай, унинг қалб аортасига
Бир улуг дилёр бор ер куррасида.

МАГИСТРАЛ

Бир улуг диёр бор ер куррасида,
Юлдуз мисол порлар унда ҳар инсон.
Бахт қуёши болқди тонг палласида,
Ёгдусидан қалблар бўлди чароғон.

Шу диёр — олтин тўй арафасида,
Шодлигига бугун тор келур олам.
Қардошлик шаънига ўқир қасида,
Дунёни лол қилган инсонни аъзам.

Бугун дўсти кўндир унинг дунёда,
Қуёшдай ярқирар толе юлдузи.
Ленин кўз нуридек азиз зиёда,
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Ҳақиқатли сўзи янграб дўстлар сасида,
Дунё бегин барча минтақасида.

САМАРҶАНД УШШОҒИ

Достон

*Азалдан шоирлар куйлаб ҳижронни,
Бизга қолдирдилар васли имконни.*





МУҚАДДИМА

Регистоннинг қошида бир уй,
Унда яшар ёш бир қаламқаш.
Қарашлари сермаъно, хушрўй,
Файласуфдай ўйчан, хаёлқаш.

Дилбари ҳам ҳусида танҳо,
Бир-бирига жуда муносиб.
Ҳижрон нима билмаган асло,
Замон кўрган висолни насиб.

Кириб севги деган дунёга,
Ишқига гов бўлмаган ҳеч ким.
Соф муҳаббат етиб вояга,
Шеърларида висолдир ҳоким.

Шул сабабдан ҳижронсиз юрак
Висол куйин айтмоғи керак.

Келганида боғларга баҳор,
Очилганда тоғларда лола,
Қушлар нағма қилганда бедор,
Урилганда тошга шалола,

Табиатнинг гўзаллигига
Тополмасдан бўёқ ва калом
Гўзаликнинг азаллигига
Биринчи бор бергандай салом.

Сиеб бўйлаб кезарди яккаш,
Сиеб янглиғ жўшқин бир юрак.
Дарё билан ўйлари уйқаш,
Тўлқинлардан тингларди эртак.

Қайлардадир янграрди муза —
Сувдай тоза, сувдай покиза.



Уша муза ишқи билан маст,
Гули наврӯз мунис шайдоси.
Еш кўнглига ишқ бўлиб пайваст,
Хаёлида дутор навоси.

Уша муза — қизнинг хониши.
Бу хонишда севги ҳам вафо.
Ер васлида қалбнинг ёниши,
Бу ёнишда ким бўлмас адо.

Дутор чалмиш бир пари рухсор
Ишқ савдоси тушиб бошига.
Бир сония кўрмакка дийдор
Боролмасмиш йнгит қошига.

Юракдаги дардини нуқул,
Дуторига изҳор этмиш ул.

Ҳой, Бахтиёр, ҳой, барно йигит,
Нечун жимсан, нечун хаёлкаш?
Нечун бунча сақлайсан сукут,
Нелар қилмиш хаёлингни гаш?

Бошгинангни кўтар бир нафас,
Бадбин ўйлар қул этмасин, қўй.
Дунё бўлмас севгинга қафас,
Сен ҳам уни ошиқларча суй.

Боғ кўчада қиз чертса дутор,
Нечун бунда чекасан фигон?
Куй-ла ниқин у этса изҳор,
Нечун тушмиш қалбинга тугён?

Яхшиликни кўрмасдан раво,
Еш бошинга ким солди савдо?

Бог кўчада куйлайди дутор,
Шўх ва қувноқ, ҳазин ҳам мунгли.
Наҳот шунча тилга киреа тор,
Эзилади одамнинг кўнгли.

Ошиқларнинг дардин елкалаб,
Узилмапти унинг торлари.
Сарвинозлар бугун эркалаб,
Кўкси узра тутиб чаларми!

Шан наволар куйлаган дутор,
Титранадн барғи хазондай.
Сарвқомат кимга бўлмиш зор,
Кимни кутмиш субҳи азондан.

Куй мавжида оқиб барг мисол,
Кимни ёдлар соҳиби жамол?

Ҳар юракнинг ўз шоири бор,
Ҳар шоирнинг бордир мухлиси.
Менга ёқса бир шоир агар,
Сенга ёқмас унинг «мажлиси».

Минбар узра шогирд ва устод,
Чақмоқ янглиг чақнар шоирлар.
Ларза солиб юракларга бот
Руҳинг ичра қуюлар шеърлар.

Самарқанднинг осмони узра
Сочилади назм юлдузи.
Қарсақлардан уради долга —
Шеър завқидан одам денгизи.

Михлангандай минбарга кўзлар,
Ҳар ким ҳам ўз шоирин излар.



Ана, чиқди жўшқин қаламқаш,
Улуғларни кўрган минбарга.
Юрагида балқиб бир қуёш,
Меҳр билан боқди мингларга.

Гулга кирган ниҳол мисоли
Қадди-басти хушбичим, кўркам.
Бошдан учиб қизлар хаёли,
Қалбларида яшнарди кўклам.

Қош остидан ул қаро кўзлар
Ҳаё билан боқарди маъсуд.
Кўк саҳнидан хумор юлдузлар
Кузатарди уларни ёхуд.

Одамларга бергали борин,
Варақлади шоир дафтарин.

«Она юртим, заҳматкаш юртим,
Не савдолар кечди бошингдан.
Аму, Сирни сен бунёд этдинг —
Кўздан оққан аччиқ ёшингдан.

Икки дарё қиргогида сен
Йўловчидай бўлдинг сувга зор.
Ердан олис яшагандай кун,
Бахтли кунга бўлдинг интизор.

Дастурхонда турган нонингни
Тортиб олмоқ бўлди не-не ёв.
Муқаннадай мард ўғлонингни
Бошда тутдинг бамисли ялов.

Фақат Ленин силаб бошингни
Кўзларингдан артди ёшингни».



«Халқим, сенга бахшида қалбим,
Сенсиз ҳаёт менга мангу ёт.
Мен сени деб, қаламни олдим,
Сенга шараф, сенга садоқат!

Сен борсанки, кўкрагим баланд,
Ғаминликни билмас бу созим.
Сени айлаб қуёшга монанд,
Қўшиқ бўлиб янграр овозим.

Бино бўлиб бу олтин қуёш,
Аямаган нурын ҳеч кимдан.
Она ерга мудом эгиб бош
Кузатади оламни зимдан.

Қуёш каби борингни сен ҳам,
Ҳамма билан кўрасан баҳам».



«Севгини ҳам сен бериб, халқим,
Жудо этдинг мени оромдан.
Менда севги бўлмаса, балким
Сенсиз ўтар эдим оламдан.

Севги олиб ҳаловатимни,
Мажнун билан қилди юзма-юз.
Унутсам ҳам фароғатимни
Билмам шайдо қайси қора кўз.

Хаёлимда бир моҳи рухсор,
Ғойибона хат берган санам.
Неча кундир айлайди хумор,
Танитмайди ўзлигини ҳам.

Балки бундан ул қилиб роҳат,
Мени қўйди азобга фақат».



Ҳамма ўйчан тутарди қулоқ,
Соқини кўлдай қалблар эди жим.
Чирт узилиб тушса бир япроқ,
Чивин учса сезарди ҳар ким.

Бу кечада ёшу қарига
Уктам эди суҳан лашқари.
Обдан етиб шеърнинг қадрига,
Ўлтирарди бунда бир пари.

Чехрасида табассум хандон,
Гоҳ эзилар қалби анордай.
Қарсағидан кўчади осмон,
Юрагида бир гани бордай.

Дилбар шеърдан ошифта кўнгил,
Бахтиёрга гул тутади, гул!.

Гулни олиб навқирон шоир,
Тилдан учар ширин каломи:
«Гул фаслига бўлибманки ёр,
Қалбда яшар унинг илҳоми.

Гулирастдир халқим азалдан,
Кўнгли нозик гулдан шул сабаб.
Фарқ қилмасам мумни асалдан,
Қўймам гулни кўксимга қадаб.

Етолмасдай гулнинг васлига,
Зор-зор йиғлаб ўтганлар бордир.
Қалбин кўмиб гулнинг фаслига
Қўшиқ бўлиб кетганлар бордир.

Гул шайдоси, ҳой, мунис синглим,
Гулдай нозик бўлмасин кўнглинг»,

«Сени илк бор кўрган кунимдан
Йўқолганди дилдан фароғат.
Кечган эдим ширин тунимдан
Уйғонганди сенга садоқат.

Қандай қилиб, кўнгил розини
Айтолмасдан эдим азобда.
Чертар эдим севги созини,
Сайрагандек булбул азондан.

Дарё сари шошган ирмоқдай,
Етоғингга тушарди йўлим.
Қалбим титраб кузги япроқдай,
Деразангда қоларди дилим.

Мушоира куйлари ёлғиз,
Тўяр эди васлингга бу кўз».



Ёш қалбида неки дарди бор,
Ошкор этди Баҳорга барин:
«Агар этсанг мени ихтиёр,
Сени қийнар кўнгил дардларим.

Дардларимга беролсанг бардош,
Бўлса сенда тоғ қадар сабр.
Бир ёстиққа қўймоқ бўлсанг бош,
Ёш жонимга этмасанг жабр.

Баҳам кўрсанг дунё ташвишин,
Севги фақат демасанг висол.
Енгил қилиб бир одам ишин,
Оқибатда топсанг ҳам завол,

Ўкинмасанг ҳаётдан агар
Бу ёш кўнглим сени дер, Баҳор».

«Қайдан бўлди бу кўнгил шайдо,
Қайдан сенга дуч келиб қолдим,
Бўлиб доим қаршимда пайдо,
Қўлларингга оласан қалбим.

Учратмасам сени, Бахтиёр,
Ишқ маъносин қайдан билардим.
Этмасайдим сени ихтиёр,
Хандон отиб қайдан кулардим.

Ихтиёрим олиб ўзингга,
Ҳаловатдан айладиғ жудо.
Солиб қўйиб тамом измингга,
Фароғатни кўрмайсан раво.

Қалбга кўзлар бўлса таржимон,
Нечун бунча қийналади жон?»

«Шеъринг ёдлаб саҳарга қадар,
Шивирлайман ўзимга ўзим.
Уқувчингдан бўлиб беҳабар,
Қайлардасан, менинг юлдузим!

Сенга берган гулимдан балки
Санамагил мени беҳаё.
Биласан-ку қизларнинг қалби
Сир сақлайди ишқин доимо.

Келганда ҳам бошига ўлим,
Йигитлардай ёрнинг юзига
«Севаман» деб айтмаган ҳеч ким,
Бор дардини олган ўзига.

Қиз ишқида бўлмаса ҳаё,
Қора либос киярди дунё».

Богишамол гулзори аро
Регистонга шошилар Баҳор.
Севги унга бергандай оро
Пойин ўпиб, маест этар гулзор.

Гул бўйидан сархуш бу жонон,
Унутгандир бутун дунёни.
Муҳаббатдан қалбида уммон,
Унутгандир бугун дунёни.

Ваъда қилган чипор олдида
Бахтиёри кутади уни.
Ўт солгандай позик қалбига
Қўлларида тутади уни.

Шунинг учун кабутар каби,
Чарх уради Баҳорнинг қалби.

Миноралар олдида ўйчан,
Баҳорини кутар Бахтиёр.
Севги уни ром этиб қўйган,
Қарашида ажиб маъно бор.

Муҳаббат деб аталмиш шоҳнинг
Фармониини айлагай адо.
Минг асрлик қайнар булоқнинг
Сувларидан топади даво.

Неча кундир, висол дардида,
Ишқ ўтида ўртанган юрак.
Бардош қилиб севги зарбига
Қўшиқ айтиб ўрганган юрак,

Кириб қолиб ишқ оламига,
Интизордир ёр қадамига.



Сиебдаги гули наврӯздай,
Гулгул ёниб келади Баҳор.
Субҳидамда балққан юлдуздай
Пешвоз чиқар унга Бахтиёр.

Икки қалб ҳам бир сўз деёлмай,
Бир-бирини кузатар зимдан.
Дамлар учиб ўтар хаёлдай,
Фарқ қилмасди қалблар тилсимдан.

Тилсим эмас, қалблар олдиндан
Сир-асрорин англаган эди.
Кўзлардаги севги, ёлқиндан
Бир-бирини танлаган эди.

Келмай қолса тилиннга сўзлар,
Изҳор этар севгини кўзлар.

Кўзлар бир дам айлашгач висол,
Баҳор қўлини тутди Бахтиёр.
Бошларига қўнгандай иқбол,
Сиеб сайрини қилди ихтиёр.

Тўққанида бодомлар гулин,
Гуллаганда ўриклар ошпоқ,
Кутганида гуллар булбулин,
Лола базмин қурганида тоғ,

Сиеб бўйлаб, айлаб сайри боғ
Кезар эди ошиқ-маъшуқлар.
Тугён урар тўлқинлар шу чоқ
Ишқ аҳлига айтиб қўшиқлар.

Бу қўшиққа бўлиб жўр овоз,
Бахтиёр ҳам сўйлар эди роз.

Қалбингда ҳамиша меҳрим ардоқлаб,
Бир нозик табассум эҳсон этасан.
Табассуминг билан ҳолим сўроқлаб,
Ешгина кўнглимни шодмон этасан.

Навбаҳор гулидай яшнаб йўлимда,
Навқирон умримни бўстон этасан.
Ишқ ўтин ёндириб маъсум дилимда,
Севги қуёшига осмон этасан.

Биргина сўзингни кўрмасдан раво,
Шайдойи қалбимни ҳайрон этасан.
Ширин ҳаслимни вайрон этасан.

Ҳар куни тонг билан янграгиб наво,
Муҳаббат богида меҳмон этасан,
Севгимиз оламга дoston этасан.

«Бизлар муқаддас деб атаган севги
Минг кўйга солади қалбни, Бахтиёр.
Гоҳ шодлик бахш этиб, гоҳида қайгу —
Роҳату азобга бирдай қилур ёр.

Сени деб дуч келдим таажжуб ҳолга,
Мушора куни Ором боғида.
Бир жувоннинг қадди ўхшаб ҳилолга,
Китобга термулар хазон чоғида.

Кўксини чок айлаб шoirнинг номи,
Кўзлари қолганди муқовасида.
Тилидан чиқмайин бирор каломи,
Турарди сукунат дақиқасида.

Шoirнинг китобин очмоқлик учун,
Зада бўлган қушдай чўчирди нечун?»

«Одамзод яралган қутлуг бир кунда,
Қалбини забт этган севги деган шоҳ.
У ошиқ-маъшуқни бедор этганда,
Юлдуз чаманига оттирган нигоҳ.

Уқиб ҳам кўрмасдан шафқат китобин,
Вомиқ билан Узро йўлин бойлаган.
Ҳатто тингламасдан Қайсинг хитобин
Карбало даштида сарсон айлаган.*

Шириннинг қўлига тутқазиб огу,
Фарҳодни ватандан этгандир жудо.
Тоҳирни дарёга улоқтириб у,
Зухрага висолни кўрмаган раво.

Севги шоҳ бўлса ҳам инсон қалбига,
Ўзи бош элмаган шоҳлар олдида».

«Баҳор қуёшидай келиб ёруғ кун,
 Шоҳлар салтанати қулади тубан.
 Севги ўз тахтида қолса ҳам бугун,
 Одамлар қалбини айлади равшан.

Юраклар қўрнини бахш этиб унга,
 Вафо сўзин ёзди шоир қалами.
 Севги зор бўлгандай бир умр шунга,
 Тилсимдай очилди унинг олами.

Ошиқлар юзида барқ урди ханда,
 Висол оғи чиқди сўнгсиз самодан.
 Айрилиқ кунлари бўлгандай канда,
 Одамлар бахт топди севги-вафодан.

Азалдан шоирлар куйлаб ҳижрония,
 Бизга қолдирдилар васли имкония».



«У жувон тарихин ўзи бир дoston,
У ҳамдам бўлганди шоир дардига.
Бевақт булут билан қорайган осмон,
Соя солиб кетди унинг рангига.

Азизим, дардига шерик бўл ушинг,
У билан ўқиб чиқ шоир китобин.
Ҳар мисра қон билан ёзилган кунин,
У қарши олганди севги офтобин.

Ана, ўша дамлар, учрашув чоқлар,
Уша олтин севги яшар ёдида.
Эзгу хотиралар қалбини доғлар,
Фақат китоб қолди унга обида.

Бир олтин фаслни шундан қилур ёд,
Севги деб, ким бўлмиш бир-бирига ёт».



«Мармардай тонг чоғи сайри гулзорда
Оромим йўқолур сабо бўлмаса,
Сабонинг эсиши сўлим наҳорда
Кўнглимнинг дардига даво бўлмаса.

Кўксини йиртмасди гунчалар унга,
Севгилим тонгдан ҳам зебо бўлмаса.
Булбулни мот этдинг демасди менга,
Қалбимда мусиқий наво бўлмаса.

Коммуна уфқини кўролмас эдим,
Замонлар ичида аъло бўлмаса,
Кўзимда ҳаётини зиё бўлмаса.

Васлингга муяссар бўлолмас эдим,
Севгимизда аҳду вафо бўлмаса,
Одамлар бизларга шайдо бўлмаса».

«Бундай латиф, дилбар хонишни
Айт, азизим, ато этди ким?
Шеър дардида бундай ёнишни
Сенга бериб, хато этди ким?»

Ё табиат сендай суҳандон
Ҳузурида қилдими таъзим?
Қуёш бўлиб олтин еиёҳдон,
Қалбинг билан битдингми назим?

Чашмаларнинг сеҳргар куйин
Мисраларга айладингми жо?
Сархуш этган атргул бўйин
Сўзларига таратдингми ё?

Ё қўлингда лолагун бир жом,
Тутганидинг менга бу айём?»

«О, жомгнам, билсайдинг зора
Шеърсиз менга ҳаёт йўқлигин.
Шеър бўлмаса, қалб бўлиб қора,
Кўрмас эдим ҳаёт кўҳлигин.

Яхшиямки бахтимга сен бор
Тинглагувчи дардимни ёна.
Йўқса, тунлар чекиб оҳу зор
Бўлур эди бахтим афсона.

Кимки шеърга қараса нохуш,
Фарқи йўқдир юрагин тошдан.
Шеър этмайди кимларни сархуш,
Не савдолар кечмайди бошдан.

Шеър севгидай бахш этар ҳузур,
Севги билан эгизакдир шеър».

«Сенсиз келмас, Баҳор, шеърим дунёга,
Юрагим оташи сўнади сенсиз.
Юрагим уришдан тинади сенсиз,
Сенсиз тўлмас, Баҳор, кўзим зиёга.

Сенсиз бир кун яшаш мен учун маҳол,
Ҳаётни тасаввур қилолмам сенсиз.
Севги куч-қудратин биллолмам сенсиз,
Сенсиз бўлмас асло умрим мукамал.

Сенсиз сўнар менда эзгу ҳаяжон,
Шеър эмас, қон сирқир қалбимдан сенсиз,
Иқболим кўролмам олдиндан сенсиз.

Ошигинг бўлурман то тандаки жон.
Сен билан бекорга кетмас бу умрим.
Севгингни куйламай ўтмас бу умрим».

Дарё билан тонишди висол,
Қорли тоғдан чопган ирмоқлар.
Ва қуёшдан олгандай тимсол
Олтин рангга кирди бошоқлар.

Бог кўчанинг боғбонлари ҳам
Анжирини барги-ла узди.
Мажнунтолдай эгилмиш ишком,
Кўзни олар ёқут узуми.

Икки ёшнинг муҳаббати ҳам
Камол топди шу фаёл янглиғ.
Ошиқларни кўрган ҳар одам
Васл уйидан тингларди қўшиқ.

Мўйсафидлар силаб соқолин,
Тилар эди улар иқболин.

Икки гулни қўшгали бирга
Рози бўлди ота-оналар.
Ҳамма ишни қўйиб бир ерга
Бел боглади тўйга янгалар.

Ёзнинг нозу неъматин билан
Дастурхонга зеб берди қизлар.
Узумларнинг шарбати билан
Анор янглиғ қизарди юзлар.

Шеър завқидан ёшарди чоллар,
Кўкни қучди қизлар ёр-ёри.
Келин-куёв кўнглини овлар,
Мукаррамхон рақси, «Баҳор»и.

Ошиқларга ўқиб қасида,
Оқар эди Сиёб осуда...
1963

МЕН ҚАШФ ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН

(Юз сонетдан тузилган дoston)

*Она юртим, бўлсанг омон,
Рангу рўйим сомон бўлмас.
Сен яшасанг шоду хандон,
Қаддим сира камон бўлмас.*





Водийларни яёв кезганда
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Ҳамид Олимжон

МАҚСАД

1

Ўзбек халқин олтин бешиги
Қуёш билан эрур баробар.
Бешик узра бир онаизор,
Тилларида — ҳаёт қўшиги.

Етту иқлим унинг ошиғи,
Алласига зору интизор.
Фарзандига қилиб жон нисор,
Дўсту ёрга очиқ эшиги.

Бешигини тебратиб шодмон,
Онаизор тунлар уйғоқдир,
Жонга берур алласи дармон.

Қалби унинг сўнмас чироқдир,
Меҳри эса туганмас бир кон,
Умидлари тонгдай порлоқдир.

Тонгдай порлоқ умид билан
Она бешик тебратар.
Бешикдаёқ бизга дилдан
Она қўшиқ ўргатар.

Шодлигини куйлаб шўх-шан,
Қалбимизни нурлатар.
Қўшиқ билан жуда улкан
Чўққиларга ўрлатар.

Шовуллаган дарёларни
Мургак дилга этиб жо,
Очар сирли дунёларни.

Умр қасрин қилиб бино,
Тинглаб турфа наволарни,
Сеннки, дер, ёруғ дунё.

Ҳумо қушин қўндириб бошга,
Пешонамиз силаб ёшлиқдан.
Қалбимизни чулғаб оташга,
Узоқ тутиб бағри тошлиқдан.

Йўлимизни улаб қуёшга,
Дилни холи қилиб ғашлиқдан,
Ҳамроз этиб ёру сирдошга,
Сабоқ бериб дўст-қардошлиқдан,

Зуваламиз пишитган мушфиқ
Онаизор — Ўзбекистондир,
Унга доим қилурмиз қуллуқ.

Бошимизда ул соябондир,
Шунинг учун дард-ғамимиз йўқ,
Жони эса жон ичра жондир.

Ким кашф этмиш Ўзбекистонни,
 Қайдан биво бўлмиш бу диёр?
 Шарққа маёқ бундай маконни
 Яратгандир қайси бунёдкор?

Боши узра кулган осмонни
 Ким айламиш тонгдек бегубор?
 Мафтун айлаб шу кенг жаҳонни,
 Ким мунча ҳам этмиш бахтиёр?

Жаҳон ичра қўйиб қутлуг ном,
 Ким ўпгандир пешонасини,
 Саодатга йўллаб субҳу шом?

Бу ҳаётнинг кошонасини
 Халқимизга ким этган инъом,
 Олтин айлаб остонасини?

Шу хусусда ўйладим узоқ,
 Қўндирмасдан шаънига губор.
 Ўз-ўзимдан сўраб неча бор
 Хаёл ичра гарқ бўлдим бироқ.

Таралгандай қуёшдан шафақ,
 Бағрим бўлиб кетди лолазор.
 Шам қошида бош эгдим бедор —
 Мисли дондан эгилган бошоқ.

Аммо дилга бериб тасалло
 Чақнатдию руҳимда чақмоқ,
 Она ердан келди бир садо.

Зулмат бағрин айлаб яқо чок,
 Инқилобнинг фарзанди гўё —
 Ўзбекистон тугилмиш қувноқ.

Шунинг учун қалбида янграп
Инқилобнинг буюк хитоби.
Бошин силаб ҳар шому саҳар
Парвонадир Ленин офтоби.

Осиёда тенгсиз бу кишвар,
Шарқнинг олтин меҳроби эрур.
Ер қалбига бўлгандай меҳвар
Токи жаҳон тургунча турур.

Чунки уни кашф этиб Ленин,
Пешонасин ўпган субҳидам,
Бахти кундай тугилди дуркун
Истиқболин этгали кўркам.

Шунинг учун бу гўзал диёр
Юрагида Ленин меҳри бор.

Шу диёрда туғилиб мен ҳам
 Бешигида улғайдим гамсиз.
 Тонгини кутиб олмадим шамсиз,
 Ҳамдард бўлди қалбимга қалам.

Қогоз билан бўлдим уфат,
 Дурдай сочдим сўзларим унга.
 Ором бермай ҳисларим менга,
 Парвоз қилди кабулар сифат.

Колумб бўлиб, янги бир қитъа —
 Кашф этмадим халқимга, лекин,
 Унинг олтин бешигин бугун
 Тўрт фаслда солдим сонетга.

Сонетларим — сенга, эй Ватан,
 Гулдастадир ўн тўрт чамандан.

БИРИНЧИ ФАСЛ

Ўзбекистон фасллари —
Тўрт оғайни ботирдир.
Унинг девкор насллари
Ҳар бир ишга қодирдир.

Ўзбекистон фасллари
Сехргару соҳирдир.
Мармар нақшли қасрлари
Дунё ичра нодирдир.

Тўрт фасл келса тугал
Файзли бўлур дастурхон.
Бир-бирига бермай гал
Тўй қилур ҳар хонадон.

Фасллар — йил саховати,
Насллар — эл саодати.

Одамзоднинг умри ҳам
Тўрт фаслдан иборатдур.
Инсон учун бу олам
Мангулик бир иморатдур.

Бу оламда ҳар одам
Ҳаёт учун омонатдур.
Тугилиши — лек байрам,
Ўлими нақ қиёматдур.

Бу Ватанда умрбод
Одам унга ҳашаматдур,
Яшар эркин ва озод.

Умр боғи — фароғатдур,
Қайгую гам бўлиб ёт,
Яшамоқ бир саодатдур.

Шу саодат менга бўлиб ёр.
Она юртим қилдим сайру боғ.
Садоқатим айлаб зар шиор.
Жамолга термулдим хумор.

Водийларда куйлаб бахтиёр,
Юрагимда қолмади ҳеч доғ.
Тонгларини кўриб беғубор,
Қуёшини қутладим бедор.

Ошиқона кездиму яккаш,
Сайёҳ каби билмадим ором.
Илҳом деган парининг дардкаш

Юрагида қўзгатмадим ғаш.
Лек ичдиму гулоб тўла жом,
Ловуллади бағримда оташ.

Шу оташда жисмим ёнадир,
Томиримда гупиради қон.
Оташ ичра қалб тўлгонадир,
Отилгудай кўксимдан вулқон.

Кўзларимда оташ беомон,
Алангада жон ўртанадир.
Кабутардай излаб ошиён
Руҳим аро шеър уйгонадир.

Борлигимни чулғаб ҳаяжон
Унутамаи гўё ўзимни,
Қучоғингда, эй, ота макон.

Остонангга бош уриб шодмон
Сендан олиб сабру тўзимни,
Қилай деймаи бағрингни бўстон.

Тўзим берсин жонингга сенинг,
Еруғ бўлсин пешонанг.
Шон қўшилсин шонингга сенинг,
Олтин бўлсин остонанг.

Доғ тушмасин номингга сенинг,
Тўлмасин ҳеч паймонанг.
Жон бўлайин жонингга сенинг,
Бузилмасин кошонанг.

Томир бўлай қонингга сенинг,
Бўлмайин ҳеч бегонанг.
Шароб бўлай жомингга сенинг,
Синмасин ҳеч пиёланг.

Дур бўлайин конингга сенинг,
Омон бўлсин пешонанг.

Пешонангнинг омонлигидан
Менинг бағрим бутундир.
Шодлигининг уммонлигидан
Қайгуларим кукундир.

Кўкрагининг осмонлигидан
Қўлим кўкка устундир.
Бағринг бахтга ошёнлигидан
Нон-насибам тўкиндир.

Дастурхонинг очиқлигидан
Кўпдир дўсту қардошим.
Ризқу рўзинг сочиқлигидан

Меҳмондан чиқмас бошим.
Умринг — тугал қўшиқлигидан
Шеъриятдир сирдошим.

Сирдошимга — юрагимда боримни
 Муножотдай куйлаб берар тилгинам.
 Нохун билан черта-черта торимни
 Тош кўнгилни эритади қўлгинам.

Дўстларимдан пинҳон тутган зоримни
 Сирдошимга ошкор этар дилгинам.
 Чорбогимга қадам қўйган ёримни
 Висолидан баҳрамаддир гулгинам.

Ғанимларга бомба бўлган қаҳримни,
 Оҳангидан англаб олур элгинам.
 Сўз мулкида бунёд қилган қасримни,
 Субҳидамдай ойдин этур йўлгинам.

Ғар сирдошим бўлмаса, мен бир умр
 Ҳаётимни қилолмайман тасаввур.

Сен ҳам сирдөш онасан, Ватап,
Жондан ортиқ кўраман сени.
Сен ҳам ўтда ёнасан, Ватап,
Балолардан асрай деб мени.

Мен ҳам сенга бўлай деб содиқ,
Керак бўлса, кечурман жондан.
Юрагингга тегмасин деб ўқ,
Жанггоҳларда кўкеш қалқонман.

Сен бўлмасанг, қораяр қуёш,
Юлдузлар ҳам сўнади сенсиз.
Айланади кулга тоғу тош,
Дарёлар ҳам тинади сенсиз.

Сенсиз кўнглим бўлмагай обод,
Сенсиз менга сўнади ҳаёт.

Она дерлар азиз Ватанни,
Бу сўзнинг ўз ҳикмати бордир.
Ватан деса бёрасан жонни,
Ватансиз кенг дунё ҳам тордир.

Жон дегани — бу юрак эрур,
Юракнинг-ку, бешиги шандир.
Кўкрак унга қалқондай турур,
Юрак учун кўкрак ватандир.

Инсон учун юрак — бу жондир,
Жонга ҳаёт бахш этади қон,
Қон билан жон бир жону тандир.

Жондай азиз эрур бу Ватан,
Ватан билан инсон инсондир,
Инсон билан масрур бу Ватан.

Тугилганда жажжи бир гўдак
 Ватаи тўлиб кетади нурга.
 У қанчалар бўлмасин мургак
 Ҳуси бўлур шу қутлуг ерга.

Еш онага топилиб эрмак
 Нафас олар у билан бирга.
 Чақалоғин ойдаи келинчак
 Ишонади на кўк, на ерга.

Тетапоя бўлгунча гўдак,
 Алма айтар у бешик узра.
 Бўлсин дея ботир, довиюрак
 Алпомишдан сўйлайди сўнгра.

Одам бўлгач, ишониб лекин —
 Тоширади унга Ватанин.

Сени ҳам топширди менга ишониб,
 Икки дарё оралигида.
 Акс этди тимсолинг нурга чулганиб,
 Кўзларимнинг қорачиғида.

Жон риштанг жонимга қолди боғланиб,
 Ешлигимнинг дарёлигида.
 Ва ишқинг чирмашди дилга тўлғониб,
 Ишқдан кўнглим яролиғида.

Энди сўзонаман бағрим доғланиб,
 Икки ўтнинг оралиғида.
 Қалбимни маҳв этар ишқ яроқланиб.

Қолдим икки шамшир тиғида.
 Тиғи-паррон бўлмас, лек жон сақланиб,
 Жон ичра жон бўлган юрт тупроғида.

Қалбимнинг риштаси сендан узилса,
Толем қарқ бўлур.
Умрим кошонасин пақши бузилса,
Юрагим яро бўлур.

Айрилиқ даштида сарсон кезилса,
Дардим бедаво бўлур.
Кўнглимда нотавон оҳанг сезилса,
Рагим қаҳрабо бўлур.

Туз берган тузлиғинг чоки сўкилса,
Дил пора-пора бўлур.
Жон ичра жонимда жонинг эзилса,

Кўз ёш ситора бўлур.
Қошингда ганимлар боши эгилса,
Умрим бебаҳо бўлур.

Умримнинг бебақолиги
Сенинг кароматингдан.
Андуҳим бебақолиги
Сенинг шарофатингдан.

Дунёнинг сервафолиги
Сенинг мурувватингдан.
Ёримнинг бежафолиги
Сенинг муҳаббатингдан.

Кўнглим мусаффолиги
Сенинг пок ниятингдан.
Ҳаётим кайф-сафолиги

Сенинг саодатингдан.
Уйимнинг ҳам рўшнолиги
Сенинг маърифатингдан.

Ҳар юртининг ўз урф-одати бор,
Минг йилларнинг меваси.
Ҳар элга ўз тили ҳукмдор,
Ҳияма-хилдир шеваси.

Табиати, об-ҳавоси ҳам
Турли-туман яралган.
Халқини шаклу шамойили ҳам
Бошқа-бошқа ясалган.

Ҳар элу юрт урфи, тилини
Асраб келган қадимдан.
Ва узмаган оёқ-қўлини
Ўзи турган заминдан.

Унга ризқ-рўз берган шу замин
Умрига ҳеч бўлмаган зомин.

Зомин бўлмай умрининг ривожига,
 Оқ ювиб-оқ тараган.
 Гард қўндирмай инсонлик гултожига,
 Заҳмат чекиб, қараган.

Бериб ҳунар тешасми нажжорига¹,
 Бино қуриб, яйраган.
 Паноҳ бўлиб, ҳаттоки тужжорига²,
 Бозорида яраган.

Дарё бўлиб қондирган чанқоғини
 Ва нон бўлиб, тўйдирган.
 Егду бўлиб порлатган чироғини.

Меҳр бўлиб, фарзандни ҳам суйдирган,
 Чаман қилган боғини
 Ва ишқ бўлиб юрагин ул куйдирган.

1 Дурадгор
 2 Савдогар

Шу ишқ ўти сўнмоқни ҳеч билмагай,
 Сўнса ҳамки тоғлардаги лавалар.
 Юрак эса куйса ҳам кул бўлмагай,
 Кул бўлса ҳам тош деворли қалъалар.

Унга вулқон лаваси тенг келмагай,
 Тоғлар эса заррасида ловулар.
 Қалб гулшани ўтида лек сўлмагай,
 Кўмир бўлиб қолса ҳамки каъбалар.

Бу бир ишқким, қуёшдай боқий умри.
 Егдусидан қалблар бўлиб мунаввар,
 Қаҳқашонга етар ҳатто кўз нури.

Бу бир ишқким, у билан тирик башар,
 Ишқдан тонмас, мард ошиқнинг ҳеч бири,
 Боши узра ғаним тутса ҳам ханжар.

Қилай десам сенга ишқимни пзҳор,
 Жисмим аро жон ўйнар.
 Бестун гардундай гумбази даввор
 Томиримда қон ўйнар.

Бир ошиқ дардига бўлиб гирифтор,
 Жумлаи жаҳон ўйнар.
 Рақиблар қатлига қўлин қилиб дор,
 Сарви хиромон ўйнар.

Муҳаббат майидан маст бўлиб диёр,
 Бог ила бўстон ўйнар.
 Бир қатраси тушса, чайқалиб бедор

Дарёю уммон ўйнар.
 Қогозга тўкилиб инжудай ашъор,
 Қўшигу достон ўйнар.

Достон ўйнар «Шашмақом»нинг ҳаволарига,
Ишқимни ошкор айлаб.

Гоҳ «Дилхирож», гоҳ «Муножот» наволарига
Мени гирифтор айлаб.

Санчар, қаро туннинг барги қаболарига,
Кипригимни хор айлаб
Ва роз айтар субҳидамнинг саболарига,
Ошиқ дилни тор айлаб.

Юз тутарман офтобнинг ёгдуларига,
Қаддимни чинор айлаб.
Шафақ рангин кўчирар дил туйгуларига,

Ишқимни шиор айлаб.
Гул чекарман Ургут тоғин чўққиларига,
Қаламим меъмор айлаб.

Қаламим меъмор айлаб бир иморат яратдим
 Ва Ургут чиноридан қўйдим унга тўрт устун.
 Биллур деразаларин кун чиқишга қаратдим,
 Тонг билан кўрса офтоб, қилсин дедим минг афсун.

Ҳозғоннинг мрамарини камалакдай порлатдим,
 Қалам билан нақш ўйиб, жило бердим куну тун.
 Унда илҳом торини юз мақомда янгатдим,
 Йўқлаб келса меҳмон гар қалбга дедим: шароб сун!

Шу бинога ошиқиб келаётир тўрт карвон,
 Алпомишдай елкалаб тўрт фасл бисотини.
 Тўрт карвонни стаклаб келаётир бегумон,

Сарлавҳам мисли сарбон йўргалатиб отини.
 Мақсадим муродига етказолса беармон,
 Карвонлар карнайчиси чалар тўй баётини.

Шу армон отида жавлон уриб,
 Қамчисин ўйнатар бир чавандоз.
 Улоқни тақимлаб, пойга қуриб,
 Кўзаларни қувнатар бир чавандоз.

Эгарга ёнишиб, отин суриб,
 Шамолдан ҳам ўзар бир чавандоз.
 Халойиқ қийқирав қарсак уриб,
 Чортоқни қўзгатар бир чавандоз.

Издан от қўйиб, ўқдай учиб,
 Тулпорин қамчилар не чавандоз.
 Бедовлар кишнайти тупроқ кечиб.

Ғолибни қаршилар гуррос овоз,
 Тўйбоши чортоқда уни қучиб,
 Пойига тўшайди зар поёндоз.

Тулпорим ўйнатиб шеър майдонида
Узангига оёқ тираб турибман.
Алпомишнинг қони қайнар қонимда
Чавандозлар билан пойга қурибман.

Эгарда даст туриб ёвқур бургутдай,
Ҳавода қамчини ўйнатиб бугун,
От қўйиб боряпман ловуллаб ўтдай,
Олмос туғидан чақнатиб учқун.

Отим парвоз айлаб кўзлар йироқни,
Бедовлар тўпидан ўзиб кетгали.
Тақимига босиб олган улоқни
Чаптаст чавандоздан узиб кетгали.

От сурмоқ осонмас бу майдон ичра,
На бу майдон, балки, бу дoston ичра.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Чув, йўргам! Сафаринг бехатар бўлсин,
 Тошга урилмасин олмос туёгинг.
 Сен билан ишларим ўнгидан келсин,
 Йўл юриб толмасин сира оёгинг.

Йўрганг олис йўлни яқинроқ қилсин,
 Ўтдай ёниб турсин кўзинг-чирогинг.
 Сени кимки кўрса ҳаваси келсин,
 Доим омон бўлсин суянган тогинг.

Хуржунимнинг икки кўзи тўладир,
 Бирида кўзаю, бирисида нон.
 (Сафарда нону сув керак бўладир).

Дала-туз сен учун сахий дастурхон.
 Дарё — сув, соз ўтлоқ — неъмат берадир,
 Бор бўлсак, тунашга топурмиз макон.

Бу макон — боболар хоки туроби,
Биз учун мозийдан аждодий мерос.
Авлодлар сизинган олтин меҳроби,
Унга бош қўймоқлик ўзи муқаддас.

Тошқин дарёларин бўлиб мироби,
Тупрогин тўтиё қилмоқ бизга хос.
Қайноқ оғушида ернинг меҳвари,
Аорта сингари олмоқда нафас.

Биз учун етти ёт эмас бу макон,
Заррадай сочилган унга қонимиз.
Бизни ҳеч бегона демас бу макон,

Жонига туташиб кетган жонимиз,
Ўз уйимиз янглиғ ҳар бир хонадон,
Биз эса сафарда бир меҳмонимиз.

Меҳмон келди бош эгиб остонанга,
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.
Меҳмон билан бахт келди кошонанга,
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

Ишқ шаробин узатмай жононанга,
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.
Уйқу қуши қўнмайин мужгонинга,
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

Оёғига майлига қўй сўймагил,
Бемаҳалда келса ҳам бу меҳмонинг,
Бир кечага жой бериб, кел, сийлагил.

Пешин ё шом бўлмади ҳеч имконим,
Ҳориб келдим, кўчада, кел, қўймагил,
Дарвозангни оча қол, эй мезбоним.

«Кимсан?» — деган нидо келди чорбогдан,
 Ит ҳуриди, занжирини узгудай.
 Отим кишнаб, ўт чақнатди туёқдан,
 Мезбонимнинг дарвозасин бузгудай.

Чорбогда нур чақнаб кетди чироқдан,
 Чол сиймосини кўрсатди у кўзгудай.
 Паноҳ излаб келганим-чун йироқдан,
 Бу хонадон туюларди эзгудай.

Дарвоза ланг очилдию, оқсоқол
 Ҳузуримга пешвоз чиқди шодумон.
 Бир дақиқа мендан сўраб ҳол-аҳвол:

«— Бош устига, келинг, — деди, — эй меҳмон.
 Бир кечамас, минг кечага бемалол,
 Қолсангиз ҳам тораймас бу хонадон».

Минг кечамас, бир умрга айлар меҳмон,
 Мени бу юрт тупроғи.
 Дастурхондай ғайзиёбу дорилмомон
 Менга бу юрт қучоғи.

Йўлларимни рўшно айлаб ҳар бир инсон,
 Егду сочар чироғи.
 Шарқу шимол лол қолгулик боғу бўстон
 Дарёлари қирғоғи.

Мен шу юртнинг тупроғида тондим камол
 Билмай не ғам, не куяфат.
 Бу ёш жоним ниҳол каби билмас завол.

Ва умримга ҳамроз бўлиб шеърү сапъат,
 Қалбларни айлаб қамал,
 Мен шу юртдан олгум яна кучу қудрат.

Она юртим, бўлсанг омон,
Рангу рўйим сомон бўлмас.
Сен яшасанг шоду хандон,
Қаддим сира камон бўлмас.

Сеннинг бағринг жаннатга кон,
Жаннат мангу хазон бўлмас.
Хазонсиз боғ бўлса макон,
Кўнглимда ҳеч армон бўлмас.

Мен уфқни олдим нишон,
Умидларим пайхон бўлмас.
Оёғимга берсанг дармон.
Сафарим ҳам ёмон бўлмас.

Қалб не деса — этгум дoston,
Бу дostonда фиғон бўлмас.

Фигон бўлмас тоғни зирқиратгудай,
 Қулатгудай чинорни.
 Кўздан мотам ёшини тирқиратгудай,
 Мунғайтгудай днёрни.

Фигон бўлмас кўлни денгиз қилгудай,
 Тўхтатгудай дарёни.
 Бағри қон анордек қалбни тилгудай,
 Ингратгудай дунёни.

Фигон бўлмас кунни қорайтгудай,
 Солгудай зулумотни.
 Заррадай ёғдуга зор этгудай
 Сўндиргудай ҳаётни.

Фигон бўлмас дилни зор қақшатгудай,
 Қилгудай қиёматни.

Фигон бўлмас ва лекин бир дард бўлур,
 Шодлик наҳрип пўртанаси бамисол.
 Уммон бўлиб юракларда чайқалур,
 Қондек оқур юракларда безавол.

Бу бир дардим, ишқсиз қалбга ишқ бўлур,
 Нарвоз қилсанг қанот берур аҳтимол.
 Хаёлингга ўғирлаган мушк бўлур,
 Кўкенигни тоғ қилур, қаддинг бўлса дол.

Гам тошингни оташ бўлиб эритур,
 Қуёш бўлиб берур сенга табассум.
 Кўз ёшингни севинч бўлиб қуритур.

Ҳаёт бўлиб боқар сенга шўх, маъсум,
 Соқий бўлиб ишқ шаробни узатур
 Ва дардинга ҳамроз бўлур ул, дўстим.

Бу — шеър дарди, бу — шеър ишқидур,
 Бир юракни минг тилим қилган.
 Бу — шоирлар қалбни ашқидур,
 Оқ қогозга дурдай тўкилган.

Бу — кабутар кўкда чарх урган,
 Туйғуларнинг олов рақсидур.
 Олмос тўшли қояга қўнган
 Бургут парвоз ўйлар кўшқидур.

Бу — дарёга чўккан камалақ,
 Қаҳқашондан учган юлдуздур.
 Бу — онасин излаган гўдак.

Бу — туғёнваш, бедор денгиздур,
 Наслимизга мерос келажак.
 Бу — юлдузлар беркинган кўздур.

Кўзларим уммонига юлдузлар чўкканида,
Ботганида қалбимга қуёш,
Томиримда жўш урган дарёлар эпкиннида,
Тараганда сочини қаламқош.

Ернинг ризқу рўзини булутлар тўкканида,
Бойчечаклар чиқарганда бош.
Деҳқонлар чигитни саралаб экканида,
Топилганда гўзага сирдош,

Бошоқ бағрини ёриб, дунёни кўрганда дон,
Бўлганида дастурхон тўкин,
Узумнинг кўз ёшлари хумни қилганда макон,

Сўйилганда қўйлар тўй учун,
Сени кашф этиб менга кўзларим, Ўзбекистон,
Жамолинга айлади мафтун.



Жамолинг васфини тинглаб эл аро
 Камалак рангидан жило изладим.
 Ұхшашинг тополмай, бергали оро
 Қўлингга наврўздан хино изладим.

Сени қаҳқашонда деб бир ситора,
 Бу олам саҳнидан бино изладим.
 Кулган толеингни қилмай деб қора,
 Илми табобатдан Сино изладим.

Сени деб субҳидам чиқиб гулзора,
 Хуснингдан маст бўлиб, раъно изладим.
 Кўнгил сирини ошкор қилиб яқбора,

Шеър билан дарднингга даво изладим.
 Завқ ила боққанда аҳли шуаро
 Навоий сингаря наво изладим.

Наво излаб кездим чорбоғ ичинда,
 Сархуш этди гуллар мушки анбари.
 Қорачиғ маскани қароғ ичинда,
 Санчилди кўнгилга кўзлар ханжари.

Наво излаб кездим чорбоғ ичинда,
 Лол қилди чашмалар оби кавсари.
 Дарада порлаган чароғ ичинда,
 Хаёлим оҳудай кезди сарсари.

Булоқнинг игнадай кўзида ёғду,
 Асов шаршарада ўтли бир туйғу
 Сеҳрини англадим сўроқ ичинда.

Харсанг тош кўксиди сеҳргар санъат,
 Булбул навосида ҳажру муҳаббат —
 Оҳангин тингладим мен тоғ ичинда.

Ўзбекистон — серқуёш мамлакатдур,
 Далалари тўкин-сочин дастурхон.
 Бахти кулган мангулик салтанатдур,
 Юрагида ёли бор бир паҳлавон.

Табиати — баҳорга башоратдур,
 Фирдавс монанд боғларидур гулистон.
 Ўсимлиги дардларга табобатдур,
 Об-ҳавосин шайдосидур Хуросон.

Дарёлари — умрига саодатдур,
 Қалб меҳрининг косасидур чашмаси.
 Бойлигига — тунроғи кафолатдур.

Тонг насими — боқий умрин нашъаси,
 Табассуми — элимга садоқатдур,
 Юлдузлари — орттирган дўст, ошнасми.

Ургут тоғларидан ташласам назар,
 Кўзимга оқариб Чотқол кўринди.
 Бағримдан қазиб ол, дегандай жавҳар,
 Чотқол нигоҳида висол кўринди.

Фаргона васлига ошиқиб саҳар
 Қурама бошида ҳилол кўринди.
 Боботоғ бағридан изласам олқор
 Аму тўлқинлари зилол кўринди.

Залворли тоғларнинг сукутларида
 Чолларни маст этган хаёл кўринди.
 Юксакка талпинган бургутларида

Умрлар кўкида Зухал кўринди.
 Тоғма-тоғ сайр этган булутларида
 Она ер кўзига иқбол кўринди.

Тоглар — она, дарёлар — фарзанд эрур.
 Фарзанд билан она қалби туташдур.
 Она тахти — ҳаётда мангу турур,
 Фарзанд унга содиқликда қуёшдур.

Фарзанд билан ул ҳаёт завқин сурур,
 Она меҳри — обиҳаёт, оташдур.
 Фарзанд қалби қуёш бўлиб сочар нур,
 Она меҳри она ерда талошдур.

Она тоглар фарзандидур ҳар дарё —
 Сир ва Аму, Сурхон, Чирчиқ, Зарафшон
 Ўзбекистон қалбига меҳригё.

Фарзандларин ардоқлаб ота макон
 Не нгаса, бўлур шу чоқ муҳайё,
 Ёзмоқ учун элга тўқин дастурхон.

Тоғлар ҳам одамга ўхшаб кетади,
Улар ҳам она-ер фарзанди, ахир.
Одамдай, суҳбатни қумсаб кетади,
Айби шу — тоғ қилиб яратган тақдир.

Ўрнидан жилолмай, ўқиб кетади,
Гўё оёғига солинган занжир.
Одам кўрса, кўнгли юмшаб кетади,
Сўзлай деса, унинг тили йўқ, ахир.

Тоғлар ҳам одамдай яшайди гўё,
Баҳра топиб сувдан, ҳаводан, нурдан,
Кўзларига гўзал кўринар дунё.

Тоғлар кўкен баланд эрур гурурдан,
Фарзанд бўлгани-чун Заминга, аммо
Одамдек узоқмас оёғин ердан.

Тоғлар дарёларни йўллаб сафарга,
 Изидан боқади бир умр бедор.
 Дарёлар боғларни чулғаб баҳорга,
 Тоғлардек уйқуни билмайди зинҳор.

Дарёлар дош бериб хавфу хатарга,
 Чанқоқ чўллар учун этар жон нисор.
 Тоғлар буркаганча бошини қорга,
 Навбаҳор багрини айлар жолазор.

Оналар фарзандин кутгандек зор-зор,
 Дарёлар қайтишин кутмайди тоғлар.
 Далалар бағрида йўқолса агар,

Болам деб, зор қақшаб ўтмайди тоғлар.
 Балки, одамлардан бўлиб миннатдор,
 Армонсиз умрни қумсайди тоғлар.

Замин томирига қондир дарёлар,
Юрак урмас қон бўлмаса.
Жисм аро жисмига жондир дарёлар,
Тан мурдадир жон бўлмаса.

Унга обиҳаёт, нондир дарёлар,
Ҳаёт кулмас нон бўлмаса.
Ҳаёт неъматига қондир дарёлар,
Дунё хароб қон бўлмаса.

Олтин бошоғига дондир дарёлар,
Хирмон бўлмас дон бўлмаса.
Сўнмас шухратига шондир дарёлар.

Бахти кулмас шон бўлмаса.
Ҳаёти — зар афшон тонгдир дарёлар,
Тонг отмагай тонг бўлмаса.

Дарёларнинг қўлларидур ирмоқлар,
 Ирмоқларнинг умри қисқа инсондай.
 Дарёларнинг дудогидур қиргоқлар,
 Қиргоқларнинг ёноқлари бўстондай.

Дарёларнинг кўзларидур чироқлар,
 Чироқларнинг нурига ул ошёндай.
 Дарёларнинг манзилидур бог-роғлар,
 Бог-роғларнинг бағри кенгдур уммондай.

Шу уммоннинг висолига етгунча,
 Қиргогидан тошиб келур дарёлар.
 Замин вужудига сингиб кетгунча,
 Тоғу тошдан ошиб келур дарёлар.

Ирмоқ бўлиб бўзласа ҳам сўнгги бор,
 Она ерни мангу айлар бахтиёр.

Ва лекин дарёлар бўлса ҳам сероб,
 «Дарёлар бўйида эдик сувга зор»¹.
 Бир челақ сув учун бўлардик хупоб,
 Ташналик комида чекардик озор.

Еримиз сувсераб эди жингиртоб,
 Хирмонлаб дон олмай, эдик оч-наҳор.
 Ҳолимиз сўргувчи йўқ эди мироб,
 Мироб бўлганда ҳам эди нобакор.

Энди-чи, дарёлар оқар шарқираб,
 Сув сероб, ер сероб, серобдур дон ҳам.
 Пешонамиз кундай қолди ярқираб,

Она еримизга ўзимиз ҳакам.
 Энди чирогимиз ёнур паршираб,
 Ўзимиз зиёбахш инсонни аъзам.

¹ Катта Фарғона канали ҳақидаги шеърин мактубдан.

Сувдан — нур, тупроқдан дур олмоқ учун
 Халқимиз чиқарди бир ёқадан бош.
 Орзу-армонлари бўлмасдан кукун
 Толея кўкида порлади қуёш.

Фарғона жигари бўлганида хун,
 Ташналик — кўксига отганида тош,
 Она-ер дудоғи қовжироқ, беун,
 Йиглай деса, кўздан чиқмаганда ёш,

Оёққа қалқиди бутун мамлакат,
 Фарғона кўксига қолмасин деб доғ.
 Асрий чўл қўйнида қурди салтанат,

Егдудан тахт ясаб, эрдан эса бог.
 Бугун шу каналдан жон олур ҳаёт,
 Сув ва нур — бу элда кўз ила қароғ.

Сувга ҳам, нурга ҳам бўлмайлик деб зор
 Кетмон билан отландик жангга.
 Бу ҳолни тушида кўрмаган диёр:
 «Раҳмат, — деди халқим, — отангга».

Фарғонага бериб акс-садо
 Аҳли Зарафшон ҳам «ҳайт!» деб қўзгалди.
 Каттақўрғон уммонин барпо
 Қилгали қўлига кетмонни олди.

Кетмон билан қазидик канал,
 Кетмон билан бунёд айладик уммон.
 Асрий орзу топдию амал
 Ўз бахтин яратди қўли гул инсон.

Мўъжизакор наслимиз учун
 Афсонага ўхшар бу гаплар бугун.

Кетмон билан бўғдик дарёни,
Фарҳод ГЭСига ҳам яради кетмон.
Чўмилтгани нурга дунёни,
Дарёга гов бўлди минг-минглаб Дўнон.

Замбил, аравада ташиб келдик тош,
Елкамизда қоп-қоплаб қумни.
Тупроқ қазисак гар қорайгунча қош,
Тонгда кутди бетон ҳужумни.

Цемент қориб, бўлди қўлимиз қадоқ,
Иродамиз ўтда тобланди.
Порлагунча ўзбек уйида чироқ
Қалбимизда ёғдуси ёнди.

Сув ва нур жангида голиб, музаффар
Халқимиз бошида бугун нур чамбар.

Нурлар чамбаридан кўзим қамашиб,
 Обиҳаёт наҳрин кузатаман жим.
 Тўлқинлар мавжида ёғду улашиб,
 Кўзларига тўтиё.

Хаёлим карвони қолур адашиб,
 Зангор уфқларда сайр этар руҳим.
 Парвона сингари зиё талашиб,
 Чироққа ўзини ураётган ким?

Бу нурга талпинган қалбдир исёнкор,
 Оқ кемага қўлин узатиб турган.
 Еинки бир ҳовуч сувга бўлиб зор,

Дашту биёбондан қудуқ қидирган,
 Йўқ, бобом руҳи бу — вазмин, улуғвор —
 Набираси уйини чарогон кўрган.

Чарогон уйимнинг қошида тоғлар,
Дарёлар мавж урар қир, даласида.
Тоғларга тутшиб порлар чироқлар
Пахтакор юртимнинг ҳар хонасида.

Мени сармаст этган анвойи боғлар
Завқи бор қалбимнинг таронасида.
Толеи ёр бўлиб, бахти чароқлар
Музаффар халқимнинг пешонасида.

Бугун эл забт этди юксак юлдузни,
Қўл билан яратди олтин — тупроқдан.
Амрига шай қилиб дарё, денгизни,

Оламга нур берди Ильич чироқдан.
Нурдай муқаддас деб нон ила тузни,
Гербияга кўрк берди олтин бошоқдан.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Ўзбекистон водийлари — поёни йўқ оқ денгиз,
 Оқ денгизнинг тўлқинлари тошиб ётар қирғоқдан.
 Қирғоқдаги хирмонлари — маёқдир кеча-кундуз,
 Кеча-кундуз ёгду порлар кўкни ўпган маёқдан.

Марваридин ўз қаърида пинҳон сақласа денгиз,
 Оқ денгизнинг жавоҳири кулиб боқар чаноқдан.
 Денгиздан дур излаганлар баъзан йўқолса беиз,
 Оқ денгизнинг ғаввослари мамнун она тупроқдан.

Ғар денгиздан дур тополмай, ғаввослар чиқса ғамгин,
 Оқ денгизнинг соҳиблари олтин ортур карвонга.
 Ва лекин денгизчилар портга қайтгандай мамнун,
 Оқ денгизнинг кемалари ошиқади хирмонга.

Олтин кузнинг огушида жимирлайди оқ денгиз,
 Ғавҳар терган ғаввосларин қалби каби пок денгиз.

Пахтани пайваста айлаб бошоққа,
Бошига тож кийди ўзбек деҳқони.
Кўз нури, қалб қўрин тўкиб чаноққа,
Пахтадек пок бўлди унинг имони.

Шу деҳқон юртига боқсанг маҳлиё,
Кумушкон оламдан кўзинг қамашар.
Оқ тоғлар бошидан балқиган зиё,
Сеҳридан бир дамда ақлинг адашар.

Гар пахта бўлмаса, юртимнинг ҳатто
Кўркини тасаввур қила олмайсан.
Колумб янглиғ гарчанд қилсанг-да хато

Юртимни пахтасиз кашф этолмайсан.
Магелландек кезсанг дунёни ҳатто
Пахтазорин четлаб ҳеч ўтолмайсан.

Пахтанинг қадимий ватани бу ер,
 Бу ерда илк дафъа тугилган пахта.
 Олтни бешигида кундан эмиб нур,
 Одамзод меҳрига йўғрилган пахта.

Биринчи чигитни қадаган инсон
 Ўзбек шажарасин ибтидосидир.
 Балки бу янги бир даврдан нишон —
 Ибтидо асрининг интиҳосидир.

Тупроқ бағрин ёриб, ниш урганда ул
 Инсон манглайида нур балқигандир.
 Қўшқулоқ гўзани силаганда қўл,
 Балки, шодлигидан ер қалқигандир.

Балки, тўнғич чаноқ очилган замон
 Чаккасига тақиб олгандир инсон.

Бу қутлуг мўъжиза, буюк кашфиёт
Инсон заковатин битта меваси.
Замонлар баҳрида долғали ҳаёт
Тўфонни енгган ақл кемаси.

Инсон идрокига Замин бериб тан,
Муборак пойига қўйди бошини.
Кашфига бағрини қилдию ватан,
Кафтида кўтарди ўз наққошини.

Ва лекин қилмади замон эътибор,
Котиблар этмади номин якқалам.
Чигитни кашф қилган уста соҳибкор
Кимлигин унутиб юборди олам.

Бугун-чи, Номанлум, эй буюк Инсон,
Қошингда бош эгар ҳур Ўзбекистон.

Пахтажон! Сени кашф қилган соҳибжор
Сенга мос бағри кенг маскан яратди.
Кўм-кўк кенгликлар-ла қия деб ифтихор,
Дарёлар бўйида чамаи яратди.

Сенга тоғу тошни қилса гар макон,
Унсанг ҳам, тўймасдинг қуёш нурига,
Дудоғинг очилмай, ўртанарди жон,
Афеус қилар эдинг балки умрингга.

Шунинг учун яйраб қулоч от дея
Сўнгсиз водийларни берди амрингга
Саратон офтоби сочганда зиё
Ҳайрон қолсин деди бардош-сабрингга.

Бу маскан, пахтажон, Ўзбекистондир,
Сувию, тупроғи танингга жондир.

Бошинга қўнди-ю бир кун ҳумоюн,
Насими Инқилоб эди боғингдан.
Елвориб пойингга ёпишди қуюн,
Мени ҳайдама деб энди боғингдан.

Қуюн ҳам, вабо ҳам бўлди бадарга,
Дори-дармон берди танингга мадор.
Япроғинг саргайиб мисли васарга,
Чаногингдан олтин кўрсатди дийдор.

Сен ўсган ернинг бу — кумуш кулгуси,
Меҳнат гулзорининг ошпоқ гулидир.
Бу — қуёш ёгдуси, ернинг севгиси,
Кафтида дур тутган инсон қўлидир.

Бободехқон кўнгли бўлгани-чун оқ,
Сен оқсан, юзингда заррача йўқ доғ.

Сени деб от сурдик Мирзачўлга биз,
Саҳрони уйготди ёшлик сурони.
Бошланса ҳам янги ҳаёт бўрони,
Кўзларини уқалаб, ҳеч чўкмади тиз.

Чўл билан олишдик, туриб юзма-юз,
Оташ моторлардан тинчи йўқолди.
Барини йнголмай, сўнг қочиб қолди,
Ёшлик ҳужумидан чекпиб сўзсиз.

Чўл судраб барини қочмоқда ҳамон,
Ёшлик қувиб борар уни изма-из,
Изида чайқалар пахтазор — денгиз.

Чўлни таниб бўлмас, бугун ул бўстон,
Ҳатто пойтахти бор — шаҳри Гулистон,
Муҳтарам меҳмонга тутгувчи нон-туз.

Мирзачўл — биз учун азиз, муқаддас,
Доҳийнинг нигоҳи тушган диёрдир.
Шунинг-чун бир умр шод, бахтиёрдир,
Дийдорин кўрмоқни ким қилмас ҳавас.

Бу диёр поёнсиз — кўзлар илғамас,
Чайқалиб мавж урар кумуш пахтавор.
Ҳокими мутлақдай унга пахтакор —
Меҳнат салтанатин қурганлиги рост.

Кемалар жиловин тутган капитан
Юрагида ёнган оташ, эҳтирос,
Тоғ-тоғ хирмон учун — буюк бир ихлос.

Унинг журъатига олам берур тан,
Лозим бўлса, бошга кўтарур Ватан
Ва солур пойига гулдан поёндоз.

Мирзачўл, бугунги ҳусну жамолинг,
Элни қилур маҳлиё.
Жаҳон аро топган қадру камолинг,
Кўзларига тўтиё.

Дунёга бергусиз тахту аъмолинг,
Тупроғинг эрур кимё,
Сирдарё бўйидан эсан шамолинг,
Юрт жонига мумиё.

Машриққа кўрк берган дўстлик чиноринг,
Фарҳод чироридан нурли виқоринг,
Ленин заковатидан.

Довруғинг оламга дostonлиги ҳам,
Халқингнинг бахтиёр инсонлиги ҳам,
Ленин саодатидан.

Мирзачўлга ўхшаб Қарши дашти ҳам
 Қовжираб ётарди сув илинжида.
 Ранглари саргайиб Аму пинжида,
 Қақроқ лабларига тегмас эди нам.

Фалакка ёлворган чўли муаззам
 Хумдонга ўхшарди айни саратон.
 Жазирада азоб чекмасин деб жон,
 Инсон ҳайиқарди қўйғали қадам.

Кимсасиз, ҳувиллаб ётган бу тупроқ
 Дардини ичида сақларди мудом,
 Одамзод қошида бўлгандай мулзам.

Мулзам эди чўздан инсон ҳам бироқ,
 Ерни қаттиқ дерди, осмонни йироқ.
 Чўл каби ташнайди, ахир, ўзи ҳам.

Қаршидан ранг олган чўли Шеробод,
 Бағрига дурини сочибди Сурхон.
 Дурдан тоғ қилмоқни ўйлаб Шоймардон
 Тонг билан сурибди Шерободга от.

Курашдан иборат бўлган бу ҳаёт
 Қайнатибди уни ўз қозонида.
 Пахтакор қонини кўриб жонида,
 Қарчигай йиғитдан сўрабди нажот.

Елвориб, пойига бош қўйибди чўл,
 Қўлингдан келса гар қил дебди обод,
 Кун келиб айларман мен ҳам сени шод.

Шоймардон ҳам, чўл ҳам бериб қўлга-қўл,
 Азалий сирдошдай тилашгач оқ йўл,
 Олтин хазинасин очмиш тилсимот.

Пахта деб билмадик иссиқ, совуқни,
 Чўлларнинг шохини олдик қайриб.
 Доимо нишонга отолдик ўқни,
 Замиин доғин ювдик, шўрдан айириб.

Зарафшон зар қилди чўли Маликни
 Ва бизга жилмайди, устин шай қилиб.
 Езёвон чўлида бор қилдик йўқни,
 Қолмадик зор учмас чўлдан ҳайиқиб.

Чўл бугун бизларни қилур имтиҳон,
 У қанча жасорат, мардлик гувоҳи.
 Пўлат худди ўтда тоблангансимон
 Биз чўлда тобландик, чўллар нигоҳи —

Ерқин истиқболдан сўзламоқдадир,
 Оқ тоғлар чўққисин кўзламоқдадир.

Пахтажон! Сен мангу туганмас қонсан,
 Ҳам тошиб ётибсан чаноқдан сутдай,
 Дала-туз зийнати — барака-қутдай,
 Дастурхон кўркига кўрк берган нонсан.

Элим томирида гупирган қонсан,
 Инсоний ғурури, шараф, фахрисан,
 Покиза виждони, номус-орисан,
 Қалбида мавж урган ҳаётбахш жонсан.

Безавол умрининг силсиласида
 Ялангтўш кўксини безаган шонсан,
 Кўзига зиёсан, эрксан, имонсан.

Қон-қардош элларнинг оиласида,
 Урта Осиёнинг пок сийнасида
 Қуёшдай балқиган Ўзбекистонсан.

Сен жондош элимнинг усти бошисан,
 Кийинтирсанг етар дунёни ҳатто.
 Прёндоз бўлурсан ойга қадар то,
 Сен инсон ҳуснининг бир наққошисан.

Сен унинг юзисан, кўзу қошисан,
 Нягоҳбон киприксан қорачиғига.
 Егдусан ҳаётин шамчирогига,
 Тупроқни дур қилган чўнг бардошисан.

Ҳазрати инсондай қўли гул меъмор,
 Ҳаёт иморатин мармар тошисан,
 Ўзбекнинг Самарқанд, Кешу Шошисан.

Халқим умри ила умринг баробар,
 У сени, сен уни этмай хору зор
 Енга эгилмаган магрур бошисан.

Момиқдай юмшоғу жисми жаҳонинг,
 Қалбингдаги чигит тошдай қаттиқдир.
 У фашист кўксига қадалган ўқдир.
 Бунга кафил эрур сенинг имонинг.

Чаноққа сигмайин қилган тугўнинг,
 Юлдузга ишқингни айлади найванд.
 Бошингда кулдию эрки аржуманд,
 «Восход» кемаси ҳам бўлди ошўнинг.

Сен билан Гагарин учди фазога.
 Бир лўппи чаноғинг ўнгач мезбонинг,
 Қувончдан танпинга сигмади жонинг.

Довруғинг таралб яна дунёга,
 Бодроқдай очилиб боқдинг самога,
 Космосни забт этди Ўзбекистонинг.

Пойтахти азимни қилгин деб обод,
 Сенга мос жой топдик улуг шаҳардан.
 Бир ҳайкал ўрнатдик сенга мрамрдан,
 Фаввора сипгари қайна деб абад.

Мрамр жон топти-ю наққош, меъмрдан,
 Чаноқ тимсолида кўргизди жамол.
 Павоний қасрида топдингу камол,
 Бошинг кўкка етди зўр ифтихордан.

Раиго-раиғ товланиб камалак мисол
 Чаноқ фавворадан отилар инжу.
 Инжумас, она ер қайноқ меҳри бу,
 Шу меҳр туфайли эл тоинас завол.

Пахтажон! Чаноғинг қилиб фаввора,
 Сенга ҳайкал қўйдик бу олам аро.

ТУРТИНЧИ ФАСЛ

Киндигимиз қони томган бу тупроқ
 Етти пуштимизни йўрғаклагандир.
 Бу тупроқ ҳидни туйган кундапоқ
 Қалбида муқаддас бир ўт ёнгандир.

Олтин бешигида тебратгани чоқ
 Тақдиримиз инин турмаклагандир.
 Болалик боғида ўйпатиб қувноқ
 Орзумиз ниҳолни куртаклатгандир.

Чашма сувидан ҳам покроқ меҳрини
 Она суги билан сипгдириб жонга,
 Қалбимизга солган севги сеҳрини.

Бу тупроқ ёр қилиб эрку имонга,
 Тотдириб ҳаётнинг завқ, шукуҳини,
 Жонин фидо айлар ота маконга.

Ота макон сарҳади бор дунёдир,
 Бу дунёда — умр ўлчовли.
 Ҳашаматда яол қолгулик бинодир,
 Бу бинода — умр сийловли.

Умр эса салт тулпордай чопагон,
 Тизгинидан бўлмагай тутиб.
 Бу шундайни бекатсиз бир хиёбон,
 Ҳаёт сени турмайди кутиб.

Нилсинг фасли каби ҳаёт саҳнаси
 Бир маромда турар айланиб.
 Шу саҳнада умрнинг ҳар лаҳзаси
 Истиқбөлга қучоқ очар шайланиб.

Ота макон — ворисли бу иморат,
 Умр отин изларидан иборат.

Инсон умри қисқа қуш уйқусидай,
Минг йилни безайди шу умр баъзан.
Ҳаёт ишқи унга гар бўлса мезон,
Дилга завқ бахш этар шеър туйғусидай.

Баъзан ганим тутган май оғусидан
Яраланган қушдай озор чекар жон.
Энг ширин орзулар бўлай дер хазон,
Булбул кўз ёшидек эл қайғусидан.

Ғам тошини эритар шодлик оташи,
Дардчил дилга ҳаёт бағишлар дармон.
Эзгулик — умрнинг эрур наққоши.

Умр бу — уфққа йўл олган карвон,
Тоғни кўтарса ҳам етар бардоши,
Карвон ўтса, вале қилмангиз армон.

От изини босган каби той,
Аждодлар умрини айладик давом.
Тугилгандек балад тогда сой,
Тогдек оталарга суяндик биз ҳам.

Оталар «Эрк!» деган муқаддас сўзни
Унутмади худди қасамдай.
Инқилоб жангида юмса ҳам кўзни,
Юлдузлари сўнмади шамдай.

Умр кошонасини айлаб чарогон
Шу юлдузлар порлаб турибди.
Авлодлар йўлига бўлиб чарогбон,
Саодатга ёрлаб турибди.

Оталар юлдузи кулиб, ярқираб,
Халқим кўксини турибди безаб.

Халқимнинг бахтига бўлиб раҳнамо,
Бошини силади бир Буюк инсон.
Шу инсон қалбидан нур эмди гўё
Зулмат гўшасида озор чеккан жон.

Улуг рус халқидан топдию нажот,
Тақдирига қилди тақдирин пайванд.
Ўзбек ҳам эл аро қозондию от,
Дўстлик неъматидан бўлди баҳраманд.

Шу дўстлик халқ аро бўлдию кўприк,
Нону туз тотолди бир дастурхондан.
Мангу пайванд янглиг кўз ила киприк.
Халқим ажралмас ҳеч дўст-қадрдондан.

Дўстлик уйин бунёд қилмаса Ленин,
Халқлар қону қардош бўлмасди бугун.

Дўстлик уйин пойдевори метиндан,
Мармардан остонаси.
Мангуликка ажралмайди заминдан
Бу ҳаёт кошонаси.

Бу уйининг ўз соҳиби бор — қон-қардош,
Тили ҳам турли-туман.
Диллар аро кўприги бор, аердош,
Бу, рус тили — бир уммон.

Дўстлик учун эшиклари ланг очиқ,
Езиғлик дастурхони.
Ғанимларга дарчаси ҳам берк-ёпиқ,
Йўқдир ҳатто туз, нони.

Дўстлик уйи — бу Советлар диёри,
Инқилоб ифтихори.

Дўстлар билан бу уй файзли ва обод,
Қайгу-гамдан бегона.
Саҳнига ҳатто гард қўнмагай абад,
Шодлик билан дугона.

Бир майизни, ахир, қирқ бўлиб еган,
Оғайнилар уйи бу.
Дўст учун ҳаттоки жонидан кечган
Оғайнилар уйи бу.

Бу уйда барча эл фарзанди тенгдир,
Ет эрур ирқий низо.
Соҳиби хонанинг кўнгли ҳам кенгдир,
Дунё дарди бўлар жо.

Бу уйни дунёнинг бешиги дебон
Қалбдан садо берур жон.

Дўст синалар дерлар сафарда,
 Дўстсиз бошим — тузсиз ошимдир.
 Сафардаги ҳавфу хатарда\
 Менга содиқ дўст — йўлдошимдир.

Елкам ҳатто кўтарар тоғни,
 Тиргак бўлса дўстим ёнимда.
 Саҳродан ҳам топгум булоқни,
 Дўст меҳрини сезсам қонимда.

Бу дунёнинг шодлигу гамин
 Дўстлар билан кўрурман баҳам.
 Утказмайин дўстсиз бир дам
 Дардларига бўлурман малҳам.

Кимки дўстга бўлмаса содиқ,
 Ҳаёт узар кўкрагига ўқ.

Содиқ дўстлар топдию халқим
 Отланди бир улуғ сафарга.
 Таниб олди — дўст ким, душман ким
 Ва гов бўлур кимлар зафарга.

Дўст ниқобин кийган душманни
 Илтирдди ўз тузоғига.
 Оёғига солиб кишанни,
 Ҳибс айлади лаънат тоғига.

Қамчи босиб сафар отига,
 Яна йўлга ошиқди дўстлар.
 Бир сафарким, жасоратига
 Етмагайдур дунёда сўзлар.

Бир сафарким, дунё кўрмаган,
 Йўлларидадан ҳатто юрмаган.

Бу сафарда занжир ҳалқасисмон
 Дўстлар сафи яна жипелашди маҳкам.
 Тўғаноқ бўлганда йўлига душман,
 Дўстлар кулфатни ҳам кўришди баҳам.

Фашизмни айлаб ер билан яксон,
 Дўстлигига ҳатто юқтирмади гард.
 Муштипар онанинг фарзандисмон
 Музаффар бир жомни сипқорди не мард.

Яна дўстлик уйини ҳуснига оро,
 Баҳорни нақш этди манзарасига.
 Мағрур парвоз айлаб юлдузлар аро
 «Космос» сўзин чекди шажарасига.

Халқимиз бўлмаса бунча қон-қардош,
 Дўстлар бир ёқадан чиқармасди бош.

Ўзбекистон — қардошликка маёқдир,
Байналминал — тилидан ҳеч тушмагай.
Дўстлик деса — бахт кўкида чароқдир,
Булоғи ҳам дўстликсиз ҳеч жўшмагай.

Лозим бўлса, заҳар ичар дўст учун,
Оташдан ҳам эсон-омон чиқажак.
Қуёш етмас музлик кечар дўст учун,
Тоғларни ҳам даст кўтариб йиқажак.

Ёнганидан қардошликнинг чироғи,
Пахта тоғи кўк тоғига устундир.
Дўстга макон бўлганидан тупроғи,
Ўзбекистон бағри бугун бутундир.

Ўзбекистон — Шарқда дўстлик кўзгуси,
Ушалгандир бунда Ленин орзуси.

Ўзбекистон — ярим асрдан буён
 Қудратли бир гўзал ўлкадир.
 Янгроқ овозини тинглайди жаҳон,
 Бахтин топган республикадир.

Қутлуғ пойтахти бор — Тошкенти азим,
 Янги Шарқнинг чўнг дарвозаси.
 Ун икки вилоят қилади таъзим,
 Ҳар қитъада бор овозаси.

Ўзбекистон рамзи — байроғи ҳам бор,
 Герби ҳам бор кўрса кўргудек.
 Унда пахта, бугдой бошоғи ҳам бор,
 Уроқ-Болға — Гербин кўркидек.

Гимни бор — дунёда қўшиқ бўлгулик,
 Оҳангига ҳавас қилгудек.

Дўстлик шаҳри дея Тошкент олди ном,
Тошкентда қардошлар қалбин қўри бор.
Ўзбек диёрига буюк эҳтиром,
Меҳр ила муҳаббат, кўзин нури бор.

Жасорат шаҳри деб Тошкент олди ном,
Тошкентда мардликка қўйилди ҳайкал.
Машъум зилзиладан олиб интиқом,
Қардошлар Тошкентга беришди сайқал.

Дўстлик ва жасорат бунда ёнма-ён,
Юрак ва ақлдек ҳунару зако.
Вайрона уйлардан қолмай ном-нишон,
Алпдай қад ростлади минглаб кошона.

Дўстлик диёрида туғилди Тошкент
Ва дўстлар меҳрига йўғрилди Тошкент.

Тошкентда — Лениннинг шаънига лойиқ
 Мармардан бир қаср қурдик — ягона!
 Доҳийни зиёрат қилган халойиқ
 Қалбига нур сочар ўша кошона.

Муаззам бешикдай ақлу закога,
 Она ер кафтида кулмиш улугвор.
 Шарқнинг ҳайкалидай ўлмас даҳога,
 Навоий қасрига боқар пурвиқор.

Доҳий ҳаётининг дорилфунуни,
 Мангу бир умрининг қомусидир бу,
 Лениндан миннатдор насллар уни,
 Қорачиги янглиг асрагай мангу.

Ўрта Осиёга бўлиб зўр маёқ,
 Бу қаср Шарқ уфқин айлагай порлоқ.

Елгиз отнинг чанги чиқса ҳам
Донги чиқмас дейди халқимиз.
Дўст топмаса содиқ ва ўктам,
Чиқмас эди донги шубҳасиз.

Дастурхони бўлса-да тўкин,
Меҳмонига ёзмаса агар.
Дўст изига зор бўлиб бир кун,
Саргаяди ранг-рўйи баттар.

Якка чипор бўлиб кўрса кун,
Синар эди бели бўрондан.
Тўпигига чиқмаса тўлқин,
Яшин урар эди осмондан.

Яхшиям бор, қаторда нори —
Мангу содиқ дўст-биродари.

Гар қаторда бўлса норинг,
Юкинг ерда қолмас, дерлар.
Ҳамроҳ бўлса биродаринг,
Оёғинг ҳам толмас, дерлар.

Дўстлик бўлса туғ, шиоринг,
Ғаним чангал солмас, дерлар.
Буюк бўлса аҳд-қароринг,
Кўзларинг ҳам олмос, дерлар.

Дўстлар сенга бўлса мадор,
Қайрилмагай қанотинг ҳеч.
Дўстга этсанг жонинг нисор,

Ҳаётингда бўлмас ўкинч.
Дўстинг агар чиқса агёр,
Бошинг узра ўйнар қилич.

Дўсти кўплигидан қўли ҳам баланд,
Кўксига қадаган эрк юлдузини.
Москвага қалбин этгали пайванд
Ер остидан топди газ денгизини.

Дўстлик уйин яна қилгали обод,
Қизилқум тилсимин очди кўзини.
Мурунтовнинг бўлиб мушқули кушод,
Кўзларига суртди дўстлар изини.

Қардошларга тутиб нон ва тузини,
Қаддини ростлади шаҳри Зарафшон,
Қизилқум даштида мисли паҳлавон.

Тинглаб Мурунтовнинг юрак сўзини,
Оламга намойиш айлар ўзини
Тилло шаҳристонда дўсту қадрдон.

Москва қалбига туташдир бугун
Ўзбекистон йўллари.
Саодат нуридан ойдин куну тун
Ўзбекистон йўллари.

Куну тун дарёдай уради тўлқин
Ўзбекистон йўллари.
Ҳатто бир дақиқа билмайди тиним
Ўзбекистон йўллари.

Кўприк янглиғ боғлар Шарқу Шимолни
Ўзбекистон йўллари.
Кўз етмас уфқдай чулғар хаёлни
Ўзбекистон йўллари.

Дўстлик йўлидир бу бўстон йўллари,
Ўзбекистон йўллари.

Бу йўлдан кўп карвон ўтган.
 Олис манзилни кўзлаб.
 Бу йўлдан кўп сарбон ўтган
 Юрак дардини сўзлаб.

Ўша карвон йўли бугун
 Менинг йўлимга туташ.
 Ўша сарбон дили бугун
 Менинг дилимга туташ.

Мендан сўнг ҳам бу кенг йўлдан
 Ўтар не-не карвонлар.
 Эрк машъалини қўймай қўлдан.

Ўтар не-не сарбонлар.
 Дўстлик мадҳини куйлаб дилдан
 Ўтар не-не инсонлар.

Ҳар Ватанининг ўз фарзанди бор,
Ҳар фарзанд ўз юртида ҳоким.
Умри бўлиб юз йилга пойдор,
Кўзга суртар она юрт ҳоким.

Она юртда қутлуг бир маскан
Уни доим тортар ўзига.
Қай чамани қилмасин Ватан,
Илҳақ бўлар нону тузига.

Юрагида дарди бўлса гар
Шифо берар унга шу маскан.
Гар айтмаган бўлса ҳам алёр,
Шу масканда куйлайди шўх-шан.

Ўзбекистон — қутлуг бир диёр,
Унда менинг ўз масканим бор.

Тоғ билан рўбарў менинг деразам,
 Боғ кўчам бош қўйган унинг пойига.
 Жанубга қараган нақшин дарвозам
 Остонаси туташ Ургут сойига.

Шу сойнинг биллурдек оби зилоли
 Тоғ билан қалбимни қилолди пайванд.
 Олмос чўққидаги кўкнинг ҳилоли
 Менинг хаёлимга ташлади каманд.

Шундан тоғ этди-да асиру шайдо,
 Мени ҳаловатдан этгали жудо,
 Шеър дардини солиб қўйди қалбимга.

Бу дард бир умрга тинчитмас асло,
 Унга мен ҳаётдан ахтариб даво,
 Шу тоғдан тош қўйдим шеърий қасримга.

Ургутнинг тогида ўпиб осмонни,
 Юлдузга кифт тутган юксак чўққи бор.
 Уни забт этолган ботир ўғлонни
 Кафтида кўтарар бу тогли диёр.

Шу чўққига нурли сўқмоқ йўл кетган,
 Саробдек жимирлаб олади кўзни.
 Одамлар ҳайрондир, дастлаб ким ўтган,
 Ким кашф айлаб, жўмард санаган ўзни.

Унга ол байроқни қадамоқ учун,
 Қўрқмасдан баҳорги дўл ва чақмоқдан
 Дастлаб бобом юрган ўша сўқмоқдан.

Шу сўқмоқда менинг қадамим бугун,
 Не керак, чақмоқли йўлдан қўрқмоқдан,
 Чўққини забт этгум ўша сўқмоқдан.

Тогни кўрсам, отам тушар эсимга,
 Отам суяб турар мени ҳам тоғдек.
 Қўл урсам, шу тоғда қайси тилемга,
 Ганжинаси қайнаб чиқар булоқдек.

Отамнинг қалби ҳам шу тоғга монанд,
 Унда ҳам мен муштоқ дурру гавҳар мўл.
 Бир умр шу дурни терсам-да гарчанд,
 Унинг хазинаси тугамас буткул.

Тогнинг ҳам отамдек боши узра қор,
 Отам ҳам тоғ каби девқомат, ўктам.
 Тоғга зийнат бўлиб яшаса чинор,
 Отамнинг кўрки — мен, акам ва укам.

Мени суяб турар икки улкан тоғ,
 Икки тоғ аро мен — қайнаган булоқ.

Мен қайпар булоқман, қалбим кўзини
Тош билан ёполмас ҳаттоки ганим.
Қаърида дур бўлиб ётган сўзини
Кўзин қаросидай асрар маҳзаним.

Дилда тугён урган ҳис денгизини
Ёт кўздан сақлагай кўкрагим маним.
Тўлқинлар бағрида кўриб ўзини
Қалъаи кўнгилда яйрар бу жоним.

Мен қайнар булоқман, қиргоқларимдан
Бир лаҳза узилмай дўсту қадрдон,
Жавоҳир теради юракларимдан.

Оламга сочгандек зарин Зарафшон,
Мавжланиб оқаман дил боғларидан,
Қалб дурин халқимга этгали эҳсон.

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,
 Ул оламга боқар икки туйнукдан.
 Юрт жамолин тўйиб кўрмоқ қумсайди,
 Қош остига қўнган юлдуз ул кўкдан.

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,
 Дарчасини очишга ким қилур эрк.
 Тилим унга калит бўлмоқ истайди,
 Қалб амриси очилмагай қулфи лек.

Менинг кўнглим тилсимотга ўхшайди,
 Анор каби қирмизи ранг, бағри қон.
 Чўғдай ҳислар гурлаб ён деб қистайди,
 Гурлаб ёнсанг, умринг бўлур чароғон.

Ёниб ўтар менинг умрим бегумон,
 Кўнглил ичра Ватан меҳри, дейди, ён!

Бу меҳр сунт билан кирган қонимга,
 Чиқар фақат жон билан.
 Шеърят туйғусин қўшиб жонимга,
 Қалбга кирган қон билан.

Ноз-неъмат бахш этиб дастурхонимга,
 Обод қилган нон билан.
 Зарра гард қўндирмай пок имонимга,
 Мени қутлар шон билан.

Бу меҳр шуъласи порлаб кўзимда,
 Ҳаётни айлаб жонон,
 Менга бир тахт қурган ернинг юзинда.

Шу тахтда суриб даврон,
 Бахтингни кўролдим ризқу рўзимда,
 Қуллуқ сенга, Онажон!

Сени севганимни жонимдан ортиқ
 Изҳор қилолмасам шеър билан агар,
 Майли, бошларимдан сочма сийму зар,
 Мени фарзандим деб санамагини, йўқ!

Бу олам гулларини қилмасам тортиқ,
 Ўстирган дарахтим бермаса самар,
 Агарда тилимдан ёғмаса гавҳар,
 Болам деб қошимда қилмагини қуллуқ.

Бешигим бошида айтган аллангни
 Шеър билан узолмай, бўлсам қарздор,
 Унутгин, онажон, мендай болангни.

Умрим бўлолмаса умрингга пойдор,
 Гар кўкка совурсам олтин лаҳзангни,
 Мени оқ қилгину гам чекма зинҳор.

От айланиб топгандай қозигини,
Қайда бўлсам мен юртимга келурман.
Сайёҳ кўзга ёуртгандай озигини,
Юртим хокни мен тўтнә қилурман.

Дарё тогдан пойини узмагандай,
Мен ҳам ундан оёқ узиб кетолмам.
Уз элида одамзод тўзмагандай,
Мен ҳам элсиз бирор тогдан ўтолмам.

Олма узоқ тушмагай дарахтидан,
Сувсиз ерда унмас чинор ниҳоли.
Фарзанд кечмас онанинг тож-тахтидан.
Ҳатто элдан айрилмас юрт шамоли.

Булбул гулга айтгандай оҳу зорин,
Мен сўйладим юртимга дилда борин.

Фикр оти жилови ясаб нурдан,
 Туёғини олмос тоғдан йўндирдим.
 Ғўс! чинорин эгар қилиб қўндирдим,
 Узангисин ўрнатдим мен темирдан.

Хуржунига дон солиб она ердан,
 Изларида турфа гуллар ундирдим.
 Қалбимни бир чавандоздай миндирдим,
 Сакраб ўт деб дуч келса Аму, Сярдан.

Чавандозга беқасам тўн кийдириб,
 Шоҳи белбоғ боғлаб қўйдим белига.
 Чуст дўлпида кўрган кўзни куйдириб,

Қаламинни тутқаздиму қўлига,
 Субҳидамда боғ аро от қўйдириб,
 Умид билан боқдим унинг йўлига.

1 Ургутдаги қишлоқ.

Ун тўрт йўлни бир даргоҳга бирлаштириб,
 Ой бориб, қайтди омон.
 Ҳар бир йўлда ҳаётбахш бир оташ кўриб,
 Кўнгли бўлди нурафшон.

Ун тўрт йўл бу — ўн тўрт юртининг элчисидир,
 Элчига йўқдир ўлим.
 Бир юракнинг ўн тўрт юртга севгисидир,
 Севгига йўқдир ўлим.

Элчи билан севги ўлим билмас экан,
 Ўлим билмас шеърият.
 Шеърият деб санчилса ҳам қалбга тикан,

Роҳатбахш бу азият.
 Ун тўрт юртни қондош айлаб, сен-ла, сухан,
 Яратдим бир мамлакат.

Бу мамлакат икки даҳа,
Иборат тўрт вилоятдан.
Қалб меъмори боқар танҳо
Ҳашамдор юз иморатдан.

Бу мамлакат шоҳи эрур
Юрак деган бир валломат.
Тожу тахти мангу турур,
Мангу эрур бу мамлакат.

Бу мамлакат пойдевори
Ўзбекистон тупроғидан.
Иморатин нақш-нигори
Кўзларимнинг қароғидан.

Бу мамлакат — ушбу дoston
Мен кашф этган Ўзбекистон.

*Ургут—Тошкент
1973—1974*

МУНДАРИЖА

Шоирона изланишлар. Изчиллик <i>И. Гафуров</i>	5
* Умримни сонетга бахш этдим	10
* Соғинчли тунларда ҳамрозим сенсан	11
* Умрингиз қадрини сўранг замондан	115
* Кўзингда ўзимни кўрган онларим	203
Самарқанд (<i>Гулчамбар</i>)	281
Олтин тўй (<i>Гулчамбар</i>)	299
Самарқанд ушшоғи (<i>Достон</i>)	317
Мен кашф этган Ўзбекистон (<i>Достон</i>)	351

* © Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

На узбекском языке

Барат Тиллаевич Байкабулов

Сонеты

Редактор *М. Жалилов*
Макет *А. Бобров*
Расмлар редактори *И. Қириакиди*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1884

Босмахонага берилди. 10.01.82. Босишга
рухсат этилди. 27.05.82 Р.13010. Формати
70×90¹/₃₂. Босмахона қоғози № 3. Оддий
янги гарнитура. Юқори босма. Шартли
босма л. 16.67. Нашр л. 9,23. Тиражи
15000. Заказ № 1460. Баҳоси. 1с. 10т.

Мелований қоғозда 1с. 80т.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти 700129. Тошкент, На-
войий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полигра-
фия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитетининг Тошкент «Матбуот» по-
лиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Тошкент, Навойий кўчаси, 30.

Бойқобиллов Барот.

Сонетлар /[Сўзбоши И. Ғафуров].—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, [1982.]—456б.

Барот Бойқобиллов шеърлятида сонет жанри алоҳида ўрин тутади. У ўзбек шеърлятида биринчи бўлиб бу жанрда жиддий ижод қилди. Унинг шакл ва ифода имкониятлари доирасини кенгайттирди ва бойитди.

Байкабулов Барот. Сонеты.

Ўз2